

**А. И. КУПРИН**

**ЁҚУТ КЎЗЛИ  
БИЛАГУЗУК**

Ҳикоялар

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент—1979

ИККИНЧИ НАШРИ

Таржимон ЛУТФУЛЛА ОЛИМОВ

К  $\frac{70301-95}{356 (04)-79}$  66—79 4702010100

- © УзССР Дарлат бадий адабиёт нашриёти, 1962.
- © «Ёш гвардия» нашриёти, 1979, таржима



## ЁҚУТ ҚУЗЛИ БИЛАГУЗУК

### I

Август ўрталарида янги ой туғилиши олдида Қора денгизнинг шимолий соҳилларига хос равишда тўсатдан ҳаво айнади. Гоҳо ер ва денгиз устини бир неча кун қалли туман босар, шунда маякдаги катта гудок кечаю кундуз қутурган буқадек ўкирарди. Гоҳ сурункасига сув бугларидек майда ёмғир севалаб катта тупроқ йўлни ва сўқмоқларни аталага айлантириб юборар, бу йўлларда араваю извошлар ботиб қолар эди. Гоҳ ғарби-шимоли тарафдан, очиқ дала томондан даҳшатли бўрон эсар, бўрондан дарахт учлари дам эгилиб, дам қаддини ростлаб денгиз тўлқинидек чайқаларди, дам кечалари боғлардаги тушука томлар тарақлаб, гўё том устида нағал пошнали аллаким юраётганга ўхшарди. Бўрондан дераза ромлари ёнжиллаб, уй эшиклари тарақларди ва печь мўрилари қаттиқ увилларди. Балиқчиларнинг бир нечта баркаслари денгизда адашиб қолди, иккитаси эса балиқ овидан бутунлай қайтиб келмади, бир ҳафтадан кейин ҳалок бўлган балиқчиларнинг жасадини сув қирғоққа чиқазиб ташлади.

Шаҳар чеккасидаги, денгиз курорти аҳолиснинг кўпчилигини ташкил қилган грек ва яҳудийлар шошапиша шаҳарга кўчиб қолдилар. Чунки улар ҳамма жанубликлар сингари жони ширин, ваҳимачи кишилар эди. Пилч-пилч лой бўлган катта кўчадан турли уй-рўзгор асбоблари: кўрпа-тўшак, жавон, сандиқ, курсилар, умивальник, самоварлар ортилган редавон арава-

лар узлуксиз ўтиб турарди. Хира ёмғир пардаси орасидан, эскириб увадаси чиққандек, ифлос ва эски бўлиб кўринган рўзгор лаш-лушларига, аравадаги юкларнинг тепасида ҳўл брезентга ўралиб, дазмол, тунука қутичалар ва сават ушлаб ўтирган оқсоч хизматкор хотинларга, қора терга ботиб, ҳолдан тойганидан тиззалари қалтираб юришдан дам-бадам тўхтаётган, пишқириб, буғ чиқазиб биқини кириб-чиқиб турган отларга, ёмғирдан чиптага ўралиб, бўғиқ овоз билан сўкинаётган аравакашларга қараш аянчли, аламли ва жирканч эди. Ундан ҳам ҳувиллаб, бефайз бўлиб қолган чорбоғлар, барги тўкилган дарахтлар, бузилган гул пушталари, синган ойналар, ташлаб кетилган итлар ва ипиринди-сипириндилар, қоғоз, гугурт қутилари, дори шишалар, чинни синиқлари, папирос қолдиқларини кўриш киши дилни баттар сиёҳ қиларди.

Аммо, ҳеч қутилмаганда, сентябрь бошларида тўсатдан ҳаво очилиб, шамолсиз иссиқ кунлар бошланди. Бундай ҳаво июль ойида ҳам бўлмаган эди. Уримдан чиққан буғдойзорларда, тикандек қаттиқ калта-калта буғдой пояларида мезон оппоқ нуқрадек йилтираб кўринарди. Бўрондан тинчланган дарахтлар барглари ни тоаткорона, аста-секин ерга тўкарди.

Дворянлар саркорининг хотини княгиня Вера Николаевна Шенна, шаҳардаги уйларида ремонт қилиш туғаманидан ҳали боғдан кўчиб кетмаган эди. Ҳозир у, бундай чиройли кунлар, тоза ҳаво, сув қуйгандек жимлик, танҳоликдан, телеграф симларида иссиқ ўлкаларга учиб кетиш олдидан тизилишиб ўтирган қалдирғочларнинг сайрашидан ва астагина денгиздан эсаётган эркаловчи шўр шабададан гоят мамнун эди.

## II

Хулласи калом, бугун ўн еттинчи сентябрь, унинг туғилган куни эди. Болаликнинг ўтмиш, ширин хотираларини эслаб, шу кунни у ҳамиша севар ва ундан қандайдир ажойиб бахт кутарди. Эри ошиғич ишлар билан эрталаб шаҳарга кетаётиб, туалет столи устида нок нухса дур доналаридан қилинган ажойиб исирға қолдирган, бу совга уни яна ҳам қувонтирган эди.

У ҳозир бутун бошли бир уйда танҳо ўзи эди. Одатда улар билан бирга яшайдиган бўйдоқ акаси Нико-

лай — прокурор муовини ҳам шаҳарга, судга кетган эди. Тушлик овқатга эри энг яқин таниш-билишларидан бир нечасини олиб келишга ваъда берган эди.

Бу куннинг ёз фаслига тўғри келиши кўнгилдагидек бўлди. Агар бу кунни шаҳарда нишонлашга тўғри келганда, катта зиёфат берилиб, у ҳам майли-я, ҳатто бал берилиб анча харажат қилишга тўғри келарди. Бу ерда, чорбоғда эса, маросимни кам харж қилиб ўтказса бўлади. Князь Шенн жамиятда дурустгина мавқе тутишига қарамай, топгани тирикчилигига аранг етарди. Бунга тутган мавқеи сабабчи деса ҳам бўларди. Авлоддан авлодга ўтиб келган ҳисобсиз ер-мулкни ота-боболари талон-торож қилишган эди. Меҳмон кутиш, инъомлар бериш, яхши кийиниш, уйда от тутиш ва бошқа харажатларга унинг даромади етмасди. Княгиня Веранинг эрига бўлган аввалги ҳароратли муҳаббати ўрнини аллақачонлар садоқатли, чин дўстлик туйғуси эгаллаган эди. Эрини бутунлай хонавайрон бўлиб кетишдан сақлашга иложи борица ҳаракат қиларди. У князга билдирмай кўп нарсалардан воз кечар ва қўлидан келганча тежаб рўзгор тебратарди.

Ҳозир у боғда юрар, зиёфат столига қўйиш учун қайчи билан авайлаб гул кесарди. Гулпушталар бўшаб қолган, тартибсиз бир қиёфада эди. Ранг-баранг серяпроқ чиннигуллар ва ярми гуллаган, ярми кўм-кўк позик гўнча ҳолатидаги карам ҳидли чиройли левкой гуллари янгидан очила бошлаган эди. Гул буталари бу ёз учинчи дафъа гўнча чиқариб гуллаган, бироқ улар энди хийла майдалашиб, худди айниб, сийраклашиб қолгандек. Аммо картошкагул, саллагул ва қўқонгуллар қулф уриб очилиб ётар, ҳуснини кўз-кўз қилар, салқин куз ҳавосида ҳазин кўк майса исларини сочар эди. Бошқа гуллар эса гўё онадек ёзи билан ардоқлаб етиштирган сон-саноқсиз уруғларининг ерга секин-аста сепарди.

Катта йўлдан автомобиль уч пардали рожоги<sup>1</sup>нинг таниш товуши эшитилди. Автомобилда княгиня Веранинг синглиси — Анна Николаевна Фриессе келаётган эди. У эрталаб телефон қилиб, меҳмонларни кутиб олишга ва тайёргарлик ишларига қарашнига ваъда берган эди.

---

<sup>1</sup> Сигнал, резинкадан қилинган сурнай.

Зийрак Вера автомобиль товушини дарров эшитди ва синглисини кутиб олишга чиқди. Бир неча дақиқа ўтгач боғ эшиги олдида бежирим автомобиль-карега таққа тўхтади-ю, шофёр ўтирган еридан чаққонлик билан сакраб тушиб, автомобиль эшигини очди. Опа-сингил хушчақчақ ўпишишди. Улар болалик чоғлариданоқ бир-бирларига меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик туйғулари билан чамбарчас боғланган эдилар. Шуниси қизиқки, улар бир-бирларига асло ўхшамас эдилар. Вера соҳиб-жамол инглиз онасига тортган эди, у сарвқомат, лекин хушрўй бўлса ҳам истараси совуқроқ, худписанд эди, қўллари катта бўлгани билан бежирим, қадимги минн-атюраларда учрайдигандек паст елкалари ўзига ярашиб турарди. Сингилси Анна аксинча, мўгул жинсига тортган, дадаси татар князларидан эди. Бобокалони XIX аср бошларида чўқинган бўлиб, насл-насаби Темурга бориб тақаларди. Отаси бу қонхўр жаҳонгирни ифтихор билан Темурланг деб атарди. Аннанинг бўйи опасиникидан хиёл паст, елкалари кенроқ, ўзи енгил табнат, шўх, одамларни мазах қилишни яхши кўрарди. Унинг ёноқ суяклари чиққан мўгулча чехраси, узоқни кўролмаслигидан қисиб қарайдиган қийиқ кўзлари нозик, кичкина оғзи, пастки дўрдоқ лаблари унчалик жозибадор бўлмаса ҳам, у ўзининг табассуми, хотинлик латофати, кишини ҳаваслантирадиган ноз-карашмалари ва ўзи ҳам сезмай қоладиган сирли гўзалликлари билан одамни ўзига асир этарди. Танноз, лекин турқи совуқроқ бу жувон, опасининг аристократ гўзаллигига қараганда, эркакларнинг ҳиссиётини кўпроқ қўзғаб, уларнинг диққатини ўзига тортарди.

Аннанинг эри бадавлат, ўта подон, ҳеч қандай иш қилмаса ҳам қандайдир жамияти хайрияга аъзо, камерюнкер деган унвонга эга эди. У эрини жуда ёмон кўрса ҳам ундан икки фарзанд — бир қиз, бир ўғил кўрган эди, кейинчалик эса туғмасликка аҳд қилган, бошқа боласи йўқ эди. Вера эса бола кўришни жуда ҳам истар, назарида қанча кўп фарзанд кўрса, шунча яхши бўладигандек кўринар, аммо печундир у туғмас ва ҳаминша сингилсининг қонсиз, оқ юзли, қўғирчоқ сочига ўхшаш жингалак сочли, ювош, ёқимтой болаларига парвона бўлиб, айлашиб-ўргиларди.

Анна шўхлик, дилкашликдан бошқани билмас, ғалати-ғалати қилиқлар қилар эди. У бутун пойтахт ша-

ҳарлар ва Европанинг ҳамма курортларида бўлган, қалтис ўйинларга берилиб кетаверар эди. Бироқ олди-данам, орқасиданам нафратланиб масхара қиладиган эрига ҳеч қачон хиёнат қилмаган эди. У исрофгарчиликни, қимор ва тапша ўйинларини ҳамда таъсирли қизиқ томошаларни яхши кўрарди. Чет элларда хил-ватдаги кафеларга бориб турарди. Бироқ, худога қаттиқ ишонини ва яхши фазилатлари билан бошқалардан ажраларди, ҳатто у махфий равишда католик динини қабул қилган эди. Унинг бели, кўкраги ва слкалари гоят чиройли эди. Катта базмларга борганда ўша замондаги мода ва одоб чегарасидан чиқиб, бадан ва билакларини очиб кўярди. Аммо одамлар ўйма ёқали кўйлагини остидан ҳаммиша власяница<sup>1</sup> кийиб юради, дейишарди.

Вера эса жуда содда, серилтифот, беларво, одамларга виқор билан муомала қиларди.

### III

— Турган жойларинг мунчаям чиройли-я? Эй, яратган тангрим... Бирам яхшики!— дерди Анна опаси билан тез-тез, майда қадам ташлаб бораркан.— Опа, агар бемалол бўлса жар ёқасидаги скамейкада бирпас ўтирсак. Мен анчадан бери денгизни кўрганим йўқ. Денгиз ҳавоси шундай мусаффо, ажойиб ҳавоки, бу ҳаводан нафас олган саринг баҳринг очилади. Утган йил ёзда мен Қримда, Мисхорда ажойиб бир нарсани кашф этдим. Биласанми, денгиз суви қиргоққа урилиб чайқалганда қандай ҳид чиқазади? Буни қара... Қалампиргул ҳидини чиқазар экан!

Вера ёқимли жилмайди:

— Хаёлпарастсан.

— Йўқ, йўқ. Эсимда турибди; бир маҳал ой нурида қандайдир пушти ранг тус бор деганимда ҳамма мени мазах қилиб кулган эди. Яқинда портретимни чизаётган рассом Борницкий менинг фикримга қўшилди, рассомлар буни кўндан билишадди, деди.

— Рассом, янги хушторингми?

— Кўнглингга нуқул шунақа гаплар келади!— деб

<sup>1</sup> Власяница — дағал жун кийим, дарвеш ва монахлар худого содиқ бандалигини билдириш учун кийиб юради. (Тарж.)

кулиб юборди Анна ва тез-тез юриб, денгизга тикка тушган жар ёқасига яқинлашди-да, пастга қаради ва қўрқиб, бирданига қичқириб юборди. Анна ранги қув ўчиб ўзни орқага ташлади.

— Жаҳаннам-ку!— деди у заиф, титроқ овоз билан.— Шунақа баладликдан пастга қараганимда юрагим шув этиб, этим жимирлаб кетади. Шунга қарамай, нуқул қарагим келади.

У яна жар ёқасидан энгашиб қарамоқчи бўлган эди, опаси уни тўхтатиб қолди.

— Анна, жонгинам, худо ҳақи, қўй бу ишингни, ўтир. Сенинг жар ёқасига бориб пастга қараганингни кўриб, менинг ҳам бошим айланиб кетяпти...

— Хўп, хўп, мана ўтирдим. Қара, қандай ажойиб, гўзал жойлар, қараб ҳеч кўзинг тўймайди. Бизга атаб бунёдга келтирган барча ажойиб ишлари учун худога минг-минг шукур қилишимни кошки билсанг!

Икковлари бир лаҳза сукут этиб, ўйланиб қолди. Уларнинг кўзи олдида жаҳаннамдек чуқурда сокин денгиз оқарди. Скамейкадан қирғоқ кўринмасди, шунинг учун денгиз сатҳининг улуглиги ва бепоёнлиги яна ҳам яққол кўринарди. Кўм-кўк сув тинч ва шўх жилва қилиб оҳишта оқар, оқим ўтаётган жойлардагина иланг-биланг чизиқлар пайдо бўлар, уфқда эса қуюқ мовий тусга айланарди. Аранг кўз илғайдиган балиқчиларнинг қайиқлари жуда кичкина бўлиб кўринар, қирғоққа яқин денгиз бетида гўё ҳаракатсиз тургандек туюларди. Ундан нарироқда оқ, чиройли елканлари шамолдан пуфак бўлиб чиққан уч мачтали кема осмонда муаллақ тургандек қимир этмасди.

— Мен кўнглингни биламан,— деди ўйланиб опаси,— аммо негадир менинг кўнглим бошқачароқ. Мен денгизни узоқ вақт кўрмай кейин кўрсам у мени ҳам ҳаяжонлантиради, шодлантиради ва ҳайратда қолдиради. Гўё мен ҳайбатли, дабдабали мўъжизани биринчи дафъа кўраётгандек бўламан. Денгизга кўнгиб қолганимдан кейин эса, кимсасиз бепоён денгиз мени эза бошлайди... Денгизга қараб диққиннафас бўла бошлайман ва қарамасликка ҳаракат қиламан. У жонимга тегади.

Анна кулди.

— Нега куласан?— деб сўради опаси.



— Утган йил ёзда,— деди Анна айёрона кулиб,— биз бир неча киши отларда Ялтадан Уч-Қушга борган эдик. Бу, катта бир шалоланинг тепасидаги ўрмонзор орқасидаги жой. Биз дастлаб туман ичига кириб қолдик, ҳаво намхуш ва ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Биз қарағайзордан ўтиб тиккасига кетган сўқмоқ билан баландга кўтарилардик. Шу пайт бирдан ўрмонзор тугаб, туман орасидан чиқдик. Бундай қарасак, қоя устида тор йўлда турибмиз, остимизда эса таги йўқ, жаҳаннамдек чуқурлик. Пастдаги қишлоқлар гугурт қутисидек, ўрмонзор ва боғлар майса ўтдек кичкина бўлиб кўринадди. Бу жой худди жуғрофия харитасидагидек денгизга келиб тушади, эллик ёки юз чақиримча олдинда эса — денгиз! Назаримда мен ҳавода осилиб тургандек ва ҳозир учиб кетадигандек эдим. Теварак-атроф шу қадар сўлим эдики, ўзимни қушдек енгил ҳис қилардим. Шу пайт орқамга ўгирилдим-у, бизни кузатиб келган йўл бошловчига завқ билан: «Қалай, Саид ўғли, созми?»— дедим. У бўлса тилини чўкиллади: «Э... хоним, буларнинг ҳаммаси зигир ёғдек жонга тегди, ҳар кун кўрамиз»,— деди.

— Таққослашнингга балли-е,— деди кулиб Вера.— Мен фақат биз, шимолликлар барибир денгиз гўзалликларини ҳеч қачон тушуниб етмаймиз дедим, холос. Мен денгиздан ҳам ўрмонни севаман. Егоровскийдаги ўрмонзоримиз эсингдами?.. У наҳотки одамни зериктириб қўйса? Қарағайларни айтмайсанми?.. Мохлар-чи, улар қандай чиройли! Заҳарли замбуруғларни айтмайсанми? Худди қип-қизил атласга, оппоқ мушчоқлар тикилганга ўхшайди! Ўрмон қандай салқин ва сокин!

— Менга барибир, мен ҳаммасини яхши кўраман,— деди Анна.— Аммо, ҳаммадан ҳам опамни, доно опажоним Верани яхши кўраман. Ахир, ёруғ дунёда фақат иккимиз, холос.

У опасини қучоқлаб, юзини юзига қўйиб, пинжига тикилди, шу пайт нимадир унинг эсига тушиб қолди:

— Э, қандай эси пастман-а! Романлардагидек табиат гўзалликлари тўғрисида суҳбатлашиб ўтирибмиз-а. Мен жинни, олиб келган совғамни бутунлай унутаёзимман. Мана кўр, сенга ёқармикин?

У қўлидаги сумкасидан ажойиб муқовали кичкинагина ён дафтарча олди, унинг замонлар ўтиши билан ўнгиб, сарғайиб кетган кўк духоба жилтида жуда чи-

ройли, нодир ва нафис тилла безак жимирлаб кўринарди. Афтидан, бу сабр-қаноатли катта бир санъаткор рассомнинг меҳр-муҳаббат қўйиб қилган иши бўлса керак. Ён дафтарчанинг ингичка ипдек олтин занжири бўлиб, варақлари фил суягидан қилинган эди.

— Қандай ажойиб-а! Мунчаям чиройли!— деди Вера ва синглисини ўпди.— Раҳмат. Бундай қимматбаҳо нарсани қаердан топдинг?

— Қадимги нафис ва кам учрайдиган санъат моллари сотиладиган бир дўкончадан олдим. Эски нарсаларни титкилайдиган ярамас одатим борлигини ўзинг биласан-ку. Шу дуо китобчасини учратиб қолдим. Кўр-япсанми, мана бу ердаги нақш бутга ўхшайди. Тўғриси айтсам, мен фақат бир муқовасини топдим, қолганларини — яъни варақ тугмачаларни, қалам ва бошқаларни ўйлаб янгидан ясатишга тўғри келди. Аммо, Моллине менинг айтганларимга ҳеч кўнмади, мапа илма тугмачалар, муқовадаги безакдек ярақламайдиган эски тилладан нафис ўймакорлик усулида ишлангани керак эди, у бўлса бу ернинг алламабало қилиб қўйди. Лекин ҳечқиси йўқ, занжири жуда эски, венецианча.

Вера бу ажойиб ён дафтарчанинг муқовасини силаб-сийшаб:

— Жуда қадимий буюм!.. Бу китобчанинг ишланганига қанча вақт бўлди экан?— деди.

— Аниқ айтиш қийин. Тахминан ўн еттинчи асрнинг охири, ўн саккизинчи асрнинг ўрталарида ишланган бўлса керак.

— Таажжуб,— деди Вера ўйга толиб, жилмайиб.— Мен ушлаб турган нарсага эҳтимол бир замонлар маликаий Помпадур ёки қиролича Антуаннетанинг қўли теккандир. Аммо, биласанми Анна, дуо ёзилган китобчани Carpet<sup>1</sup> га айлантиришдек ажойиб фикр фақат сенинг калланга келиши мумкин. Ҳа, майли... Қани юр, бориб кўрайлик, уйимизда нима қилишяпти экан.

Опа-сингил учлари бир текисда қирқилган «изабелла» навли қалин тоқлар билан ҳар томони ўралган, тош ётқизилган текис ердан ўтиб уйга киришди. Серҳосил қора чарос бошларидан андак қулушнай ҳиди анқир, улар қуёш нурлари ола-чалпоқ бўлиб тушиб турган тоқ барглари орасида, оғирлигидан узилмай-узилмай

---

<sup>1</sup> Ён дафтарча (французча).

деб турарди. Тош ётқизилган текис саҳида хира кўк зиё жимирлаб турарди, буни кўриб опа-сингилнинг чехралари ёришиб кетди.

— Столни шу ерда тузашга буюрасанми?— деб сўради Анна.

— Ҳа... аввалига мен ҳам шундай ўйлаган эдим, аммо, ҳозир кечалари совуқ. Яхшиси емакхонада дастурхон тузаш керак. Бу ерга эса эркаклар чекишга чиқишади.

— Зиёфатда тузукроқ одамлардан ҳам бўладими?

— Қимлар келишини ўзим ҳам билмайман. Ўзимизнинг бобомиз келишинигина биламан.

— Оҳ, буважоним, азизим! Қандай яхши-я!— деди Анна ва севинганидан чапак чалиб юборди.— Пазаримда уни кўрмаганимга юз йил бўлганга ўхшайди.

— Яна Васянинг опаси ва профессор Спешников келса керак. Аня, кеча эсимни йўқотишимга сал қолди. Биласанми, бувамиз ҳам, профессор ҳам жуда хўранда. Бироқ бу ерда ҳам, шаҳарда ҳам ҳар қанча пулга ҳеч нарса сотиб ололмайсан. Лука таниш овчи ошпасига айтдириб, қаердандир бедана топибди, беданадан бирор мазали овқат қилмоқчи. Мол гўшtidан қилинган қовурма ҳам, лаззатли бўлган қисқичбақалар ҳам жуда соз.

— Ҳар қалай, чакки эмас-ку. Ташвишланмай қўя қол. Дарвоқе, гап шу ерда қолсин, сенда ҳам овқат танлашдек бир камчилик бор.

— Ҳа, зиёфатда яна баъзи бир ноёб нарсалар ҳам бўлади. Бугун эрталаб балиқчи хўрозга ўхшаш денгиз балиғини олиб келди. Буни ўзим кўрдим. Жудаям баҳайбат, мудҳиш бир махлуқ экан. Кўрсанг қўрқиб кетсан.

Ўзига тааллуқли бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ҳар нарсага қизиқадиган Анна шу ондаёқ, балиқни тез кўрсатасизлар, деб туриб олди.

Соч-соқоли қирилган, новча, сарнқ ошпаз каттакон, узунчоқ оқ жомни, суви чайқалиб этагига тўкилмаслиги учун унинг қулоғидан эҳтиёт қилиб ушлаб аранг кўтариб келди.

— Ун икки ярим қадоқ келди, бекам!— деди пазандаларга хос ғурур билан ошназ.— Боя биз тортиб кўрдик.

Балиқ думини қайириб тоғора тубида ётарди. Унинг

тангалари кумушдек ярқирар, қанотлари оч қизил тусда эди, каттакон ёввойи оғзидан елпигичдек иккита қаватма-қават майин, узун қанот ёнбошига қараб ўсиб чиққанди, ҳали тирик, зўр бериб ойқулоқларини қимирлатарди.

Анна балиқнинг бошига сскингина жимжилогини теккизган эди, балиқ бирдан думи билан сувни шалоплатиб сачратиб юборди. Анна чинқириб қўлини тортиб олди.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, бекам, меҳмондорчиликни қойил қиламиз,— деди ошпаз, афтидан Аннанинг ташвишланганини пайқаб.— Ҳозир, болгар иккита ананас қовун олиб келди. Кўринишидан гўё канталуп навига ўхшаса-да, аммо жуда ҳидли. Яна журъат этиб, сиздан сўрамоқчиманки, бекам, балиққа қандай қайла тайёрлашни буюрасиз, тартарми, полякчами? Ёки сухарини ёққа қовуриб берайми?

— Билганингни қил,— деди княгиня.— Бора қол энди!

#### IV

Соат бешлардан кейин меҳмонлар тўплана бошладилар. Князь Василий Львович ўзи билан бирга бева синглиси Людмила Львовнани, эрининг фамилияси бўйича Дурасовани, семиз, раҳмдил ва одатдан ташқари камгап аёлни; оқсуяклардан чиққан ёш, бадавлат, бор-йўгини созуришдан тоймайдиган танти Васючокни — у жамоатчилик ўртасида ёқимли ашулалар, декламациялар айтиши, жонли картина спектакллар кўрсатиши важида бу тун шаҳарга донг чиқарган эди; княгиня Веранинг Смольнийдаги институтда бирга ўқиган дугонаси машҳур пианиночи Женни Рейтерни ва қайниси Николай Николаевични олиб келди. Улардан кейин, автомобилда соч-соқоллари қирилган, хунук, семиз профессор Спешников ва маҳаллий вице-губернатор Фон Зекк билан Аннанинг эри келди. Ҳаммадан кейин ҳашаматли киракаш извошда генерал Аносов келди. Генерални озғин, бевақт кексайган, идоранинг оғир ишидан суроби тўғрилланган, сержаҳл штаб полковниги Пономарев билан Петербургда энг яхши раққос ва базм бошқаришда тенги йўқ деб донг чиқарган отлиқ аскарлар гвардия поручиги Бахтинский кузатиб келишди.

Сочларига оқ кирган, новча, барваста чол генерал Аносов бир қўли билан пештахтани, иккинчи қўли билан извошнинг орқа томоници ушлаб, извош зинасидан аранг тушди. Унинг чап қўлида эшитув аппарати, ўнг қўлида эса учи резинка билан қопланган ҳассаси бор эди. Унинг юзи баркашдек катта, қизил бурни гўштдор эди, шафқатли, қисик кўзларида ўлим ва хавф-хатарларни кўп кўрган жасур ва содда одамларникидек андек истеҳзо аломати йилтираб кўринарди.

Йироқдан генерални кўриб ҳамширалар югуриб келиб ҳазил-ҳузул билан унинг икки қўлтигидан қўлтиқлаб, извошдан тушишига кўмаклашдилар.

— Авлиёдек иззат қилдингиз-ку!— деди генерал ёқимли, сал-пал хирхираган овоз билан.

— Отахон! Азизим!— деди Вера гина қилгандек оҳанг билан.— Ҳар кунни сизни кутамиз. Сиз бўлсангиз лоақал шарпангизни ҳам кўрсатмайсиз.

— Жанубда отахонимиз виждонини йўқотиб қўйдди,— деб кулди Анна.— Ҳар нечук чўқинтирган қизингизни йўқлаб турсангиз бўларди. Сиз бўлсангиз ўзингизни дон Жуандек четда тутасиз... бизни бутунлай унутиб юбордингиз, шу ҳам иш бўлдим!

Генерал бошидан шапкасини олиб, опа-сингилнинг галма-гал қўлидан, кейин юзларидан ва яна қўлларидан ўпди.

— Қизлар... Шошилманг... Уришманглар менни,— деди у эски нафас бўғиш касалидан ҳарсиллаб, ҳар бир сўзни бўлиб-бўлиб гапирар экан.

— Рост гапни айтсам... дардисар докторлар ёзи билан бодимни... қандайдир сассик балчиқда ювиб, чўмилтириб даволашди... Ҳеч қаёққа чиқазишмади... Дастлаб, мана сизларникига келдим. Сизларни кўрганга... жуда хурсандман. Хўш, ўйнаб-кулиб юрибсизларми?... Сен-чи... Верочка, ҳусни баркамол қиз бўлибсан-ку... онанг раҳматлига жуда ўхшабсан... Чақалоқни чўқинтириш маросимига қачон чақирасан?

— Ҳеч қачон чақирмасман деб қўрқаман, отахон!

— Ноумид бўлма... ҳали ўн гулингдан биттаси ҳам очилмаган. Худога илтижо қил. Чўқин... Сен бўлсанг, Анна, ҳеч ўзгармабсан... Олтмишга кирганинга ҳам ҳозиргидек чур-чур сўзанак бўлиб қолаверасан. Қаримайсан. Тўхтанглар-чи. Сизларни жаноб офицерлар билан таништирабман-ку...

— Мен танишиш шарафига аллақачон ноил бўлган эдим!— деди полковник Пономарев таъзим қилиб.

— Хоним билан мен Петербургда танишганман,— деб қўшиб қўйди иккинчи офицер.

— Хўп, Аня, сенга поручик Бахтинскийни таништираман. У танца тушишга жуда уста ва катта тўполончи. Аммо яхши суворий. Қани, Бахтинский, извошдаги совға-саломни ол-чи!.. Юринглар қизлар... кетдик. Верочка, хўш, мени нима билан меҳмон қиласан? Иштаҳам карнай...

Генерал Аносов марҳум князь Мирза-Булат-Туғановскийнинг жанговар ўртоғи ва содиқ дўсти эди. Князнинг ўлимидан кейин у ўз қалбининг энг самимий меҳр-муҳаббати ва ҳароратини унинг қизларига бағишлади. У Мирза-Булат-Туғановскийнинг қизларини гўдаклигиданоқ билар, кичкина Аннани эса ҳатто ўзи чўқинтирган эди. Уша кезде Қ. шаҳридаги катта ҳарбий қалъанинг коменданти эди ва ҳар куни Туғановскийларникида бўларди. Қизлар уни ҳазилкашлиги, совға-саломлари, цирк-театр ложаларига билетлар олиб келиши учун яхши кўришарди. Ҳеч ким Аносов сингари уларнинг кўнглини очолмасди. Ҳаммадан ҳам унинг ҳарбий юришлар, ҳужумлар, ғалаба ва чекинишлар, ўлим, яраланиш, далаларда қўнишлар ва замҳарир совуқлар тўғрисидаги, кечки чойдан кейин болаларни ётқизишгача бўлган зерикарли пайтларда шошмай айтадиган қаҳрамонлик қиссалари қизларни мафтун этиб, уларнинг хотираларига чуқур ўрнашиб қоларди.

Қариб-чириган бу чол шу замон одамларнинг табиатларига кўра баҳодир ва одатдан ташқари гўзал сиймо эди. Бу чолда, ҳатто ўз замонасининг офицерларидан кўра, оддий солдатларида кўпроқ учрайдиган содда, айни дамда энг олижаноб, юксак инсоний фазилатлар мавжуд эди. Фақат рус мужикларигагина хос бўлган ана шу фазилатлар жам бўлиб порлоқ бир сиймони бунёд этади, соддадиллик, шумликни билмаслик, ҳаётга умид кўзи билан рўй-рост қараш, шон-шухратга учмай, асл фидокорлик кўрсатиш, ўлимдан тап тортмаслик, мағлубларга ачиниш, сабр-тоқатлилик, жисмоний ва маънавий чидамлилик ҳаммаси бир қўшилиб баъзан солдатимизни баҳодир қилибгина қолмай, балки уни жабрдийда, авлиё қилиб ҳам қўяди.

Аносов, поляк урушидан бошлаб, япон урушидан бў-

лак ҳамма урушларда иштирок қилди. У япон урушига ҳам иккиланмасдан борар эди-ю, бироқ уни хизматга чақиришмади. Унинг ўзига хос: «Чақирмагушларича ўлимга ўзингни урма» деган камтар қонуни бор эди. Ҳарбий хизматда бўлган даврида у ўз итоатидаги солдатни қилич билан чопиш у ёқда турсин, ҳатто урмаган ҳам эди. Поляк қўзғолони даврида, бир кун у поляк командирининг шахсий буйруғига қарамай, асирларни отишдан бош тортган эди: «Жосус бўлгандайди, отиб ташлашгина эмас, агар буюрсангиз бўғиб ўлдирардим. Бироқ мана бу асирларга қолганда ожизман», деди. Бу сўзларни у тишиқ кўзлари билан тўппа-тўғри бошлиқнинг кўзларига тикилиб, ҳовлиқмай, шундай содда, равон қилиб айтдики, оқибатда командирнинг буйруғини бажармагани учун отилиш ўрнига омон қолди.

1877—1879 йилларда бўлган уруш даврида, у ўзининг кам маълумотлилиги ёки унинг таъбирича «айиқ академия»сини битиришига қарамай, тез кунда полковник даражасига кўтарилди. У Дунай дарёсидан кечиб ўтишда қатнашди. Болқон тоғларидан ўтди. Шипкада биқиниб ётди, Плевнада бўлган сўнгги жангда иштирок қилди, бир марта оғир, тўрт марта енгил ярадор бўлди, бундан бўлак бомба портлаши оқибатида бошидан қаттиқ лат еди. Уни Радецкий билан Скобелев шахсан танир ва жуда ҳурмат қилишарди. Бир маҳал Скобелев: «Мен ўзимдан ҳам жасурроқ бир офицерни танийман, у ҳам бўлса майор Аносов», деб худди шу одам тўғрисида айтган эди.

Урушдан у граната портлаши туфайли деярли кар бўлиб, Болқон тоғларидан ўтишда совуқ олдирган оёғининг уч бармоғини кестириб, оғриқ оёқ ва Шипкада орттирган бод касали билан қайтди. Уни икки йиллик тинч хизматдан кейин истеъфога чиқазилмоқчи эдилар-у, бироқ Аносов саркашлик қилиб, оёғини тираб туриб олди. Бу ишга Дунай дарёсидан кечиб ўтилганда ўзини йўқотмай сабот ва матонат кўрсатганлиги ва жасурлигининг жонли гувоҳи, вилоят начальниги ўз мавқеидан фойдаланиб ёрдам кўрсатди. Петербургда хизмат кўрсатган бу полковникни хафа қилмасликка қарор қилишиб, унга давлат мудофаасига қараганда анча фахрлироқ вазифани, яъни умрбод «К.» шаҳрининг комедант вазифасини беришди.

Шаҳарнинг каттадан-кичигигача уни танир ва унинг

одат, қилиқлари, камчиликлари устидан бегараз кулишар эди. У ҳамиша қуролсиз, этаги узун эски модадаги камзул, катта соябонли сербар фуражка кийиб, ўнг қўлида ҳасса, чап қўлида эшитув аппаратини олиб юрар, ёнида эса ҳамиша учи тишланган тилини осилтирган семиз, беғам, овози хир-хир қиладиган, тумшуги ялпоқ итлари бўларди. Агар у ўзининг эрталабки сайри вақтида танишлари билан учрашиб қолса, бир неча маҳалла наридан кетаётган йўловчилар, комендантнинг қичқиришини ва унинг кетидан тумшуги ялпоқ итларининг бирваракай акиллашларини эшитардилар.

Қўп карлар сингари у операга ишқибоз эди ва баъзан бирорта дуэт айтилганда унинг: «Баракалла шоввоз... қойил қилдинг»— деган овози театр бўйлаб янграрди, шунда театрдаги одамлар пиқиллаб кулиб юборишарди, генерал эса соддалигидан гўё ўз таассуротини ёнида ўтирган кишига пичирлаб айтгандек пинагини ҳам бузмасди.

У хир-хир овоз кучуклари билан бош гауптвахтага тез-тез келиб турарди, чунки бу унинг зиммасидаги вазифа эди. Бу ерда қулайгина хонада, оғир ҳарбий хизматидан чарчаган маҳбус офицерлар чойхўрлик қилишиб, турли қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтишиб ҳордиқ чиқазишарди. У ҳар қайси маҳбусдан: «Фамилиянг нима, сени ким қамади? Қамоқ муддатинг қанча? Нима сабабдан?»— деб суриштирарди. Гоҳо ҳеч кутилмаганда қонунга хилоф иш қилган шоввоз офицерни мақтарди, гоҳо қисти-бастига олиб шундай қичқириб сўкардики, унинг овози кўчада базўр эшитиларди. Бироқ тўйганича бақира-бақира кўнгли жойига тушгач, шу ондаёқ офицерга қаердан овқат келтираётганларини ва овқатга у қанча пул тўлаётганини сўрарди. Гоҳо ўзида гауптвахтаси бўлмаган бирор чекка жойдан хато иш қилиб узоқ муддат билан қамоққа юборилган подпоручик пули йўқлигидан «солдатлар қозонидан» фойдаланаётганлигини айтганда, Аносов ҳарбий қамоқхонадан икки юз қадамча наридаги комендант уйидан ҳалиги бечорага овқат келтиришга буйруқ берар эди.

Қ. шаҳрида у Тугановскийлар оиласи билан иноқлашиб, унинг болалари билан шундай топишиб кетдики, уларни ҳар оқшом кўриш унинг учун маънавий эҳтиёжга айланди. Агар қизлар бирор ёққа кетишган бўлса, ёки генерал хизмат билан овора бўлиб, боролмай қол-



са, Аносов уларни юракдан самимий соғинар ва комендант уйининг кенг хоналари унга тор туюлиб, ўтиришга жой тополмасди. Ҳар ёз у отпускага чиқар ва бир ойлик вақтини Тугановскийларнинг мулкида — Қ. шаҳридан эллик чақирим наридаги Егоровскийда ўтказарди.

У қалбининг энг нозик ҳис ва муҳаббатларини Тугановскийнинг болалари, айниқса қизлари учун бағишлади. Қачондир, бир маҳаллар унинг хотини ҳам бўлган, аммо бунга кўп замонлар ўтганидан уни эсидан чиқазиб юборган эди. Уруш бошланмасдан бурун генералнинг хотини ўткинчи бир актёрнинг бахмал куртка ва тўр манжеткасининг асири бўлиб у билан қочиб кетган. У хотини ўлгунга қадар унга нафақа юбориб турган, аммо тавба-тазарру қилиб, кўз ёши тўкиб ёзган хатларига қарамай уйига қайтиб келишига йўл қўймаган эди. Улар фарзанд кўришмаганди.

## V

Кутилмаганда кеча жуда сокин ва илиқ бўлдики, ҳатто айвон ва емакхонадаги шамлар ҳам липилламай тинч ёнарди. Овқатдан кейин князь Василий Львович қизиқ гаплар айтиб ҳамманинг вақтини хуш қилди. Унда ҳикоя айтишга одатдан ташқари, ўзига хос ўткир қобилият бор эди. У ҳикоясига айрим бўлиб ўтган воқеани олар, унда бош ролларни шу ерда ўтирганлардан ёки танишлардан бири ижро этарди. Аммо бир гапга ўрни қўшиб жиддий оҳангда шундай боплаб ҳикоя қилардики, тингловчиларнинг кулгидан ичаги узилай дерди.

Бугун у бой ва чиройли хотинга уйланмоқчи бўлган Николай Николаевичнинг муваффақиятсизликка учраган тўйи тўғрисида ҳикоя қиларди. Ҳикоянинг асосий мазмуни аёлнинг эри ажрим қоғозни бермаслигида эди. Князь гапирганда рост гаплар ёлғон-яшиқ гаплар билан ажойиб суратда қўшилиб кетарди. Ҳикоясида жиддий, такаббур Николайни ярим кечада кавушини қўлтиқлатиб, оёқ яланг кўчада югуртириб қўйди. Қаердадир бир бурчакда йигитчани миршаб ушлайди... Николай узоқ вақт изоҳ бериб ўғри эмас, прокурор муовини эканлигини исботлашга муваффақ бўлади. Ҳикоячининг гапига қараганда тўй бўлишига сал қолган, аммо иш нозик пайтида, тўйга бош бўлган ашаддий ёлғончи гувоҳлар

қўққисдан иш ҳақини оширишни талаб қилиб қолншадди. Николай хасислик қилади (у ҳақиқатда ҳам зиқна эди), у стачка ва забастовкаларга принципиал қарши одам бўлганидан, кассацион департаменти тасдиқлаган қонуннинг маълум моддасини баҳона қилиб қўшимча пул беришдан узил-кесил бош тортади. Шундан кейин ёлғон гувоҳлик берган одамлар: «Шу ерда иштирок этаётган кишилардан бирортаси, никоҳнинг содир бўлишига монелик қилувчи бирор далил кўрсатолмайдимиз?» деган маълум саволга ҳаммалари барабар: «Ҳа, кўрсата оламиз. Судда қасамёд қилиб берган ҳамма гувоҳлик баёнотимиз — қип-қизил ёлғон. Бунга бизни жаноб прокурор зўрлик билан, дўқ қилиб мажбур қилган эдилар. Аёлнинг эри тўғрисида, уни яхши билганимиз ҳолда фақат шуни айта оламизки, у Юсуф пайғамбардек дунёда энг мўътабар, маъсум ва фариштадек соф одам», деб жавоб беришди. Князь Василий гапни эрхотин ўртасидаги можаролар, қўйди-чиқди никоҳ масалаларига буриб, Аннанинг эри Густав Иванович Фриесени ҳам аямади, у тўйдан бир кун ўтгач, хотинининг ота-онаси уйига келиб янги олган хотинининг паспортни йўқлигини сабаб қилиб, полиция ёрдамида уни ота-онасининг уйидан чиқазиб, қонуний эрининг уйига кўчиринишларини талаб этганини ҳикоя қилди. Бу латифадаги ҳақиқат фақат шу эдики, Анна эрга чиққандан кейин орадан бир-икки кун ўтгач, тоби қочиб қолган онасининг олдида муттасил бўлишига эҳтиёж туғилди, чунки опаси Вера ошнгич равишда жанубдаги уйига жўнаб кетган, бечора Густав Иванович бўлса бундан таъби хира бўлиб ғам-ғуссага ботган эди.

Ҳамма кулди. Анна ҳам кўзини сузиб жилмайди. Густав Иванович қаттиқ овоз билан хахолаб тантана билан кулди. Унинг йилтироқ, тарапг тортилган силлиқ, озгин юзи, сийрак оқ сочлари билан ичига чўнқир тушган кўз косаси ва кулганда озги очилиб, кўринган хунук тишлари — одамнинг қуруқ бош суягига ўхшарди. У шу дамгача Аннани, дастлабки уйланган пайтларидаги каби кўз қорачигидек асрар, зиёфатларда унинг ёнига ўтиришга ҳаракат қилар, сездирмай хотинига суйкалиб ўтирар ва унга шундай муҳаббат билан ўз-ўзидан мамнун бир қиёфада хушомад қилардики, унга қараган одам ҳам ачинарди, ҳам ўнгайсизланарди.

Вера Николаевна столдан турар экан, бенхтнёр меҳ-

монларни санади. Улар ўн учта эди. У диний хурофотларга ишонган аёл бўлганидан: «Мана бу яхши бўлмади. Нега аввалроқ уларни санаш хаёлимга келмади экан? Бунга Вася айбдор — телефонда ҳеч нарса демади», деб хаёлидан ўтказди.

Яқин танишлар Шеннларшикида ёки Фрисселаршикида тўпланган кезларида овқатдан кейин одатда картада покер ўйинини ўйнашарди: чунки ҳамширалар қалтис ўйинларни жуда ҳам яхши кўришарди. Ҳар икки хонадонда бу соҳада ўз қоидалари бор эди: ҳар бир карта ўйновчига маълум баҳодаги суяк ҳалқачалар баб-баробар тақсимланарди-да, то бу суяк ҳалқачаларнинг барчаси бир кишининг қўлига ўтгунча ўйин давом этарди, агар ўйновчилар яна ўйнаймиз деб оёқ тираб олмасалар, ҳалқачалар бир кишининг қўлига ўтгач, ўйин тамом бўларди. Қассада иккинчи дафъа суяк ҳалқачаларни олиш қатъий ман қилинарди. Бундай қаттиқ қонунни қиморда қизишиб кетадиган княгиня Вера билан Анна Николаевнани «нўхталаш» учун ўйлаб топган эдилар. Улар баъзан юз-икки юз сўмлаб пул ютқазар эдилар.

Бу гал ҳам покер ўйнашга ўтиришди. Вера ўйинга иштирок этмай, хизматкор аёллар чойга дастурхон тўзатган айвонга чиқмоқчи бўлиб турганида, сирли бир чеҳра билан оқсоч уни меҳмонхонадан ишлаб чақирди. Княгиня Вера ётоқхона ёнидаги кичкина кабинетига чиқаётиб норози оҳангда сўради:

— Ҳа, нима гап, Даша? Нега рангингиз ўчиб кетди? Қўлингиздаги нима?

Даша оқ қоғоз билан яхшилаб ўралган ва пушти ранг лента билан пухта боғланган кичкинагина, тўрт бурчакли бир нарсани стол устига қўйди.

Оқсоч шолғомдай қизариб, мингиллади:

— Худо ҳақи, бекам, мен айбдор эмасман! У келиб айтдики...

— У деганингиз ким?

— Қизил шапкали бир дастёр, бекам.

— Ҳа, нима деди?

— Ошхонага кириб мана бу нарсани столга қўйди-да: «Мана буни бекангизнинг ўз қўлларига топширинг», деди. Мен, бу кимдан, деб сўрадим. У, бу ерда ҳаммаси ёзилган, деди-ю, югуриб чиқиб кетди.

— Югуринг, уни тутиб келинг!

— Бекам, унга сира стиб бўлмайди. У келганда меҳмонларга қуюқ-суюқ тортилган эди. Мен сизни койитиб, тинчлигингизни бузишни истамадим, бекам. Қетганига ярим соатлар чамаси бўлди.

— Яхши, боринг энди.

Вера қайчи билан лештани қирқди-да, ўзининг адреси ёзилган қоғозга қўшиб саватга ташлади. Қоғоз ичидан қизил жилтлик кичкинагина қутича чиқди. Афтидан у ҳозиргина магазиндан олинган, яп-янги эди. Вера оч кўк ранг ипак тикилган қутичанинг қопқоғини очди ва қора бахмалга суқилган ёқут кўзли тилла билагузукка кўзи тушди. Билагузукнинг ёнида эса меҳр билан чиройли қилиб саккиз букланган мактуб ётарди. У дарров мактубни очди. Хат ёзувчининг қўли таниш кўрипти, аммо княгиня ҳамма хотинлардек билагузукни кўриш орзусида мактубни нари сурди.

Билагузук йўғон, паст даражали тилладан қиллинган эди. Бироқ ичи ковак, сирт томони эса яхши силлиқланмаган қадимий ёқутлар билан безатилган эди. Билагузукнинг қоқ ўртасида эса, қандайдир ажойиб яшил дурни ҳар қайси нўхатдек келадиган аъло сифатли бешта ёқут донаси ўраб турарди. Вера электр лампочкаси қаршисида билагузукни погаҳон айлантриб юборган эди, унинг тухумсимон, силлиқ сатхида бирдан тўқ қизил шўх оловлар жилваланиб кетди.

«Худди қонга ўхшайди-я», деб кўнглидан кечирди бирдан ташвишга тушиб Вера.

Кейин мактуб эсига тушди ва уни очди. Хат жуда чиройли, хушхат ёзув билан майда ёзилган эди, у қуйидаги сатрларни ўқиди:

*«Марҳаматли малика, княгиня  
Вера Николаевна!»*

Ерқин ва шодиёна кун — туғилган кунингизни чуқур ҳурмат билан табриклар, сизга содиқлигим нишонаси учун арзимаган совғамни юборишга журъат этаман».

«Э, э... бу — анав-и-ику!» — деб порози кайфиятда кўнглидан кечирди Вера. Аммо мактубни охиригача ўқиди... «Мен сизга ўзим танлаган бирор буюмни шахсан ҳеч қачон тақдим этмасдим: бунинг учун менда на ҳуқуқ, на дид ва на пул бор. Бундан бўлак сизни безатишга муносиб қимматбаҳо нарса бу жаҳонда топилмас деб ўйлайман.

Бу билагузук аслида катта бувимнинг онасиники эди. Сўнгги вақтларда бу билагузукни ора-чўра марҳум онам тақарди. Билагузукнинг ўртасида, каттароқ дурдоналар орасида сиз яшил ранг бир дурни кўрасиз. Бу ёқутлар ичида камдан-кам учрайдиган яшил ранг ёқутдир. Онламингда сақланган қадимги ривоятларга қараганда буни таққан хотинлар оғир ўйлардан халос бўлиб, бахт-саодатли бўларкан, эркаклар тақса, бу уларни ғайри табиий ўлимдан сақлар экан. Бу ёқут тошлар тилла билагузукка эски кумуш билагузукдан айнан кўчирилган. Кўнглингиз тўқ бўлсин, бу билагузукни сизга қадар ҳали ҳеч ким таққан эмас.

Сиз бу қизиқ ўйинчоқни ташлаб юборишингиз ёки бирор кишига тортиқ қилишингиз мумкин. Аммо мен билагузукка сизнинг қўлингиз теккани учун ҳам бахтли бўламан.

Мендан ачиқланмаслигингизни ўттишман. Мен етти йил муқаддам қизлик вақтингизда сизга аҳмоқона ва одобсиз хатлар ёзишга журъат этиб, ҳатто бу хатларга жавоб кутиб қилган дағалликларимни хотирласам, ҳозир ҳам қизариб кетаман. Энди менда фақат сизни улуғлаб иззат-ҳурмат этиш, қаршингизда абадий бош эгиб таъзим-тавозе қилиш ва қуллардек сизга содиқ бўлиш туйғуларигина яшамоқда. Энди мен дақиқа сайин сизга бахт-саодат тилайман, бахтли бўлсангиз беҳад суюнаман. Фикран сиз ўтирган мебелга, сиз юрган паркет полга, боғда юргангизда қўлингиз теккан дарахтларга ва сиз гаплашадиган оқсочга бошимни ергача эгиб таъзим қиламан. Ҳатто энди мен ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳавас қилмайман.

Кераксиз, узундан-узоқ мактубим билан ҳаловатингизни бузганим учун яна бир карра узр сўрайман.

Бошим гўрга киргунча ҳам ва ўлганимдан кейин ҳам итоаткор қўлингизман.

**Г. С. Ж.»**

«Хатини Васяга кўрсатсаммикан, ё кўрсатмай қўя қолсаммикан? Агар кўрсатсам... қачон кўрсатсамикин? Ҳозирми ё меҳмонлар кетгандан кейинми? Яхшиси кейин кўрсатиш керак. Ҳозир кўрсатсам у бечора меҳмонларга майна бўлади, у билан бирга ўзим ҳам майна бўламан».

Княгиня Вера шундай тафаккур қилар ва беш ёқут

дурдоналар ичида жимирлаб турган пушти ранг қондек оловдан кўз узолмасди.

## VI

Полковник Пономаревни покер ўйнашга аранг кўндирди. У бу ўйинни билмаслигини ва умуман қимор ўйинини ҳатто ҳазилакамга ўйнашни ҳам тан олмаслигини, винт ўйинини яхши кўришини ва тузукроқ ўйнашини изҳор қилди. Бироқ у қистовларга бардош беролмай, ахири ўйнашга рози бўлди.

Дастлаб унга ўргатиб, хато юрганда тузатиб туришди. Аммо у покер ўйинининг қоидаларини тез ўзлаштириб олди ва ярим соат ўтар-ўтмас ҳамма йирик ўйинлар унинг қўлига ўтди.

— Бу ноинсофлик-ку, ахир!— деди ўзини хафа бўлганга солиб Анна.— Бизга ҳам йўл беринг-да... ахир!

Меҳмонлардан: Спешников, полковник ва зеҳни паст, ёқимли, индамас немис вице-губернатор шундай топфадаги одамлар эдики, Вера зериктирмаслик учун уларни нима билан овутишни билмасди.

У улар учун винт ўйинини уюштириб, ўйинда иштирок қилишга тўртинчи ўйинчи сифатида Густав Ивановични таклиф этди. Анна опасининг бу ишига ташаккур изҳор қилиб кўзини қисиб қўйди, буни Вера дарров пайқади. Чунки агар Густав Иванович ўйинга қўшилмай қолса, атрофида гирдикапалак бўлиб, унинг куйдирган калладек ишшайиб, қурт еган сариқ тишларини такиллатиб хотинининг таъбини тирриқ қилишини ҳамма биларди.

Энди ўтириш жонланиб, равои изга тушиб олди. Васючок, италиян халқ канцонеттаси ва Рубинштейн шарқ ашулаларини секин айта бошладди. Унга музикада Женни Рейтер жўр бўлди. Унинг овози паст бўлса-да, ўзига хос ёқимли, равои эшитиларди. Жуда талабчан музикачи хотин Женни Рейтер ҳаминша унга бажонидил музикада жўр бўларди. Васючок унга хушомад қилади, деган гаплар ҳам тарқалган эди.

Бурчакда, узунчоқ юмшоқ курсида, Анна зўр бериб офицерга ноз-карашма билан қилиқ қиларди. Вера уларга яқин келди ва жилмайиб, гапларига қулоқ солди.

— Йўқ-йўқ, сиздан ўтинмаман — бунга кулманг,— дерди Анна хушчақчақлик билан, офицерга ҳароратли,

татарларникига ўхшаш ўйноқи кўзларини қисиб.— Сиз, албатта эскадрон олдида отда қушдек учиб бо-ришни ва арғумоқни сакратиб тўсиқлар устидан ўтиш-ни меҳнат ҳисоблайсиз. Бизнинг меҳнатимизга ҳам эътибор беринг-да! Биз яқингинада лотерея ўйинлари-дан қутулдик. Бу ишни сиз шунчаки енгил иш деб ўй-лайсизми? Ҳеч-да! Тумонат одам... тамаки тутуни, қан-дайди қоровуллар, аравакашлар, тағни аллакимлар... уларни ким деб аташни ҳам билмайман, ҳаммаси норо-зилик билдириб ўринларидан туриб кетишади, бақириб-чақиришади. Яна уззукун оёқ устида туришни айтмай-сизми? Бу камлик қилгандай, яна муҳтожликда қолган интеллигент аёллар фойдасига концерт берилади. Ун-дан кейин бўлса оқ бал бўлади.

Бахтинский:

— Мен билан мазуркага танца тушиш учун қилган таклифимни қайтармассиз деб ишонсам бўладими?— деди-да, сал эгилиб, курси остида шпорини жиригла-тиб қўйди.

— Ташаккур. Биласизми, меннинг ҳаммадан ҳам тарбия уйига жоним ачийди, бу тарбия уйимиз... Тушу-насимиз, ахлоқсиз болалар учун тарбия уйи...

— Ҳа... албатта тушунаман. Бу афтидан жуда кул-гили нарса бўлса керак-а.

— Қўйинг-э... э... Шунақа нарсалардан кулиш уят эмасми? Бизнинг бахтсизлигимиз нимада эканини па-ҳотки билмасангиз? Биз ахлоқсиз болаларни тарбия уйида бошини силаб, эркалатмоқчимиз...

— Хее!..

— Уларни одоб ва назокатга ўргатмоқчимиз ҳамда уларнинг қалбида ватан олдидаги бурчларини англаш туйғусини уйғотмоқчимиз. Меннинг муддаоимга тушун-яписизми? Мана, шундай қилиб бизга ҳар кун юзлаб, минглаб болаларни олиб келишади. Бироқ буларнинг ичида биттаям ногирони йўқ, агар ота-оналаридан, бо-лангиз ахлоқлими, деб сўрасангиз, буни қарангки, улар бу гапни ҳақорат ҳисоблаб аччиқларни чиқади. Мана ҳозир болалар уйи очилди, электр ўтказилди. Ҳамма нарса тайёр, бироқ битта бўлса-да, на тарбияланувчи бола ва на тарбияланувчи қиз бор. Энди кимки ахлоқ-сиз болани олиб келса унга мукофот беришни таклиф қилиш қолди, холос.

— Анца Николаевна!— деди жиддий қиёфада офи-

цер қувлик билан.— Мукофотнинг нима кераги бор? Мени текинга ола қолнинг. Гапнинг рости, мендан ёмонроқ болани ҳеч қаердан тополмайсиз.

— Қўйсангиз-чи! Сиз билан ҳеч нарсани жиддий гапиришиб бўлмас экан-да,— деди Анча ва кўзларини ўйнатиб хахолаб кулиб юборди-да, ўзини юмшоқ, узунчоқ курсининг суянчигига ташлади.

Князь Василий Львович айланма стол ёнида ўтириб, синглисига, Аносовга ва қайинсига онлавий ҳажвий альбомни кўрсатарди, альбомдаги расмларни унинг ўзи чизган эди. Тўртовлари ҳам самимий кулишарди, карта ўйнамаётган меҳмонлар эса, аста-секин буларнинг олдиларига жилиб келишмоқда эди.

Альбом гўё князь Василийнинг ҳажвий ҳикояларини тўлдирувчи мисол бўлиб хизмат қиларди. У сабр-тоқат билан ҳеч эринмай ва шошилмай «Довюрак генерал Аносовнинг Туркия, Болгария ва бошқа мамлакатлардаги ишқ-муҳаббат саргузаштлари», «Беш метрли князь Никола Булат-Тугановскийнинг Монте-Карлода бошидан кечирганлари» ва бошқаларни кўрсатарди.

— Ҳозир, жаноблар, бизнинг севиқли синглимиз Людмила Львовнанинг қисқача ҳаёт кечинмаларини кўрасиз,— деди у синглисига ялт этиб қараб.— Биринчи бўлим — болалик. «Бола улгайди, унга Лима деб от қўйдилар».

Альбом варағига юзининг расми ён томонидан олинган эса-да, икки кўзли, юбкасининг остидан оёқ ўрнига қийшиқ-қинғир чизиқлар туртиб чиққан, қўлларининг бармоқлари керилган бир қизчанинг сурати жўрттага шундай қилиб солинган эди.

— Мени ҳеч ким Лима деб атаган эмас,— деб кулди Людмила Львовна.

— Мана бу иккинчи кўриниш. Биринчи муҳаббат, Кавалерия юнкери тиз чўкиб шеърини Лимага тақдим қилади, унда чиндан ҳам марварид донасидай гўзал сатрлар бор:

Илоҳий ва самовийдир  
Латофатли нафис оёгинг!

Мана, оёқларнинг ҳақиқий тасвири ҳам солинган.

— Мана бу ерда эса, юнкер маъсум Лимани она-онасининг уйидан қочиб кетишга тарғиб қилаётир. Бу ер қочиб кетаётган жойлари. Мана бу ерда, уларнинг



ҳоли танг бўлиб қолгани кўрсатилади, ғазабланган қизнинг отаси қочоқларни қувлаб кетяпти. Юнкер қўрқоқлик қилиб, бошларига тушган фалокатни беозор Лимага ағдаради:

Упа-элик суртиб вақтни ўтказдинг,  
Мана энди оптимиздан даҳшатли қувғин,  
Энди сен билганча қилгин —  
Мен эса буталар ора қочқин!

Лима кечинмаларидан кейин «Княгиня Вера ва ошиқ телсграфист» деган янги повесть бошланади.

— Бу ҳаяжонли поэма перо ва бўёқ қаламлар билан чизилган,— деб жиддий қиёфада изоҳ берди Василий Львович.— Текст энди тайёрланяпти.

— Буниси янгилик,— деди Аносов.— Мен бунисини кўрмаган эдим.

— Энг сўнги нашр. Бу — китоб бозорининг энг кейинги янгилиги!

Вера унинг елкасига астагина қўл тегзиб, деди:

— Қўй, яхшиси, керак эмас!

Бироқ Василий Львович унинг гапини эшитмади ё бўлмаса эътибор бермади.

— Бу воқеа жуда қадим замонда бўлиб ўтган. Гўзал май кунларининг бирида Вера деган қиз почта орқали сарлавҳасида ўпишиб турган кабутарларнинг расми солинган бир хат олади. Мана хат, мана буниси кабутарлар. Ҳамма имло, тил қоидаларини кунпаякун қилган бу хатнинг мазмуни ҳаяжонли севгидан иборат. Хат бундай бошланади: «Гўзал малика! Сен қалбимда қайнаб-тошаётган тўлқинли, ўтли депгизсан. Сенинг боқишларинг яраланган қалбимга заҳарли илондек ёпишади» ва бошқа-бошқалар... Хатнинг охирида камтар бир имзо: «Қасбим бўйича мен камбағал телеграфчиман. Аммо ҳис-туйғуларим милорд Георгга арзигудек, ундан ҳеч қолишмайди. Номимни сир тутаман. У ортиқ даражада беўхшов. Фақат бош ҳарфлари билан имзо чекаман: П. П. Ж. Хатимга почта орқали жавоб қайтаришингни сўрайман». Мана бу ерда жаноблар, бўёқ қалам билан жуда ўхшатиб солинган ўша телеграфчининг суратини кўришингиз мумкин.

— Мана Веранинг юрагини камон ўқи тешиб ўтган. (Мана юрак, мана камон ўқи): Аммо Вера яхши тарбия кўрган малоҳатли бир қиз бўлганидан, у хатни иззатли ота-оналарига ва ёшликда бирга ўсган дўсти

ҳамда қайлиги чиройли йнгит — Вася Шеинга кўрсатади. Мана буларнинг расмлари. Вақт-соати билан бу расмларга шеърӣй изоҳлар ҳам берилади, албатта.

Вася Шенн ҳўнграб йнглайди ва никоҳ узугини Верага қайтариб беради. Мен сенинг бахтингга халақит беришни истамайман, аммо сендан бирданига узил-кесил қарорга келмаслигингни ўтинаман. Яхшилаб ўйла. Ўзингни ва уни яхшилаб синаб кўр. Сен, азизим, ҳали ҳаётни билмайсан ва парвонадек ёниб турган ўтга ўзингни урасан. Мен-чи? Эҳ-ҳе! Бу бевафо дунёни яхши биладан. Шунин билгинки: телеграфчилар жозибали бўлсалар ҳам, бироқ жуда маккор бўладилар. Улар ўзларининг ёлгон ҳис-туйғулари, қуруқ, такаббуруна гўзалликлари билан тажрибасиз қизларни алдайдилар, уларни масхаралаб ҳузур қиладилар...

Орадан ярим йил ўтади. Ҳаётнинг вальс ўйини гирдобиди Вера ўз жазманни унутиб, ёш, чиройли йнгит Васяга турмушга чиқади. Аммо телеграфчи уни унутмайди. Мана, у мўри тозаловчиларининг кийимини кийиб, афтини кўмирга бўяб, княгиня Веранинг ётоқхонасига киради. Мана кўринглар! Беш бармоғи билан лабларининг излари гулқоғозларга, гиламга, ёстиққа ва ҳатто полга ҳам тушиб қолган.

Мана, у қишлоқи хотин либосида ошхонамизга қозон-товоқ ювишга малай бўлиб хизматга киради. Аммо ошпаз Луканинг бизга хайрихоҳлиги уни туёғини шикиллатиб қочиб қолишга мажбур этади.

Мана бу ерда у жиннихонага тушиб қолади. Мана, у монах бўлиш учун соқол-мўйловини қўйиб юборади. Аммо ҳар кунин албатта Верага оташин мактублар ёзиб туради, кўз ёшлари томган жойларда сиёҳ ёйилиб доғ бўлиб қолган.

Ниҳоят у ўлади. Аммо ўлимни олдидан икки донга телеграф тугмаси ва кўз ёши тўлдирилган атир шишани Верага бериб қўйишларини васият қилади...

— Азизлар, ким чой ичади?— деди Вера Николаевна.

## VII

Кузги қуёш аста-секин қизариб ботди. Уфқдаги зангори булутлар билан ер ўртасидаги сийраклашиб қолган сўнгни тўқ-қизил шафақ нурлари ҳам сўнди. Ҳозир

на осмон, на ер ва на дарахтлар кўришарди. Фақат қоронғи кечада кишининг боши узра дона-дона бўлиб кўринган йирик юлдузлар чарақлаб қош қоқарди. Маякдан ингичка устун шаклида, осмонга кўм-кўк нур кўтарилар ва осмон гумбазида ғира-шира ёруғ бериб чайқаларди. Туи капалакларни шам чироқларнинг шишасига келиб ўзини урарди. Уй олдида, ихота қилиниб қўйилган боғчада оқ тамакиннинг юлдузсимон гулларининг ҳидлари қоронғилик ва совуқдан димоққа ўткирроқ уриларди.

Спешников, вице-губернаторлар ва полковник Понамарев, комендантга извошни трамвай станциясидан қайтаришга ваъда бериб, аллақачон жўнаб кетишган, қолган меҳмонлар эса айвонда ўтиришарди. Ҳамширалар генерал Аносовнинг эътирозига қарамай совқотмаслиги учун пальто кийиб ўтиришга уни мажбур қилишди ва қўярда-қўймай оёгини иссиқ катта жун шол билан ўраб қўйишди.

Унинг олдида ўзи яхши кўрган вино Pommaré турар, икки ёнида эса Вера билан Анна ўтиришарди. Улар генералга хушомад қилишар, нозик стаканчага қуюқ вино қўйиб, унга гугуртни яқин суришар, пишлоқ кесиб қўйишар эди. Қари комендантнинг кайф-сафодан кўзлари қисилиб борарди.

— Ҳа... Мана куз ҳам келди... Куз, куз, куз,— деди чол бошини сарак-сарак қилиб, ўйланиб, шам чироққа қараб.— Куз. Мен ҳам кетишим керак. Бироқ киши ачинади, ҳаво очлиб эндигина яхши кунлар бошланганда бу ердан сира кетгинг келмайди. Қани энди, бу ерда, денгиз қирғоғида тишч, ҳузур қилиб, хотиржам умр кечирсанг...

— Бизниқида тураверсангиз ҳам бўлади, отахон!— деди Вера.

— Иложини йўқ-да, бўтам, иложини йўқ. Хизматини ўтани керак. Отпускам ҳам тамом бўлди. Инмасини айтасан, бу ерда қолсам-ку, албатта яхши бўларди-я! Ҳаммадан ҳам бу ерда гулларнинг ҳид сочинини айтмайсанми? Шу ердан ҳам бурнимга уряпти? Ёзда эса оқ акасини демасанг, биттаям гул исини сезмайсан... У ҳам конфет ҳидини беради.

Вера гулдондан кичкинагина пушти гул билан қизил гул олиб, ҳар икковини генерал пальтосининг тугма қадайдиган тешигига қадаб қўйди.

— Раҳмат, Верочка!— Аносов бошини шинелининг тугма қадайдиган тешикларига энгаштириб, гулларни искади ва бирдан чолларга хос кулги билан ёқимли табассум қилди.

— Эсимда бор, бир замон биз Бухарестга келиб, квартираларга жойлашдик. Бир кун кўчада кетаётган эдим, бирдан бурнимга атиргулнинг иси келиб урди. Тўхтадим, бундай қарасам, икки солдатнинг ўртасида биллур шишада гул мойи турибди. Улар гул мойи билан этикларини ва милтиқларининг замолларини ёғлашяпти. «Бу нима ўзи?»— деб улардан сўрадим. «Қандайдир ёғ, жаноби олийлари, уни бўтқамизга солиб кўрган эдик, бўлмади, оғизни ачиштирар экан. Аммо ҳиди жуда яхши»,— дейишди. Мен уларга бир сўлкавой берган эдим, улар мамнуният билан гул мойини менга беришди. Шишадаги гул мойи ярим бўлиб қолган, аммо у жуда қимматбаҳо бўлганидан ҳали ҳам шишада йнгирма червонлик мой бор эди. Мендан мамнун бўлган солдатлар: «Мана кўринг, жаноби олийлари, яна қандайдир турк нўхати, буни пиширмоқчи бўлиб қанча қайнатсак ҳам ҳеч пишмади, лаънати!»— деб илова қилишди. Бу парса кофе эди. Мен уларга: «Бу парса фақат туркларга тўғри келади, солдатларга ёқмайди», дедим. Хайриятки, улар опиумдан кўпам ейишмабди. Мен баъзи жойларда тупроққа қоришиб ётган опиум кулчаларини кўрган эдим.

— Отахон, ростини айтинг, яширманг,— деди Анна илтимос қилиб.— Жанг вақтида қўрқармидингиз? Ё қўрқмасмидингиз?

— Қизиқ гапларни гапирасан, Анпечка: қўрқармидингиз ё қўрқмасмидингиз? Албатта қўрқардим, сен, ҳеч қачон қўрқмасдим, ўқларни визиллаши ёқимли музикадек туюларди дегувчиларнинг гапига ишонма. Улар ё жинни, ёки қуруқ мақтапчоқ кишилар. Дунёда ҳамма одамлар ҳам қўрқади, фақат фарқ шундаки, баъзилар қўрқувдан жуда шалвираб тушади, баъзилар эса ўзини дадил тутади. Шундай қилиб, қўрқув туйғуси ҳаминша қўрқувлигича қолиб, ўзини дадил тутуш қобилияти амалда кун сайини ўса боради, мард ва қаҳрамонлар ана шундан келиб чиқади. Ҳа... шундай. Аммо мен бир марта қўрққангидан юрагим ёрплаётган.

— Ана шунисини айтиб беринг, отахон,— дейишди бир оғиздан опа-сингиллар.

Улар шу дамгача Аносовнинг ҳикояларини худди илк болалик давридагидек берилиб завқ билан эшитишарди. Ҳатто Анна худди болалар сингари беихтиёр кафтини иягига тираб, тирсагини столга қўйиб олган эди. Генералнинг шошилмай айтган содда ҳикоялари қандайдир жозибадор, роҳатбахш эди. Узининг ҳарбий хотираларидан баҳс этувчи жумлалари ҳам ғайри ихтиёрий равишда ажойиб бўлиб, сал-пал китобий тусга кирарди. У худди қандайдир муқаддас, қадим замондан қолган стереотип<sup>1</sup>ни ўқиётгандек:

— Бу ҳикоя жуда қисқа,— деди.— Бу воқеа бошимдан лат еганимдан кейин қиш фаслида Шипкада содир бўлган эди. Ертўлада тўрт киши турардик. Мана шу ерда даҳшатли саргузаштга дуч келдим. Бир кун эрта-лаб ётган тўшагимдан турсам, менга шундай туюлдики, гўёки мен Яков бўлмай, Николай бўлиб қолганмишман... ўзимни Яковман ахир, деб ишонтирмақчи бўлиб шунча уринсам ҳам бўлмади. Ақлдан озаётганимни сезиб, сув сўраб бақириб юбордим, бошимни совуқ сувга ювдим, кейин эс-ҳушим жойинга келди.

— У ерда хотинларни мафтун қилганингизни кўз олдимга келтираётирман, Яков Михайлович,— деди пианиночи Женни Рейтер.— Ёшлигингизда жуда чиройли бўлган бўлсангиз керак.

— У... Отахонимиз ҳозир ҳам чиройлилар!— деди Анна.

— Чиройликка-ку чиройли эмасдим-а,— деди Аносов табассум билан, салмоқлаб,— бироқ одамни кўнглини айнитадиган даражада хунук ҳам эмасдим. Ана шу Бухарестда юракни жизиллатадиган бир ҳодиса рўй берган эди. Биз бу шаҳарга кирганимизда халқ бизни шаҳардаги майдонда тўплардан ўқ отиб кутиб олди.

Бундан кўп деразалар зарарланди; аммо стаканларга сув тўлдириб деразаларига қўйганларнинг ойнаси бутун қолди. Буни мен нимадан билиб олганимни ҳозир айтиб бераман. Менга ажратилган хонага келиб деразада турган пастаккина қафасга кўзим тушиб қолди. Қафаснинг ичида шаффоф сув солинган каттакоп биллур шиша бор эди, унда тилла балиқлар сузиб юрарди, балиқлар орасида чўпда канарейка қўниб ўти-

<sup>1</sup> Ясси ёки цилиндрик терилган ҳарфларнинг металл пластинкага олинган нусхаси.

рарди, ажабо канарейка сув ичида турибди-я! Бу мени ҳайратда қолдирди, бироқ у ёқ-буёғини қарасам, шишанинг туби кенг бўлиб, унинг ҳавоси ўрта ерига сиқиб чиқазилган, бу ерга канарейка бемалол учиб ўтиши ва қўниб ўтириши мумкин экан. Шундан кейин фаросатим камлигига иқроор бўлдим.

Кейин уйга кириб, барно бир болгар қизини кўрдим. Унга мен кватирда туриш учун берилган квитанцияни кўрсатдим ва гап орасида ундан тўп отилгандан кейин дераза ойналарининг бутун қолганини сўрадим, қиз, бу сувдан деб тушунтирди, канарейка тўғрисида ҳам тушунтириб берди: қандай бефаросат одам эканман-а!..

Қиз билан гаплашар эканман, ҳар иккимизнинг кўзларимиз тўқнашди, шунда кўзларимизда муҳаббат учқунлари чақнаб кетди. Болгар қизини жон-дилимдан севиб қолдим.

Чол жимиб қолди ва секунггина қора випони смирди.

— Ахир, кейин бир-бирингизга дил розини айтган дирсиз?— деб сўради пианиночи аёл.

— Ҳа... албатта, бироқ ҳеч қандай сўзсиз. Бундай бўлганди...

— Отахон, ишонаманки, бизни қизартиришга йўл қўймасиз, албатта,— деди Анна маккорона кулиб.

— Йўқ, йўқ, ҳеч қандай уятли жойи йўқ. Биз қаерда қўнмайлик, шаҳар халқи бизга нисбатан ҳар хил муносабатда бўлди. Бироқ Бухарестда одамлар биз билан содда ва самимий муносабатда бўлишди. Бир кун мен скрипка чала бошлаган эдим, шу заҳотиёқ қизлар яسانيшиб келишиб, ўйинга туша кетишди. Шу тариқа ўйин тушиш ҳар кун одат бўлиб қолди.

Бир кун кечқурун ўйин вақтида мен даҳлизга кирдим. Ойдин кеча эди. Болгар қизи ҳам шу ерга яшириниб кирган эди. У мени кўриб, қувлик қилиб, гўё ўзини гул баргларини саралаётган қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ернинг халқи гул баргини қоп-қоп қилиб йиғишади. Мен уни белидан маҳкам қучоқлаб олдим ва бағримга босиб қайта-қайта ўпдим.

Шу-шу осмонда юлдузлар чарақлаб ой чиққанда, ҳар сафар мен маъшуқамнинг олдига борингга шошилардим, ҳар кунги ташвиш ва гуссалар у билан ўтказган дамларда вақтинча унутиларди. Янги сафарга от-

ланганимда бир-биримизни абадий севнишимиз тўғрисида қасамёд қилиб мангуга ажрашдик...

— Шу билан ишқ-муҳаббат саргузаштингиз тамом бўлдимми?

— Ҳа, бўлмасам-чи? Тамом бўлмай яна нимаси қолади?— деди комендант эътироз қилиб.

— Йўқ, Яков Михайлович, сиз мени кечирасиз, бу муҳаббат эмас, шунчаки армия офицерининг кўнгил очиши.

— Билмайман, азизим, бу муҳаббат эдими ё бошқа туйғуми, худо ҳақи, билмайман.

— Йўғ-э... айтинг-чи, наҳотки сиз ростдан ҳам чин севги билан ҳеч кимни севмагансиз? Масалан, шундай соф, муқаддас... самимий, абадий севги билан наҳотки севмаган бўлсангиз...

— Тўғрисишни айтсам, гапингизга жавоб қайтаролмайман,— деди чол дудуқланиб, юмшоқ, узунчоқ курсидан турар экан.— Севмаган бўлсам керак. Аввало бунга ёшлик майллари, айш-ишрат, карта ўйинлари ва уруш билан банд бўлиб қўл тегмади, назарингда ёшлик ва соғлом ҳаётнинг охири бўлмайдигандек туюларди. Кейин бундай қарасам, йўлимдан гўрим яқин бўлиб қолибди... Энди, Верочка, мени ортиқ ушлама, борай энди... Гусар<sup>1</sup>,— деди у Бахтинскийга қараб.— Тун илиқ... юринг, извошимизни кутиб оламиз.

— Мен ҳам сиз билан бораман, отахон,— деди Вера.

— Мен ҳам,— деди Анна.

Вера улар билан чиқиб кетиш олдида эрининг ёнига бориб, қулоғига секин шивирлади:

— Столимнинг тортмасида қизил қутича бор, шу қутича ичидаги хатни олиб ўқи.

## VIII

Анна билан Бахтинский олдида, комендант эса улардан йигирма қадамча орқада, Верани қўлтиқлаб борарди. Тун шундай қоронғи эдики, кўзлар ёруғдан кейин қоронғиликка кўниккунча оёқ билан тимскиланиб йўл топишга тўғри келди.

---

<sup>1</sup> Отлиқ аскар.

Аносон, кексалигига қарамай, кишини таажжубда қолдирарли даражада кўзи ўткирлигидан ҳамроҳига йўл кўрсатиб борарди. У ўзининг катта, совуқ қўллари билан ора-сира Веранинг қўлини силаб эркаларди.

— Людмила Львовна жуда аломат хотин-да,— деди генерал ўйлаб келаётган фикрларини оғзаки ифода этиб:— Ўз ҳаётимда неча дафъа синиб кўрдим: хотин киши элликка яқинлашганда, айниқса у бева ёки қари қиз бўлса киши муҳаббати атрофида гирдикапалак бўлиб айланади. Ё бўлмаса гап пойлайди, ёки ичи қоралик қилиб, бошқа кишининг бахтсизлигидан севинади, ифво гаплар тарқатади... ё бўлмаса бировни бахтли қилмоқчи бўлиб жон койитади. Йўқса, юксак муҳаббат тўғрисида оғзаки валдирашни яхши кўради. Демоқчи-манки, бизнинг замонамизда одамлар бир-бирларини севишни унутиб юборишди. Чин муҳаббатни кўрмайман. Илгари ҳам кўрган эмасдим.

— Нима учун, отахон!— деб мулойимлик билан эътироз билдирди Вера унинг қўлини аста сиқиб.— Бу гапингиз туҳмат-ку! Ахир бир вақтлар ўзингизнинг ҳам хотинингиз бўлган-ку. Демак, сиз ҳам хотинингизни севгансиз.

— Азизим, Вера! Хотиним бўлган бўлса бу севиш деган гап эмас. Мени қандай уйланганимни биласанми? Билмасанг, қулоқ сол. Бундай қарасам, ёнимда чиройли бир қиз ўтирибди, кофточкаси остида кўкраги қалқиб тез-тез нафас олади. Узун киприкларини туширганда лоладек қизариб кетади. Юзлари мулойим, бўйи оппоқ, қўллари юмшоқ ва иссиқ... Эҳ шайтон! Ота-онаси эса хира бўлиб, эшик орқасида гап пойлашади, сенга итникидек дардчил кўзлари билан қарашади. Уйдан чиқиб келаётганда эса, эшик орқасида шоша-пиша бўлса олишлар... Чой ичиб ўтирган бўлса жўрттага оёғинг билан оёғини туртасан... Шу билан масала ҳал... «Қимматли Никита Антонич, мен қизингизнинг қўлини сўрагани келдим. Қизингиз фариштадай покиза... Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин!» Отасининг кўзлари дарров ёшланиб, сени ўпишга тутинади... «Азизим, мен бунга алақачонлар билган эдим. Ҳа, майли, мен рози, танграм сизларга узоқ умр берсин. Аммо бу малакни кўз қорачиғидек асра...» Орадан уч ой ўтгандан кейин мана шу «малакнинг» эғинда йиртилиб, дабдаласи чиққан кенг кўйлак, яланг оёғига туфли кийиб юрибди, тароқ тег-



маган сийрак сочларига папильоткалар тақиб қўйган, гўё ошпаз хотинлардек денщиклар билан қий-пичоқ бўляпти. Ёш офицерларга кўзини сузиб, қилпанглаб юрибди. Одамлар олдида эрини негадир Жак деб атайди. Биласанми, тагин манқага ўхшаб, чўзиб «Ж-а-а-ак» дейди. Хуллас у самимийликни йўқотиб, исқирт, тантқиқ ва хасис бўлиб қолибди. Кўзлари одамга ҳаммиша сохта қарайди.. Энди буларнинг ҳаммаси ўтиб кетди, кўнглим ҳам жойига тушди. Ҳатто мен уни олиб қочиб кетган актёрга чин қалбимдан раҳмат айтаман... Худога шукур, фарзанд кўрмагандик.

— Сиз уларнинг гуноҳидан ўтдингизми, отахон?

— Гуноҳидан ўтиш осон бўлмади, Верочка. Дастлаб жиғибийроним чиқиб юрди. Ушал кезларда уларни учратиб қолганимда, ҳар икковини ҳам ўлдирардим. Кейин аста-секин ҳовримдан тушдим. Бора-бора унга юрагимда нафратдан бўлак ҳеч нарса қолмади. Жуда соз бўлди. Тангри қон тўкишдан қутқарди мени ва бундан бўлак мен кўп эркакларнинг бошига тушадиган қисматдан қутулиб қолдим. Агар шу қабиҳ ҳодиса юз бермаганда мен ким бўлардим? Юк ортилган бир туя ё тилёғламачи, жиноят муҳофазакори, соғин сигир, ниқоб, ёки рўзғор учун зарур бир буюм бўлардим-да. Хайрият бундай бўлмади, ҳаммаси яхшиликка айланди.

— Йўқ, йўқ, отахон, кечирасиз мени, сизда ҳали ҳам аввалгидан қолган гина-кудурат бор. Сиз ўзингизнинг бахтсизлигингизни бутун инсониятга ёйяпсиз... Мисол учун мен билан Васяни олинг. Бизнинг бирга умр кечиришимизни бахтсизлик деб бўладими?

Аносов анчагача индамади. Кейин эрингансимон гап бошлади:

— Хўп, яхши... Айтайлик, сизнинг турмушигиз бундан исгисно... Бироқ кўпчилик одамлар нима сабабдан эр-хотин бўлишади? Мисол учун хотинларни олайлик. Ҳамма дугоналари турмушга чиқиб кетганда қиз ҳолича қолиш унга номус. Оилада овқатнинг заволи бўлиб ётиш оғир. Бундан бўлак бека бўлиш ва энг муҳими уйда ўзига мустақил хоним бўлиш истаги... Бунинг устига, очигини айтганда, уй-жой қилиш, она бўлиш орзуси сабабли турмушга чиқади. Эрларда эса, хотин олишларига бошқа сабаблар бор. Биринчидан, бўйдоқлик вақтида у турган хонадаги тартибсизлик, ифлослик,

папирос қолдиқларн, кўчада, майхонада овқатланиш, йиртилган ва кирланган кийим-бош кийиш, қарзга бо-тиш, одобсиз ўртоқларнинг жонга тегиши ва бошқа-бошқалар сабаб бўлади. Иккинчидан, оилавий ҳаётда киши тежаб сарф қилса соғлом, қулай турмуш кечира-ди. Учунчидан, мен-ку бари бир ўлиб кетаман, дунёда мендан насл қолади, шундай қилиб мен абадий яшай-ман деган хаёлни кўнглидан кечиради. Тўртинчидан, менинг бошимдан ўтган ҳодиса каби дунёдан бегуноҳ ўтиш орзуси. Бундан бўлак баъзи эркаклар мерос тўғ-рисида ҳам ўйлашади. Аҳвол шундай экан, «Ўлимдек кучли» деб айтилган, тамани билмайдиган, ҳеч қандай инъом-мукофотни кутмайдиган, фидокорона муҳаббат қаёқда қолди экан? Биласанми, чин муҳаббат учуи жондан кечиш, ҳар қандай қийинчилик, азоб-уқубатдан чекинмаслик ва ҳар қандай мардлик, фидойилик кўр-сатиш — заҳмат эмас, балки шодликдир.

— Тўхта, шошилма, Вера, сен менга яна Васянгни гапирмоқчисан. Нафсиламбирнга — яхши йигит, мен уни яхши кўраман. Ким билсин, балки истиқбол унинг муҳаббати чин муҳаббат эканини кўрсатар. Бироқ сен менинг қанақа муҳаббат ҳақида гапираётганимни ту-шун. Муҳаббат фожиа бўлиши керак. Муҳаббат дунёда даҳлсиз, буюк сир бўлиши лозим. Ҳаётдаги барча қу-лайликларнинг, таманинг, муросанинг муҳаббатга ҳеч қандай даҳли бўлмаслиги керак.

— Шунақа муҳаббатни сиз ҳеч кўрганмисиз, ота-хон?— деб секингина сўради Вера.

— Йўқ,— деди чол қатъий қилиб.— Мен фақат шунга ўхшаш тасодифий икки ҳодисанигина биламан. Буларнинг биттаси эси пастликнинг натижаси бўлса, иккинчиси эса, қандайдир аччиқ бир алам, ачиниш, мунгли ҳодисадан баҳс этади. Хоҳласанг айтиб бера-ман. Унча узоқ эмас.

— Айтинг, отахон, ўтинман.

— Хўп, айтсам, айтиб бера қолай. Бизнинг дивизия-мизнинг бир полкида (аммо меникида эмас) полк ко-мандирининг хотини бор эди. Мен сенга айтсам, Вера, бу хотин қип-қизил таъвия эди. Қотма, сап-сарик, да-роз, оғзи катта, ўзи қариб қолган эди. Бироқ ўтакетган даражада таншоз бўлиб, одамларни менсимасдан оёқ учида кўрсатар, ранг-баранг кийимларга ҳаваси зўр, буйруқ беришни яхши кўрадиган, хуллас, полкнинг

Мессалина<sup>1</sup>си эди. Бунинг устига морфинистка эди. Бир маҳал кузда уларнинг полкига янгигина ҳарбий билим юртини битирган зўр бир прапоршчикни юборишди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас у қари алвасти йигитни ўзига ром қилиб олди. У ҳам хизматкор, ҳам қул, ҳам маҳрам бўлиб қолди. Ҳамиша танцаларда унга ҳамроҳ бўлиб, елпиғичи билан рўмолини кўтариб юрарди, унга извош чақириш учун ёлғиз мундирида совуққа чиқарди. Ҳали дунёни паст-баландини кўрмаган софдил бир бола, ўзининг илк муҳаббатини қари, пихи қайрилган бир бузуқ, беандиша хотинга бағишласа ва унинг оёғи узра бош қўйса — бу жуда даҳшатли, ярамас нарса. Агар йигит бу фалокатдан ўзини четга тортиб, қутулиб қолса ҳам бари бир уни ҳалок бўлган ҳисоблайвер.

Чунки бу бир умр унга доғ бўлиб қолади.

Рождествога яқин хонимнинг жонига тегиб қолди-ю, хоним аслига қайтиб йигитдан кўнгли совиди, у бўлса хонимдан кечолмай орқасидан кўланкадек эргашиб юрди. Ранглари сарғайиб, заъфарон бўлди ва чўпдек озиб кетди. Дабдабали қилиб айтганда, «ажал унинг пешонасини силарди». У хотинни рашк қиларди, одамлар уни, аёлнинг деразаси қаршисида тун бўйи туриб чиқарди, деб айтишарди.

Бир кун баҳорда улар ўзларининг полкларида қандайдир маёвка ёки боғ сайлини уюштиришади. Мен у аёл билан йигитни шахсан танирдим, бироқ бу ҳодиса рўй берганда йўқ эдим. Ҳар галгидек бу сайлда ҳам кўп ичишган. Қайтишда улар пиёда, темир йўлда юришган. Дафъатан рўпараларидан юк ортган поезд келаверибди. Поезд баландликка жуда секин кўтарилиб келаётган экан. Чинқириб огоҳлантирибди. Паровоз чироқлари яқиндан кўриниб уларга етиб қолганда, ҳалиги хотин прапоршчикнинг қулоғига пичирлаб: «Сиз мудом, сени яхши кўраман, дейсиз... Агар мен сизга, ўзингизни поезд остига ташланг, деб буюрсам, сиз ҳеч қачон ташламайсиз», дебди. У аёлнинг гапига чурқ этиб жавоб қайтармай, югурганча ўзини поезд йўлига ташлабди. Одамлар уни, олдинги гилдирак билан кейинги гилдирак оралигига ўзини отган, мўлжалли тўғри олган, дейишади, шундай ётса поезд уни қоқ иккига бў-

---

<sup>1</sup> Рим императори Клавдийнинг учинчи хотини. Ўтакетган суюқ-оёқ бўлган. (Тарж.)

либ ташларди. Аммо, қандайдир бир эси паст уни ушлаб қолиб темир йўлдан четга итарипти-ю, бироқ кучи етмабди. Прапорщик темир изни икки қўли билан маҳкам ушлаб олган экан, поезд иккала қўлини ҳам чўрт кесиб кетибди.

— Оҳ, қандай даҳшат!— деб қичқириб юборди Вера.

— Шундан кейин прапорщик хизматни ташлашга мажбур бўлди, ўртоқлари унга бир амаллаб йўлга пул тўплаб беришди. Шаҳарда қолиш унга жуда ўнғайсиз эди. Хоним ва полки олдида шармисор бўлган эди. Шундай қилиб туппа-тузук одам бир разил учун бекорга нобуд бўлди... Гадойлик қилиб юриб, қаердадир, Петербургда пароходлар тўхтайдиган пристанда совуққа қотиб ўлди.

Яна бир бошқа ҳодиса бундан ҳам ачинарли бўлган эди. У ҳам худди бояги аёлдек, бироқ буниси ёш ва гўзал эди. Шундай суюқоёқ эдики, асти қўяверасиз! Оилада бўладиган ошиқ-маъшуқликларга унча аҳамият бермайдиган бизни ҳам бу аёл ўз кирдикори билан ҳафсаламизни пир қилиб, ранжитган эди. Эри бўлса унинг қилмишларини кўра-била туриб индамасди. Ўртоқларининг пичинг-таъналарига: «Қўйсангиз-чи ахир, қўяверинг... Бу менинг ишим эмас. Майли, Леночка бахтли бўлсин»,— дерди. Шунақа овсар эди у. Ахир аёл уларнинг ротасидаги поручик Вишняков билан топишиб олди. Шундай қилиб, гўё бу қонуний никоҳдек, икковлари бир хотин билан турмуш қилишди. Бир маҳал полкимизни урушга юборишди. Хотинларимиз бизни кузатишга чиқишди, у аёл ҳам кузатишга чиқди. Рост гапни айтсам, уларга қарашга ҳам одам андиша қиларди: аёл ўз поручиғига канадек ёпишиб олибди, ундан бир қарич ҳам нари кетмайди ва лоақал одоб юзасидан эрига бир марта қарамайди ҳам. Бизлар вагонларга жойлашиб олдик, поездимиз қўзғалганда, беандиша бу аёл хайрлашиш ўрнига эрининг орқасидан: «Эсингда бўлсин, Володяни асра! Агар унга бир нарса бўлса, уйдан кетаман ва ҳеч қачон қайтиб келмайман. Болаларни ҳам олиб кетаман», деб қичқириб қолди.

Сен балки капитаннинг ўзи ландавур, чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган кўрқоқ бўлса керак, деб ўйларсан? Асло ундай эмас. У жасур солдат эди. «Яшил

тоғ» остида у ўз ротасини олти марта турқларнинг да-ла истехкомига ҳужумга олиб борган, унинг икки юз солдатидан атиги ўн тўрттаси тирик қолган эди. У ҳатто яраланганида ҳам санитар пунктига боришдан бош тортган. Мана у қандай жасур одам бўлган. Солдатлар унга худога чўқингандек чўқинишарди.

Аммо, у буюрган... Унинг Леночкиси буюрган эди-да!

Қўрқоқ, дангаса ва танбал бу текинхўрга у худди хизматкордек ва онадек ғамхўрлик қилди. Ёмғир ёққан тунлари балчиқ жойларда қўнилганда уни ўзининг шинели билан ўраб-чирмаб қўярди ва унинг ўрнига сапёрлик ишларига борарди. Вишняков бўлса ертўлада ётар ёки картада штоссе ўйнардди. Кечалари Вишняков ўрнига қоровул постларини текшириб чиқарди, яна биласанми, Веруня, бу кезларда боши бузуқлар бизнинг қўриқчи-қоровул отрядларимиздаги одамларимизнинг бошини, Ярослав хотинлари карамни осонгина кесгандек, шарт кесиб кетишарди. Худо урсин, агар буни эсга олиш гуноҳ бўлса ҳам, айтай: Вишняков госпиталда терлама касалидан ўлганини билиб ҳамма хурсанд бўлди.

— Отахон, сиз хотинлардан севганларини ҳеч учратганмисиз?

— Албатта, Верочка, учратганман. Бу тўғрида кўпроқ биладан, ҳар бир хотиннинг муҳаббат йўлида юксак фидокорлик кўрсатишига мен аминман. Шунини тушуниш керакки, қиз бўса олади... қучоқлайди, жонгани билан лаззатга берилади-ю, она бўлиб қолади. Агар қиз чиндан ҳам севса — унинг учун ҳаёт ва бутун борлиқнинг маъноси муҳаббат бўлиб қолади. Одамларнинг ҳаётида муҳаббатнинг қадри йўқолишига, яъни фақат оддийгина яшаш қулайлиги ва бир нафаслик ҳузур учун тубанлашишига хотинлар сира айбдор эмас. Бунга йигирмага кирганда кўзи тўйган, нимжон, ҳиссиз ва муҳаббатни ҳурматлашга, ёқимли бўлишга, мардонавор ишлар қилишга ҳамда кучли истакларга қобилиятсиз эркакларгина айбдор. Илгариги замонларда бу хусусиятларнинг ҳаммаси бўлган дейишади. Агар бўлмаган тақдирда ҳам инсониятнинг ақл ва ҳиссиётларининг илғор кишилари — шоирлар, романистлар, машшоқлар, рассомлар булар тўғрисида хаёл суриб, уни орзу этмаганларми? Яқинда мен Машенька Леско ва кавалер де Гренининг тарихини ўқидим. Ишонасанми? Мен бу ки-

тобни ўқиб йиғладим... Қани айт-чи, азизим, виждонинг ҳақи ростини айт, наҳотки ҳар бир аёл, қалбининг энг чуқур, нозик жойларида ҳеч нарсадан чекинмайдиган, ҳар қандай гуноҳни афв этувчи, яхлит, камтарин ҳамда ҳеч нарсадан қайтмайдиган муҳаббат тўғрисида хаёл сурмаса?

— Албатта, хаёл суради, отахон...

— Амалда бундай муҳаббат бўлмагани учун хотинлар ўч олишади. Яна ўттиз йиллар ўтгач... Мен-ку буни кўролмайман-а, аммо, Вера, сен буни кўрасан. Мени айтди деярсан, ўттиз йилдан сўнг хотинлар мисли кўрилмаган даражада дунёга ҳоким бўлади, улар Ҳинд бутпарастларидек кийинишади ва эркакларни етти буюклиб таъзим қиладиган қуллардек оёқ ости қилишади. Уларнинг хархашалари ва инжиқликлари эркаклар бажариши шарт бўлган азоб-уқубатли қонунга айланади. Бунинг келиб чиқишига асрлар давомида авлод-аждодларимиз билан муҳаббат қаршида бош эгиб, уни кўкларга кўтармаганимиз, ҳурмат қилмаганимиз сабаб бўлади. Бу энди чинакам қасос бўлади, ҳар жисмнинг ҳаракат кучи — қарши ҳаракат кучига тенг деган қонунни эшитмаганмисан?

У бир лаҳза жимиб, кейин тўсатдан Верадан сўради:

— Вера, агар бемалол бўлса, ҳали князь Василий ҳикоя қилган телеграфчи билан ораларингда қандай гап ўтганини менга гапириб берсанг, унинг одати маълум, бу ҳикоянинг қайси жойи тўғри-ю, қайси жойи уйдирма?

— Наҳотки бу сизни қизиқтирса, отахон?

— Ихтиёринг, Вера, агар буни сўзлаш сенга ўнғайсиз бўлса, қўяқол...

— Ҳеч ундай эмас, отахон, жоним билан сўзлаб бераман.

Вера, турмушга чиқишга қадар, икки йил ўзининг ишқ-муҳаббати билан унинг тинкасини қуритган қандайдир телба бир йигит тўғрисида генералга батафсил гапириб берди.

У бу йигитни бир марта ҳам кўрган эмасди, фамилиясини ҳам билмасди. Йигит унга фақат хат ёзган ва хатларида Г. С. Ж. деб имзо чеккан. Бир кун у хатида қандайдир давлат идорасида кичик чиновник бўлиб хизмат қилиши тўғрисида гап очган, бироқ телеграф тўғрисида бир оғиз ҳам гап йўқ эди. Афтидан, у Верани

ҳамида кўз остига олиб юрарди, чунки ўз хатларида қизнинг қайси зиёфатда, кимлар билан бўлгани, ҳатто қандай кийим кийиб борганлигигача батафсил, аниқ ёзарди. Унинг дастлабки хатлари дағал, жўшқин бўлгани билан самимий эди. Бир куни Вера унга хат ёзиб (ҳа, айтмоқчи, отахон, буни бизникидагиларга айта кўрманг, уларнинг ҳеч қайсиси буни билмайди), ишқ-муҳаббат изҳор этиб бундан кейин ўзингизни койитиб юрманг, деб илтимос қилди. Шу-шу у муҳаббат изҳор этишини қўйди ва онда-сонда пасхада, янги йил тантанасида ё бўлмаса туғилган кунини нишонлашда хат ёзадиган бўлди.

Княгиня Вера бугунги тортиқ тўғрисида ҳам сўзлаб, ўзининг ғойибона ошиғининг ғалати мактубини батафсил сўзлаб берди.

— Ҳа-а,— деди чўзиб генерал.— Ким билади, Верочка, у йигит анчайин бир савдойимни, бошқами? Эҳтимол, у сенинг ҳаётингни хотинлар тотли хаёл қилган, эрлар эса бунга истеъдодсиз бўлган юксак муҳаббат билан безатар. Тўхта-чи, ҳов рўпарадан милтиллаб келётган фонарларни кўряпсанми? Менинг экипажим бўлса керак.

Худди шу пайтда орқа томондан автомобиль сигналининг «ғатилла»гани эшитилди-ю, арава филдираклари ўйиб ташлаган ғадир-будир йўлга автомобилдан чироғ ёғдуси тушди. Густав Иванович этиб келди.

— Анночка, сенинг нарсаларингни ҳам ола келдим. Утир машинага,— деди у. Кейин генералга мурожаат қилди.— Жаноби олийлари, ижозат берсалар, уйингизга олиб бориб қўйсам.

— Йўқ, азизим, раҳмат,— деди генерал.— Бу машинани жиним севмайди. Фақат дириллаб қўланса ҳид тарқатади. Таъбнингги тирриқ қилади. Хўп, хайр энди. Верочка, бундан буёқ тез-тез келиб тураман.

У Веранинг пешонасидан ва қўлидан ўпди.

Ҳаммалари бир-бирлари билан хайрлашдилар. Фриессе Вера Николаевнани унинг боғ эшигигача олиб бориб қўйди, гувиллаб, потиллаган автомобиллини шартта буриб, қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди.

## IX

Княгиня Веранинг кўнгли ғаш эди. У айвонга чиқди ва уйга кирди. У йироқдан Николаининг бақирган ово-

зини эшитган ва унинг уйда у ёқдан-бу ёққа тез-тез бориб келаётган қотма баланд гавдасини кўрган эди. Василий Львович устига кўк мовут қопланган ломбер столи ёнида қирқилган оч малла сочли катта бошини қуйи солиб мовутни бўр билан чизиб ўтирарди.

— Мен буни аллақачонлар айтган эдим!— деди Николай ғазабланиб, ўнг қўли билан қандайдир оғир бир нарсани иргитиб юборгандек қўл силтаб.— Мен аллақачонлар бу аҳмоқона хатларига хотима бериш керак, деб айтган эдим. Ҳали Вера сенга турмушга чиқмаган пайтдаёқ сен билан Верага, бу хатларга худди қизиқ нарсаларга ўч гўдаклардек қувонманг, деб айтардим... Мана, Веранинг ўзи ҳам келиб қолди... Вера, биз ҳозир Василий Львович билан сенинг анов тепагинг, Пе Пе Же тўғрисида гаплашаётирмиз. Мен бу хат ёзишувингизни бемаънилик ва адабсизлик деб ҳисоблайман.

— Ҳеч қандай хат ёзишув бўлмаган,— деб Шенин совуққонлик билан уни тўхтатди.— Фақат у ёзган...

Вера бу гапларни эшитиб қизариб кетди ва катта латания дарахти соясидаги диванга ўтирди.

— Нотўғри гапирганим учун кечирим сўрайман,— деди Николай Николаевич ва худди кўксидан кўзга кўринмаган оғир бир нарсани ерга улоқтириб ташлагандек ҳаракат қилди.

— Тушунолмай қолдим-ку, нега уни сеники деб айтасан,— деди эрининг қўллашидан шодланган Вера.— У сенга қандоқ бўлса менга ҳам шундоқ...

— Ҳўп, яна бир марта афу сўрайман. Хуллас мен шуни айтмоқчиманки, унинг аҳмоқона ишларига чек қўйиш керак. Менимча бу, яъни эрмак қилиб расмлар солиш, кулишлар энди чегарасидан ўтганга ўхшайди. Биласизми, мен кимнинг ғамини еяётирман. Фақат Вера билан сенинг, Василий Львович, оппоқ номингизга доғ тушмаслигини ғамини еяётирман.

— Менимча, Қоля, сен жудаям бўрттириб юбораётганга ўхшайсан,— деб эътироз қилди Шенин.

— Эҳтимол шундайдир... аммо сиз ҳаммага кулги бўлиб қолишингизни фаҳмламаётибсиз.

— Бунга асос йўқ. Қандай қилиб бу аҳволга тушамиз?— деди князь.

— Фараз қилгинки, бу ифлос билагузук...— Николай столда турган қизил қутичани қўлига олди ва шу заҳо-



тиёқ нафратланиб яна жойига қўйди,— бу поплар тақадиган ғалати нарса бизникида қолсин, ёки биз буни ташлаб юборайлик, ё бўлмаса буни Дашага совға қилайлик. ...Чунки, биринчидан, Пе Пе Же ўз таниш-билишларига, ўртоқларига княгиня Вера Николаевна Шеина менинг ҳадяларимни қабул қилади, деб мақтаниши мумкин, иккинчидан, агар биз уни олиб қолсак, келажак умид йўлида муваффақиятларга эришишга тагин ҳам уни рағбатлантирган бўламиз. Эртага у бриллиант кўзли узук, индинга марварид маржон юборади, кейин қарабсизки, у растрат ёки қалбаки ҳужжат билан судга тушиб айбдорлар курсисидан ўтиради. Князь Шейнлар эса гувоҳ тариқасида судга чақирилади. Шунда яхши бўладими?

— Йўқ, йўқ, билгузукни албатта қайтариб юбориш керак,— деди Василий Львович.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— деб унинг фикрига қўшилди Вера.— Мумкин қадар тезроқ қайтариш керак. Бироқ буни қандай қилиб амалга ошириб бўлади? Ахир биз унинг на отини, на фамилиясини ва на адресини билмасак...

— Ээ... бу осон иш!— деди менсмай Николай Николаевич,— Пе Пе Женинг исми, отасининг исмини биринчи ҳарфлари маълум-ку, ахир. Улар қайси ҳарфлар эди, Вера?

— Ге Эс Же.

— Жуда соз. Бундан бўлак унинг қаердадир хизмат қилиши ҳам бизга маълум-ку. Шунинг ўзи етади. Эртагаёқ мен шаҳар кўрсатгич жадвалини олиб, отасининг номи шу ҳарфлар билан бошланадиган чиновник ёки хизматчини излайман.

Мабодо, бирор сабаб билан тополмасам, тўппа-тўғри полиция қидирув шўъба агентини чақириб, у одамни топишга буюраман. Агар уни топиш қийинлашиб кетса, қўлимда унинг ўз қўли билан ёзилган мана бу хат бор. Хулласи калом, эртага соат иккида у бадкирдорнинг адреси, фамилияси, ҳаттоки уйда қай вақтда бўлишини аниқ биламан. Модомики буни билсам, эртагаёқ унинг бу қимматбаҳо нарсасини қайтариб юборамиз ва бундан буёқ бизни тинч қўйишлиги учун ҳам чора кўрамиз, токи дунёда борлигини бизга билдирмасин.

— Қандай қилиб?— деб сўради князь Василий.

— Қандай қилиб дейсанми? Губернаторга бориб илтимос қиламан...

— Йўқ, фақат губернаторга эмас. Сен губернатор билан бизнинг қандай муносабатда эканимизни биласан, губернаторга бориб айтсанг ҳаммага калака бўлишимиз мумкин...

— Бари бир, ундай бўлса жандарма полковнигининг олдига бораман, у менинг оғайним, клубда танишганимиз. Ҳа, майли... оғайним у ландавурни чақириб, қўлини пахса қилиб бир адабини берсин... Унинг қандай қилиб таибеҳ беришини биласанми? Бармоғини одамнинг бурнига бигиз қилиб: «Афандим, мен бунга тоқат қил-ол-май-ман!»— деб бақиради.

— Фи! Бу ишга жандармани аралаштиришнинг нима ҳожати бор!— деб афтини буриштирди Вера.

— Тўғри айтасан, Вера,— деб унинг гапини маъқуллади князь.— Яхшиси, бу ишга чет одамларни аралаштирмаслик керак, чунки майда-чуйда иғво гаплар тарқалади. Шаҳримиздаги одамларнинг феъли-атвори ўзимизга маълум. Бу ердаги одамлар оёғи билан эмас, тили билан юришади... Яхшиси бу йигитникига... худо биладди, балки у олтмишга кирган чолдир... унинг олдига ўзим бораман ва билагузукни топшириб, ачитиб-ачитиб уч-тўрт оғиз гап айтаман.

— Ундай бўлса мен ҳам сен билан бирга бораман,— деб дарров унинг гапини бўлди Николай Николаевич.— Сенинг кўнглинг бўш, у билан гаплашишни менга қўйиб бер... Энди, дўстларим,— у соат чўнтагидан соатини олиб қаради.— Афу этасиз, мен ўз хонамга борай, оёқ устида араб турибман, икки ишни кўриб чиқишим керак.

— Негадир у бахтсизга менинг раҳминм келяпти,— деди иккилашиб Вера.

— Раҳминг келмай қўя қолсин!— деди чўрт кесиб Николай, эшик олдида тўхтаб ва орқасига қайрилиб.— Агар бундай ишни, яъни бировнинг хотинига хат ёзиб, билагузук юборишни биз тоифадаги одамлар қилгандайди, князь Василий дуэлга чақирган бўларди. Мабо-до у бундай қилмаганда, буни мен қилган бўлардим. Илгариги замонлар бўлганда мен уни отхонага олиб бориб қамчилашга буюрган бўлардим. Василий Львович, эртага сен мени идорангда кут, телефонда хабар қиламан.

## Х

Пўпанақ босган зинапоядан мағзава, керосин, мушук ва сичқон ҳидлари анқирди. Олтинчи қаватга кўтарилиш олдида князь Василий Львович тўхтади.

— Шошма, бирпас тўхта,— деди у қайинсига.— Пафасинни ростлаб олай. Эҳ Коля, аслида бу инни қилишнинг ҳожати йўқ эди...

Улар яна икки поғона кўтарилишди. Зинапоя сатҳи ва хона олдидаги майдонча қоп-қоронғи бўлганидан Николай Николаевич хонанинг номерини кўриш учун икки марта гугурт чақди.

У қўнғироқ қилган эди, сочлари оқарган, семиз, кўккўз, қандайдир хасталиқдан гавдаси букилган, кўзойнақ таққан бир хотин уй эшигини очди.

— Желтков жаноблари уйдадилар?— деб сўради Николай Николаевич.

Аёл ташвишланиб иккала эркакнинг дам уинсига, дам бунисига кўзларини ўйнатиб қаради. Уларнинг ташқи қиёфалари дурустлиги афтидан аёлни тинчлатирди шекилли:

— Уйдалар, қани марҳамат,— деди эшикни очиб.— Кираверишда чаптаги биринчи эшик.

Булат-Тугановский эшикни уч марта қаттиқ тақиллатди. Хонада бир нарсанинг шитирлагани эшитилди. У яна бир дафъа тақиллатди. Ичкаридан:

— Кириг,— деган паст овоз эшитилди.

Хона жуда паст, аммо жуда кенг ва узун, деярли квадрат шаклида, кемаларнинг иллюминаторига ўхшарди.

Икки дераза хонани зўрға ёритарди. Хона худди юк ташувчи кемаларнинг кают-компаниясига ўхшарди. Уйнинг бир томонида, узунасига кичик каравот, иккинчи томонида эса, устига эски чиройли тикни гилами ёзилган, кенг юмшоқ курси турарди, хона ўртасига устига малоруссияча гулдор дастурхон ёзилган стол қўйилганди.

Уй эгасининг чеҳраси дарров кўринмади. У чироққа орқасини ўгириб турар ва эсанкираб қолганидан қўлини ишқарди. У новчадан келган, қотма, сочлари узун ва мулойим эди.

— Агар янглишмасам, Желтков жаноблари бўлса-

лар керак?— деди такаббуруна бир оҳангда Николай Николаевич.

— Ҳа, мен Желтковман, келинлар. Ижозат этсангиз, танишсак.— У Тугановский турган тарафга қараб қўлини чўзди ва икки қадам қўйди, аммо Николай Николаевич гўё буни сезмагандек шу ондаёқ бутун гавдаси билан Шеинга қараб ўгирилди.

— Мен сенга, янглишмадик, деб айтдим-ку.

Желтков асабий, озгин бармоқлари билан жигар ранг калта камзулининг тугмаларини гоҳ ечиб, гоҳ сола бошлади. Ниҳоят у ўнғайсизланган ҳолда бош эгиб, узун юмшоқ курсига қўли билан ишора қилиб, аранг деди:

— Утинаман. Утиринглар.

Энди у рўй-рост кўринди: рангсиз юзи қизларнинг юзидек мулойим кўк кўз: гўдакларникидек чиройли иягининг ўртасида чуқурчаси бор эди, ёши ўттиз-ўттиз бешлар чамасида эди.

— Раҳмат,— деди князь Шеин соддагина қилиб ва унга синчков назар ташлади.

— Merci,— деди унга жавобан Николай Николаевич, икковлари ҳам ўтиришмади.

— Биз сизнинг олдингизга бирпасга кирдик. Бу киши губерня зодагонларининг бошлиғи князь Василий Львович Шеин бўладилар. Менинг фамилиям — Мирза-Булат-Тугановский. Мен прокурор муовиниман. Сиз билан гаплашадиган масала князга ҳам, менга ҳам, тўғриси князнинг рафиқаси, менинг эса синглимга ҳам баб-баравар тааллуқлидир.

Желтков ўзини йўқотиб қўйиб, диванга ўтириб қолди ва оқарган лаблари билан: «Жаноблар, ўтинаман, ўтиринглар», деб пичирлади. Аммо, у бу таклифни илгарги ҳам қилганини ва таклифи илтифотсиз қолганини эслади шекилли, ўрнидан сакраб туриб, югуриб дераза олдига келди ва сочларини қўли билан тараб, яна аввалги ерига қайтди. У титроқ қўллари билан яна тугмаларини юлқиб, оч сариқ мўйловини чимдиди. Ҳожати бўлмаса ҳам юзини ушлаб-ушлаб қўйди. У кўзларини жовдиратиб Василий Львовичга қаради-да:

— Ҳизматингизга тайёрман, жаноби олийлари,— деди бўғиқ товуш билан.

Аммо Шеин индамади. Николай Николаевич гап бошлади:

— Аввало, сизга ўз буюмингизни ўзингизга қайтаришга ижозат бергайсиз,— деди у ва чўнтагидан кичкинагина қизил қутича чиқазиб, авайлаб столга қўйди.— Бу нарса албатта сизнинг юксак дидга эга эканлигингизни кўрсатади, бироқ биз сиздан бундан буён бундай совғаларни юбормаслигингизни ўтинадик.

— Кечирасиз... гуноҳкор эканлигимни ўзим ҳам биламан,— деди Желтков қизариб, ерга қараб.— Балки бирор стакан чой ичарсизлар...

— Биласизми, жаноб Желтков,— деб гапида давом қилди Николай Николаевич, гўё унинг таклифини эшитмагандек.— Мен сиз гапни дарров уқиб олишга қобилиятли, ақлли бир одам бўлиб чиққанингиз учун жуда мамнунман, ўйлайманки, дарров бир битимга келсак керак. Агар янглишмасам, сиз княгиня Вера Николаевна етти-саккиз йилдан бери таъқиб қилиб юрибсиз, шундай эмасми, ахир?

— Ҳа,— деди Желтков оҳиста ва киприкларини қуёйи туширди.

— Биз шу вақтга қадар сизга қарши ҳеч қандай чора кўрмадик, эътироз билдирмасангиз керак, буни қилиш мумкингина бўлиб қолмай, ҳатто зарур ҳам эди. Шундай эмасми?

— Ҳа.

— Ҳа, балли. Бироқ сиз сўнгги ножўя ҳаракатингиз, яъни мана бу ёқут кўзли билагузукни совға қилиб юборишингиз билан чегарадан ўтиб, тоқат ва сабр косасини тўлдирдингиз. Тушунасизми? Тўлдирдингиз. Мен сиздан яширмайман, биз дастлаб ёрдам сўраб ҳокимиятга мурожаат қилишни фикр қилган эдик. Аммо биз буни қилмадик ва бундай қилмаганимизга мен жуда хурсандман, чунки такрор айтаман, мен сизнинг олижаноб, номусли одамлигингизни дарҳол пайқадим.

— Кечирасиз... Ҳозир нима деб айтдингиз,— деб тўсатдан гапга эътибор бериб сўради Желтков ва кулиб юборди.

— Сиз ҳозир, ҳокимиятга мурожаат қилмоқчи эдим, деб айтдингизми? А? Шундай деддингизми?

У қўлларини чўнтагига тиқиб, диваннинг бурчагига яхшилаб ўтириб олди ва чўнтагидан портсигари билан гугурт чиқазиб папирос чекди.

— Шундай қилиб, сиз ҳокимиятдан ёрдам сўрамоқ-

чи ҳам бўлувдик, деб айтдингиз-а? Утирганим учун мени кечиринг,— деди у Шеинга мурожаат қилиб.— Ҳа, ушдан кейин-чи?

Князь курсини столга яқин суриб ўтирди. У бу ажойиб одамнинг юзидан кўзини узмай, унга ҳайратланиб ва зўр қизиқиш билан қаради.

— Биласизми, азизим, бу чорани қўллаш қочмайди,— деб беандишалик қилиб бемалол гапда давом этди Николай Николасвич.— Бировнинг онласини бузишлик... Бу нима деган гап ахир?

— Кечирасиз, гапингизни бўламан...

— Йўқ, сиз мени кечирасиз, энди гапни мен бўламан,— деди прокурор деярли қичқириб.

— Ихтиёрингиз... Хоҳлаганингизча гапиринг. Қулоғим сизда. Бироқ менинг князь Василий Львовичга айтадиган уч-тўрт оғиз гапим бор...

Шуни деб у Тугановскийга эътибор қилмай, князга қараб деди:

— Ҳозир менинг ҳаётимда энг оғир дақиқалар бошланди, князь, мен сиз билан ҳар қанақа шартлардан хориж, очик-ойдин гаплашишим лозим. Гапимни эшитасизми?

— Эшитаман,— деди Шеин.— Коля, бирпас жим турсанг-чи,— деди у тоқатсизлик билан Тугановскийнинг газабланган башарасини кўриб.— Гапиринг.

Желтков худди бўғилаётгандек оғзига ҳавони тўлдириб ютди ва бирдан ўзини жарга қулаб кетгандек ҳис қилди. У гапирар экан, лаблари ўликнинг лабларидек қимирламас ва оппоқ оқариб кетган эди:

— Албатта, мен сизнинг рафиқангизни севаман... деган гапни... айтиш оғир. Аммо етти йиллик самарасиз самимий муҳаббат шундай дейишга менга ҳуқуқ беради. Эътироф қиламанки, дастлаб, ҳали Вера Николаевна қизлик чоғларида мен унга аҳмоқона хатлар ёзардим. Ҳатто бу хатларимга жавоб ҳам кутардим. Сўнгги қилигим, яъни унга билагузук юборишимни ҳам катта аҳмоқлик эканини эътироф этаман. Аммо... маъна ҳозир сизнинг кўзингизга тик қараялман ва сиз менинг муддаомни яхши тушунасиз деб ҳис қилялман. Мен жуда яхши биламанки, уни севмаслигим ҳеч мумкин эмас, мен бунга ожизман... Айтинг-чи, князь... фараз қилайлик, бу сизга хуш келмайди... Лекин айтинг-чи, бу туйғуни йўқотиш учун сиз нима қилган бўлардингиз! Агар

Николай Николаевич айтгандек менн бошқа шаҳарга бадарға қилишса, бари бир у ерда ҳам, шу ердагидек Вера Николаевна севавераман. Борди-ю турмага тиқсалар, у ерда ҳам бари бир Вера Николаевнага ўзимнинг барҳаётлигимни билдиришга илож топаман. Фақат бир чора бор, у ҳам бўлса — ўлим. Агар шуни истасангиз, буни ҳар қандай усулда бўлса ҳам ижро этишга тайёрман.

— Биз бу ерда жиддий бир ишни бартараф қилиш ўрнига гап сотиш билан оворамиз,— деди Николай Николаевич, шляпасини кийиб.— Менимча, масала қисқа ва жуда равшан: сизга икки нарсадан бирини танлашингиз таклиф этиляпти, ё княгиня Вера Николаевна таъқиб этишдан мутлақо воз кечасиз, ё бўлмаса бунга рози бўлмасангиз, биз ўз амалимиздан, танишбилиш, ошна-оғайниларимиздан фойдаланиб сизга чора кўрамиз.

Бироқ Желтков Николай Николаевичнинг гапларини эшитса ҳам, унга қарамади. У князь Василий Львовичга мурқжаат қилиб сўради:

— Сиз менга ўн минутга ижозат берасизми? Сиздан яширмайман, мен ҳозир телефон орқали княгиня Вера Николаевна билан гаплашиб келаман. Сизни ишонтириб айтаманки, айтиш мумкин бўлган гапларнинг ҳаммасини яширмасдан сизга айтаман.

— Бора қолинг,— деди Шеин.

Хонада Василий Львович билан Тугановский икковларн ёлғиз қолгач, Тугановский бирдан куёвига ёпиша кетди.

— Бундай қилиш ярамайди,— деб қичқирди у ўнг қўлини силтаб.— Бундай қилиш сира ярамайди. Гапнинг амалий томонини ўз зиммамга оламан деб сени огоҳлантирган эдим-ку. Сен бўлсанг шалпайиб, унинг ҳис-туйғулари тўғрисида гап сотиб ўтиришига йўл қўйиб ўтирибсан. Мен буни икки оғиз гап билан ҳал қилиб қўя қолардим.

— Сабр қил,— деди князь Василий Львович.— Ҳозир ҳаммаси аён бўлади. Муҳими шуки, бу одамнинг юзига қараб, қасддан одамни алдаш, ёлғон сўзлашга қобилиятсиз эканини кўриб турибман. Нафсиламбирига, Коля, ўзинг ўйлаб кўр, муҳаббат учун у айбдорми? Муҳаббатдек ҳали шу вақтгача тўла ифода этилмаган бир туйғунини паҳотки идора қилиб бўлса?— Князь бир

оз ўйланиб деди:— Мен бу одамга ачинаман ва фақат ачинибгина қолмай, ўзимни қандайдир буюк бир фожианинг, оташин қалб ва муҳаббат фоижасининг гувоҳидек ҳис қилаётирман. Шунинг учун ҳам ортиқча гап айтишга тилим бормайди.

— Буни мутаассиблик деб атайдилар,— деди Николай Николаевич.

Уп минутдан кейин Желтков қайтиб келди. Унинг кўзлари ичига тушган, кўз косаси гўё тўкилмайдиган кўз ёшлари билан лиқ тўладек гилт-гилт қилар эди. Унинг мўътабар зотлар олдида кўрсатиладиган иззат-икромлар, кимнинг қаерда ўтириши ва бошқаларни бутунлай унутгани кўриниб турарди, энди у ўзини зиёлилардек тутмай, содда одамлардек тутарди. Князь Шеин буни ички бир туйғу билан пайқади.

— Мен тайёрман!— деди у.— Эртадан бошлаб сиз менинг тўғримда ҳеч нарса эшитмайсиз. Сизнинг учун гўё мен ўламан. Аммо, бир шартим бор,— буни мен фақат сизга айтяпман, князь Василий Львович,— биласизми, мен давлат пулини растрат қилиб қўйдим, бари бир бу шаҳардан қочишимга тўғри келади. Сўнги марта Вера Николаевнага хат ёзишимга ижозат берсангиз.

— Йўқ, керакмас, ҳожати йўқ, ҳеч қанақа хат ёзилмайди,— деб қичқирди Николай Николаевич.

— Яхши, ёзинг,— деди Шеин.

— Баракалла, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас,— деди Желтков сиполик билан жилмайиб.— Энди менинг тўғримда бундан буён ҳеч нарса эшитмайсиз ҳам ва мени ҳеч қачон кўрмайсиз ҳам. Княгиня Вера Николаевна мен билан гаплашишни истамади. Мен ундан кўзингизга кўринмай, сизни ҳар замонда бир кўриб туриш учун шаҳарда қолсам майлими, деб сўраган эдим, у: «Эҳ... бу гаплар қанчалик мени безор қилганини билсангиз эди!.. Бу гапларнинг ҳаммасига мумкин қадар тезроқ хотима беринг», деди. Мана энди мен буларнинг ҳаммасига хотима бераман. Назаримда, нимаки қўлимдан келса, ҳаммасини қилдим.

Кечқурун Василий Львович боққа чиқиб, Желтков билан учрашганларида бўлган гапларни битта қўймай хотинига сўзлаб берди. У буни гўё ўзининг бурчи деб ҳис қилди.

Вера ташвишланган бўлса-да, ҳайрон бўлмади, саросимага ҳам тушмади. Кечаси эри унинг тўшагига



келганда, у бирдан девор тарафга орқасини ўгириб ётиб олди-да, деди:

— Мени тинч қўй, у одам ўзини ҳалок этишини кўнглим сезиб турибди.

## XI

Княгиня Вера Николаевна газеталарни ҳеч қачон ўқимас, чунки, биричидан, газеталар қўлини кир қилса, иккинчидан, ҳозирги газеталарнинг тилига у ҳеч тушунмас эди.

Аmmo, тақдирнинг ёзмиши билан газета саҳифасидаги мана бу сатрларга кўзи тушиб қолди.

«Сирли ўлим... Кеча кечқурун соат еттиларда назорат палатасининг чиновниги Г. С. Желтков ўзини ўзи ўлдирди. Текшириш материалларига қараганда, унинг ўз-ўзини ўлдириши давлат пулини растрат қилиши натижасида содир бўлган. У ёзиб қолдирган хатида шуларни баён қилади. Гувоҳларнинг кўрсатишича, ўз-ўзини ўлдириши унинг ўз ихтиёри билан содир бўлганидан жасадини анатомик театрга<sup>1</sup> юбормасликка қарор қилинган».

Вера: «Нега бу фожианинг бўлишини кўнглим дарров сезди? Бу нима эди ўзи? Муҳаббатми ё тентакликми?»— деб кўнглидан кечирди.

У уззукун гулзорда ва мевали боғда айланиб юрди.

Минут сайин ўсаётган бесаранжомлик бир жойда ўтиришига йўл қўймасди. Унинг фикру хаёли ҳеч қачон ўз кўзи билан кўрмаган ва кўриши даргумон бўлган ўша ажойиб, ғойибона одам Пе Пе Жеда эди, ундан хаёлини узолмасди.

У Аносовнинг: «Қим билади, сенинг ҳаётиңгни ҳақиқий кучли муҳаббат беагандир», деган гапини эслади.

Соат олтида почталъон келди. Бу сафар Вера Николаевна Желтковнинг ёзувини дарров таниди ва кутилмаганда эҳтиром билан мактубни очди.

Желтков ўз хатида бундай деб ёзган эди:

«Вера Николаевна, танграм менга катта бахт ато қилиб қалбимга сизга нисбатан меҳр-муҳаббатни жо

---

<sup>1</sup> Уликларни ёриб текширадиган жой.

қилган бўлса, бунга мен гуноҳкор эмасман. Шундай кўйга тушиб қолдимки, ёруғ дунёда мени на фан, на сиёсат, на файласуфлик ва на кишиларнинг келажакдаги бахтли ҳаётлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳеч нарса қизиқтирмайди. Менинг учун бутун ҳаёт фақат Сиз — ...Сиздан иборат. Ҳозир мен ўзимни, Сизнинг ҳаётингизга суқулиб қолган қандайдир понадек ҳис қилаётirman. Бунинг учун агар афу эта олсангиз, мени афу қиларсиз. Бугун мен кетаман ва ҳеч қачон қайтиб келмайман ва ҳеч нарса мени Сизнинг эсингизга туширмайди.

Барҳаёт бўлишингиз учун ғоят мамнунман ва беҳад ташаккур изҳор этаман. Мен ўзимни синадим, бу хасталик ё савдойилик эмас — бу муҳаббат, тангрининг менга юборган инъомидир.

Сиз билан акангиз Николай Николаевич назарида телба-кезик бир одам ҳисобланган бўлсам ҳам майли... Қетарканман, шод-хуррамлик билан «янграсин бу жаҳонда сенинг номинг» дейман.

Саккиз йил муқаддам мен Сизни циркда, ложада кўрган эдим. Кўришимнинг биринчи дақиқаларидаёқ ўз-ўзимга: «Мен уни севаман, чунки ер юзида унга ҳеч нарса ўхшамайди, бу жаҳонда ундай яхшироқ, ундан чиройлироқ ва ёқимлироқ на ҳайвонот, на наботот ва на одамзод бор... Ер юзининг бутун гўзаллиги, нафосати унда мужассамланган», деб айтган эдим.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен нима қилишим керак эди? Бошқа шаҳарга қочиб кетишим керакмиди? Унда бари бир қалбим бутунлай Сизга бағишланган бўлиб, кунининг ҳар дақиқаси Сиз тўғрингиздаги ширин хаёллар билан ўтарди. Сизга аҳмоқона юборган билагузуним учун фикран жуда хижолат тортиб қизаряпман. Нима қилай энди? Бу менинг хатойим. У Сизнинг меҳмонларингизда қандай таассурот қолдирганини тасаввур этаётирман.

Ун минутдан кейин мен кетаман. Сизга ёзган мактубни бегона одамга топширмаслик учун унга марка ёпиштириб почта қутисига ташлашгагина улгураман, холос. Сиз бу хатни ёқиб юборинг. Мана, мен ҳозир печкани ёқдим ва ҳаётимдаги ҳамма қимматбаҳо нарсаларни: бўйинимга оламан, Сиздан ўғирлаб олган рўмолни ёқаман. Сиз бу рўмолни аристократлар мажлиси уйида бўлган базмда курсида унутиб қолдирган эдингиз.

гиз. Яна Сизнинг хатингизни — оҳ, мен буни юз-кўзимга суриб, қайта-қайта ўлдим!— ёқаман. Бу хат билан менга хат ёзишни тақиқлаган эдингиз. Яна бир кун, санъат виставкасида қўлингизда ушлаб ўтириб, чиқиб кетаётганингизда курсида эсдан чиқазиб қолдирган виставка программасини, буларнинг ҳаммасини ёқаман, албатта. Аммо ўйлайманки, ҳатто ишонаманки, Сиз ҳар нечук мени хотирингизга оласиз. Агар Сиз мени хотирласангиз, у ҳолда... биламанки, Сиз музикани жуда яхши кўрасиз, Сизни кўпинча Бетховен кватрет<sup>1</sup>ларида кўрганман — у ҳолда Бетховеннинг D-dur № 2, op. 2 сонатасини чалинг ё чалдиринг.

Хатни қандай тамомлашимни билмаётирман. Сиз менинг ҳаётимдаги бирдан-бир шодлигим, ягона юпанчиғим, фикру хаёлим бўлганингиз учун қалбимнинг энг чуқур ерларидан чиққан ташаккурларимни Сизга изҳор этаман. Тангрим Сизга ҳамиша бахт-саодат ато қилсин. Пок қалбингизни ҳеч нарса безовта қилмасин. Қўлларингизни ўпаман.

Г. С. Ж.»

У эрининг олдига йингидан кўзлари қизариб, лаблари чўччайиб кирди ва хатни кўрсатиб деди:

— Мен сендан ҳеч нарсани яширишни истамайман, ҳаётимизга қандайдир бир совуқлик, мудҳиш нарса оралади. Эҳтимол Николай Николаевич билан чегарадан чиқиб, ортиқча ҳаракат қилгандирсизлар.

Князь Шенн диққат билан хатни ўқиб чиқиб, яхши-лаб буклади ва анчагача жим қолиб, деди:

— Бу одамнинг самимийлигига, балки ундан ҳам улугроқ одам эканига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ, унинг сенга бўлган туйғулари масаласида ҳеч нима деёлмайман.

— У ўлдими?— деб сўради Вера.

— Ҳа, ўлди. Мен сенга айтсам, у сени чини қалбидан севарди, сира жинни эмасди. Мен ундан кўзимни узмай, унинг ҳар бир ҳаракатини, юзидаги ҳар бир ўзгаришни текширдим. Чиндан ҳам унинг учун сенсиз бу дунё қоронғи, ҳаёт йўқ эди. Назаримда, мен ўзимни инсонни гўрга тиқадиган зўр азоб-уқубат ёнида турган-

---

<sup>1</sup> Тўрт киши жўр бўлиб айтиладиган ашула.

дек ҳис этдим-у, шу заҳотиёқ рўпарамда мурда турганини пайқадим. Биласанми, Вера, ҳатто мен нима қилишимни, ўзимни қандай тутишимни билмай қолдим...

— Вася, жоним,— деб унинг гапини бўлди Вера Николаевна.— Агар мен шаҳарга бориб уни кўрсам, кўнглингга оғир олмайсанми?

— Йўқ, йўқ, Вера, марҳамат, азизим, ўтинаман. Ўзим ҳам борардим-у, бироқ Николай таъбимни хира қилиб қўйди. Ўзимни эркин тутолмасман деб қўрқаман.

## XII

Вера Николаевна извошини Лютеран кўчасига етмасдан, икки маҳалла берида қолдирди. У Желтковнинг квартирасини осонгина топди. Эшикни кўк кўз, семиз, кумуш кўзойнак таққан кампир очди ва кечагидек:

— Ким керак сизга?— деб сўради.

— Желтков жаноблари керак,— деди княгиня.

Афтидан, княгинянинг костюми, шляпаси, қўлқопи ва бир оз амирона овози, квартира эгасига катта таъсир кўрсатди шекилли, лаби-лабига тегмай бидирлаб кетди:

— Марҳамат қилсинлар, бекам, марҳамат, ана у чап томондаги биринчи эшик, у ерда... Ҳозир... Эсиз, у ёруғ дунёдан бевақт кетди. Ана, борди-ю растрат ҳам қилган бўлсин дейлик, буни нега менга айтмади экан? Ўзингиз биласиз, бўйдоқларни квартирага қўйиб нима ҳам даромад олиб бўлади? Аммо олти юз, етти юз сўмни бир амаллаб топардим ва унинг учун тўлардим. Бекам! Унинг қандай ажойиб одам эканлигини билсангиз эди... Саккиз йилдан бери уни квартирамда сақлардим. У менга ижарагир эмас, туққан ўғлимдек бўлиб қолган эди.

Вера даҳлизда турган курсига ўтирди.

— Мен марҳум ижарагирингизнинг дўстиман,— деди у ҳар бир сўзни чертиб-чертиб.— Унинг сўнгги дақиқалардаги ҳаёти, нима қилгани ва нима деганини менга сўзлаб берсангиз.

— Бекам, бизникига икки мўътабар одам келди ва улар узоқ вақтгача гаплашишди. Улар кетгандан кейин у менга: келган кишилар Эконом бошқарувчиси вазифасини таклиф қилишди, деди. Кейин жаноб Ежий югуриб бориб телефон қоқдилар ва у ердан жуда хурсанд бўлиб қайтидилар. Кейин ҳалиги келган жаноблар кетишди ва у ўтириб хат ёза бошлади. Кейин хатни

почта қутисига ташлаб келдилар. Кейин бир маҳал, гўё болалар ўйнайдиган тўппонча отилгандек; уйдан пақ этган овоз эшитилди. Биз парво қилмай ўтиравердик. Соат еттида улар доим чой ичардилар. Лукерья — хизматчи аёл бориб уларнинг эшикларини тақиллатди. Аммо, ҳеч ким жавоб бермади. Қайта-қайта тақиллатди, бироқ жавоб эшитилмади. Кейин эшикни бузиб кирсак, у ўлиб ётибди.

— Билагузук тўғрисида гапиринг,— деди амирона Вера Николаевна.

— Ҳа, ҳа, айтмоқчи билагузук... Хаёлимдан кўтарилибди. Ҳа... буни сиз қаёқдан биласиз? У хат ёзмасдан олдин менинг олдимга келиб: «Сиз католикмисиз?»— деб сўради. Мен, ҳа, католикман, дедим. Кейин у: «Сизларда ажойиб бир одат бор,— у худди шундай деди,— тангри тасвирига қимматбаҳо нарсалар, маржонлар, ҳалқачалар тақиш одати. Сиз илтимосимни ерда қолдирмай шу билагузукни бутга осиб қўёлмайсизми?»— деди. Мен илтимосини бажо келтиришга ваъда бердим.

— Унинг жасадини менга кўрсата олмайсизми?— деб сўради Вера.

— Бажонидил, марҳамат қилсинлар, бекам. Мана, унинг уйи, кираверишингизда чап томонингиздаги биринчи эшик. Бугун уни анатомик театрига олиб кетишмоқчи эди, бироқ акаси орага кириб, уни христианларнинг одати билан кўмишни сўраб олиб қолди... Қани, марҳамат, кирсинлар.

Вера, ўзини тутиб олиб, куч билан эшикни очди. Хонада уч мум шам ёнар, исириқ иси келарди. Хона бурчагига қарата қийшайтириб қўйилган столда Желтков ётарди. Унинг боши жуда паст, худди ўлик учун бунинг фарқи йўқдек. Унинг бошига жўрттага кичкина юмшоқ ёстиқ қўйилган эди. У ҳаёт билан видолашаркан, гўё ўз ҳаётини тор-мор этган қандайдир чуқур ва ширин сирни билиб олгандек эди, юмуқ кўзларида олижаноб ғурур бор эди ва тинч лаблари гўё ҳузур билан табассум қиларди. Шундай ҳазин, маъноли юз ифодасини улуғ жафокаш Пушкин ва Наполеонга қилинган юз маскасида кўргани Веранинг хотирасига тушди.

— Буюрсалар, бекам, мен чиқиб турсам,— деди кампир. Унинг гап оҳангида қандайдир яқинлик ва меҳрибонлик ҳислари сезиларди.

— Майли, кейин ўзим чақираман,— деди Вера ва шу заҳотиёқ кофточкасининг кичкина ён чўнтагидан катта қизил гул чиқазди ва чап қўли билан ўликнинг бошини кўтариб, ўнг қўли билан уни бўйни тагига қўйди. Шу дамда у ҳар бир хотин орзу қилган чин муҳаббатнинг унга насиб бўлмай, чап бериб ўтганини англади. У генерал Аносовнинг абадий севги тўғрисида башорат қилиб айтган гапини хотирлади ва ўликнинг пешонасига тушган сочидан фарқ очиб, қўллари билан унинг икки чаккасини маҳкам қисиб, унинг муздек совуқ пешонасидан самимий, дўстона, узоқ ўпди.

Вера кетар экан, уй эгаси ширинсўзлик билан полякча оҳангда унга мурожаат қилди:

— Бекам, кўриб турибман, бу ерга сиз бошқалар сингари эрмак талаб бўлиб келмаганга ўхшайсиз. Марҳум Желтков ўлими олдидан: «Мабодо ажалим етиб, ўлиб қолгудек бўлсам, мени кўришга бирор аёл киши келса, унга айтингки, Бетховеннинг энг яхши асарини...» — буни у атайин ёзиб қолдирди. Мана кўринг...

— Қани, уни менга кўрсатинг,— деди Вера Николаевна ва бирдан йиғлаб юборди.— Кечиринг мени. Бу ўлим менга жуда оғир таъсир қилди, ўзимни туюлма-япман.

У таниш қўл билан ёзилган хатни ўқиди:

L. Van Buthoven son. № 2, op 2. Largo Appassionato.

### XIII

Вера Николаевна уйга жуда кеч қайтиб келди, уйда эри билан акаси йўқлигидан хурсанд бўлди.

Уни пианишочи Женни Рейтер кутарди. У Женни ҳамма гапдан хабардор эканлигидан ҳаяжонланиб унга отилди ва чиройли, катта қўлларидан ўпди, кейин:

— Женни, азизим! Менинг учун бирор нарса чалиб бер,— деди-да, дарров хонадан чиқиб, гулзорга борди ва у ердаги курсига ўтирди.

У Женнининг Желтков деган қизиқ фамилияли ўлик илтимос қилган иккинчи куйнинг худди ўша жойини чалишига сира гумонсирамади.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Дастлабки аккорданоқ бу чуқур таъсирли, ягона музыкавий асарни таниди.

Унинг қалби гўё икки паллага бўлинди. У бир томондан, минг йилда бир марта такрорланадиган, ўзига ён бериб ўтган кучли муҳаббат тўғрисида ўйласа, иккинчи томондан генерал Аносовнинг гапларини эслади. Кейин у одам менинг истагимга қарши нега Бетховен асарини тинглашга мени мажбур қилди экан, деб ўзига-ўзи савол берди. Унинг фикрида янги сўзлар тўқилди. Ақлига келган сўзлар музыкага шундай мос тушардики, гўё куплетлар «Янграсин бу жаҳонда сенинг номинг» сўзлари билан тамом бўларди.

«Мана, мен ҳозир сизга ўзини азоб-уқубат ва ҳалокатга шод ва итоаткорона отган бир ҳаётни ёқимли музика овозларида кўрсатаман. Мен на шикоят, на гина ва на ўз-ўзини севиш дардини билдим. Сенинг қаршингда айтадиган бирдан-бир умид-илтижоим фақат шу: «Янграсин бу жаҳонда сенинг номинг»...

«Ҳа, мен азоб, қон ва ўлимни олдиндан кўряпман. Ўйлайманки жонни тандан ажратиш қийин, аммо, гўзалим, сенга мадҳ ўқийман, ардоқлайман, бутун борлигим, нозик муҳаббатимни сенга бағишлайман. «Янграсин бу жаҳонда сенинг номинг».

«Сенинг ҳар бир қадамингни, қараш ва табассумингни, юришларингни эслайман. Сўнги хотираларим тотли қайғу, сокин, гўзал алам ва ҳасрат билан суғорилган. Аммо, сенга қайғу-ҳасрат етказмайман. Мен лом-мим демай, якка кетаман... Тангрим пешонамга шуни ёзган экан: «Янграсин бу жаҳонда сенинг номинг».

«Ўлимим олдидаги қайғули дамларда ёлғиз сенга сўғинаман. Менинг учун ҳам ҳаёт гўзал бўлиши мумкин эди. Бечора қалб, зорланма, қўй, зорланма! Кўнглимда ўзимга ўлим қақираман, аммо қалбим сени кўкларга кўтариб мадҳлашга тайёр: «Янграсин бу жаҳонда сенинг номинг».

«Сен ва атрофингдаги кишилар қанчалик гўзал эканингни билишмади, буни ўзинг ҳам билмадинг. Соат жом чаляпти. Вақт етди. Уларканман, ҳаёт билан айрилишнинг ғамгин дамларида сенга шон-шарафлар бўлсин деб қуйлайман»...

«Мана, ҳамма нарсадан зўр ажал келяпти, мен бўлсам сенга шон-шарафлар бўлсин дейман!»

Қнягиня Вера акас дарахтини қучоқлаб бағрига босди ва йиғлади. Дарахт аста-секин силкинди. Енгил

шабада туриб, гўё унга раҳм қилгандек барглари шитирлатди. Юлдуз гулли тамаки ислари ҳид сочди. Шу пайт, гўё унинг қайғу-аламларига ачингандек ажойиб музика садолари янгради:

«Тинч бўл, азизим, ташвиш тортма, тинчлан... Сен мени унутмадингми? Мени эслаяпсанми? Ахир менинг сўнгги, бирдан-бир севгим сенсан. Узингни койитма, мен сен билан ҳамиша биргаман. Мен тўғримда сал ўйла-санг етади, ҳаммавақт сен билан бирга бўламан, чунки сен билан мен бир-биримизни бир лаҳзада, аммо абадий севиб қолганмиз. Сен мени эслаяпсанми? Мен кўз ёшларингни сезяпман. Тинчлан, азизим. Мен оромбахш, тинч ва ширин уйқу оғушидаман... Уйқу ширин... жуда ширин»...

Женни Рейтер пианинони чалиб бўлиб, хонадан чиқди ва скамейкада кўзидан дув-дув ёш тўкиб ўтирган Верани кўрди.

— Сенга нима бўлди, Вера?— деб сўради пианиночи аёл.

Кўзларида ёш ғилтиллаб турган Вера ҳаяжонланиб ва безовталаниб унинг юзидан, кўз, лабларидан ўпиб деди:

— Йўқ, йўқ... у мени энди афу этди. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ҳамма иш жойида.





## ТЕРГОВ

Подпоручик Козловский хаёл суриб ўтириб, стол устидаги оқ клеёнкага қални ва узун сочини юқорига тараган, сербар тўр ёқали, нозик аёл юзининг профилини чизиб ўтирарди. Унинг олдида ёш солдат Венедикт Есепаканинг қулфланган сандиқчасидан аскар Муҳамед Байгузин бир жуфт қўнж билан ўттиз етти тийинни ўғирлаганлиги тўғрисида бошлиқларнинг фармони ётарди, подпоручикка бу иш юзасидан дарҳол тергов ўтказиш ҳақида фармойиш берилган эди.

Терговга фельдфебель Остапчук билан ефрейтор Пискун гувоҳ тариқасида, оддий аскар Кучербоев эса таржимонликка чақирилганлар, улар хўжайиннинг ошхонасида турардилар. Ўзи сипо, юзи жиддий бир қиёфага кирган ва ҳатто хийла кеккайиб «бурнини кўтарган» подпоручик деншчиги уларни ошхонадан якка-якка подпоручикнинг ҳузурига киргизиб турарди.

Хонага дастлаб фельдфебель Тарас Гаврилович Остапчук кирди. У кирганини билдирмоқ учун аста йўталиб қўйди-да, шапкаси билан оғзини тўсди.

Тарас Гаврилович уставни «сув қилиб ичиб олган, галун таққан бошлиқлар олдида обрўси катта, полкда отнинг қашқасидек таниглиқ одам эди. Кўпни кўрган Тарас Гавриловичнинг пухта раҳбарлиги остида рота кўриклари, парадлар, инспектор текширишлари рота учун «бехатар» ўтарди. Бу кезде рота командири, кечани кеча, кундузни кундуз демай, судхўрлар томонидан полк маъмуриятига топширилган ижро варақаларига қарши чоралар топиш билан банд эди. Фельдфебель қип-қизил, ялпоқ башара, қисик кўзлари жуда ўткир, ўзи гупчакдек семиришга мойил, паканагина хомсемиз одам эди. Тарас Гавриловичнинг рафиқаси ҳам бор. Лагерь мавсуми бошланиши билан кечки йўқламадан кейин у йўл-йўл яктагини кийиб, иссиқ булқачалар билан ўз палаткаси олдида сутчой ичиб ўтирарди. У ротасидаги кўнгилли аскарлар билан сиёсат тўғрисида суҳбатлашишни яхши кўрар ва ҳамиша ўз фикрида қолар эди... Борди-ю, бирортаси фикрига қўшилмаса, баъзан уни навбатдан ташқари навбатчиликка тайинлашдан ҳам тоймасди...

— Отинг... нима?— деб сўради Козловский иккиланиб туриб.

Подпоручик Қозловскийнинг полкда хизмат қилаётганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ, шунинг учун ҳам у кўкрагига «Сидқидил хизмати учун» нишони таққан ва шинелининг чап енгига зарҳал учбурчаклар тикилган Тарас Гавриловичдек хизмат кўрсатган зотларни сенсираб юборса, тили тутилиб қоларди. Кўпини кўрган фельдфебель ёш офицернинг нима учун довдираб қолганини тўғри тушунди, димоғи шишиб кетиб, ўз номи, отасининг номи ва фамилиясини батафсил айтиб берди.

— Хўш... айтинг-чи... этикми-е, тагин алланима балоларни ўғирлаган ким? Бу нима расвогарчилик!

«Расвогарчилик» сўзини у нутқига оз бўлса-да, дадиллик оҳанги бериш учун қўшиб қўйди...

Фельдфебель унинг гапини жуда диққат билан тинглагандек, бўйинини чўзиб турди ва ўз сўзини тили ўрганиб қолган, «шунақ қилиб» сўзидан бошлади:

— Шунақ қилиб... муҳтарам жаноблари,— деди у,— мен наряд ёзиб ўтирган эдим. Бирданига менинг олдимга навбатчи, ҳа, айтмоқчи анови... Пискун югуриб кириб қолса бўладими! Пискун: «Фельдфебель жаноблари, фалону пиставон... ундоқ бўлдию... мундоқ бўлди. Ротада тартибсизлик юз берди!»— деб доклад қилди. Мен: «Нима деяпсан? А? Қандай тартибсизлик юз берди!»— деб сўрадим. «Ҳа, ротада тартибсизлик юз берди,— деди у,— ўспирин солдатнинг ўттиз етти тийин пули билан этигини ўғирлашибди». Мен: «У нега сандиқчасини қулфлаб қўймабди?»— деб сўрадим. Чунки, муҳтарам офицер, уларнинг сандиқчалари албатта қулфлоғлиқ бўлиши керак. Навбатчи: «Қулфлоғлиқ экан-у, лекин қулфини бузишпти»,— деди. «Қим бузибди? Қайси юрак билан? Бу... бу қандай тартибсизлик ахир!»— дедим мен. У: «Билмадим, жаноб фельдфебель!»— деди. Шундан кейин мен рота командирининг олдига бориб: «Бўлган воқеа шу... шулардан иборат, жаноблари! Аммо, мен йўқ эдим. Чунки мен яроғаслаҳа мастерининг олдига кетган эдим»,— деб доклад қилдим.

— Сен... бундан бўлак ҳеч нарса айтиб беролмайсанми?

— Ҳа.

— Анави... Байгузин қандай солдат? Яхши солдатми? Илгари ундан бирор ёмон иш содир бўлганми?

Тарас Гаврилович ёқаси гўё бўйинини қисаётгандек иягнини чўзиб, деди:

— Худди шундай, жаноблари! У ўтган йили уч ҳафта қочиб юрган. Билишимча, бу татарлар ўтакетган бемаъни халқ. Чунки улар ойга сажда қилишади... ва тилимизни тушунишмайди. Ўйлайманким, муҳтарам жаноб, биздан бўлак ҳеч қайси давлатда татар зоти бўлмаса керак...

Тарас Гаврилович ўқимишли одамлар билан гаплашишни яхши кўрарди. Қозловский унинг гапини сукут билан тинглар ва ручка бандини тишларди. Унинг хизмат тажрибасининг етарли даражада эмаслиги юрак бетлаб устомон фельдфебелнинг танобини тортиб қўйишга халақит берарди. Ниҳоят, у тутулиб фельдфебелдан сўради:

— Энди Байгузинни нима қилишар экан?

Бу саволнинг ўринсиз эканлигига Тарас Гавриловичнинг ақли етишини Қозловский билиб турса-да, бирор гап айтиш учунгина бу саволни берган эди...

Тарас Гаврилович унинг саволига ҳусн таважжиҳ билан жавоб берди:

— Чамамда, энди Байгузинни роса саваласалар керак. Сабаби шуки, у ўтган йили хизматдан қочган, қочмаганида, гап бошқача бўларди. Энди уни албатта калтаклайдилар. Негаки у бадном бўлган одам!

Қозловский унга тергов варақасини ўқиб берди-да, имзо чекишга узатди. Тарас Гаврилович дарҳол ўз номи, отасининг номи, фамилияси ва ҳарбий унвонини қунт билан ёзиб, ёзганларини ўқиб чиқди ва ўйланқираб туриб, дабдурустан ўз имзосининг остига жимжимдор чизиқ тортиб, офицерга меҳрибонлик билан муғамбирона қараб қўйди.

Фельдфебель чиқиб кетгандан кейин хонага ефрейтор Пискун кирди. Унинг ҳали бошлиқларнинг нуфуз ва мансаблари ўртасидаги тафовутни англашга ақли етмас эди. Шунинг учун ҳам у барчага баробар муомала қилар, дадил, қаттиқ гапирар ва гапнинг пўскалланини айтар, ҳаммага кўзини бақрайтириб қараб тураверарди. Шу ваядан... у ҳамиша бошлиқларнинг раъйига қараб жавоб берар, агар бошлиқнинг саволида бирор гапни тасдиқлашга ундов сезса, у дарров: «Худди шундай!»— деб қичқирар, акси бўлса, дарҳол: «Асло ундай эмас!»— деб жавоб қиларди.

— Ёш солдат Есепаканинг этик қўнжини ким ўғирлаганини билмайсанми?

— Билолмадим,— деди қичқириб Пискун.

— Балки... бу ишни Байгузин қилгандир?

— Нақ ўшанинг ўзи, жаноблари!— дадил ва қувноқ овоз билан қичқириб юборди Пискун.

— Нега шундай деб ўйлайсан?

— Билмайман, жаноблари!

— Унинг ўғирлаганини балки ўз кўзинг билан кўрмагандирсан?

— Рост, кўрганим йўқ. Солдатлар кечки овқатга чиқиб кетганларида у казармадаги тахта сўри ёнида ўралашиб юрарди. Мен ундан: «Нима қилиб бу ерда ўралашиб қолдинг?»— деб сўрасам, «Нонимни қидир-япман»,— деди.

— Демак, сен унинг ўғирлаганини кўрмаган экансан-да?

— Рост, кўрмадим, жаноблари!

— Балки у ерда Байгузиндан бошқа яна бирорта одам бўлгандир. Эҳтимол, Байгузин этик қўнжига қўлини ҳам тегизмагандир.

— Худди шундай, жаноблари!

Ефрейторни сўроқ қилаётганда Козловский ўзини жудаям эркин ҳис қилди, шунинг учун ҳам уни эшак деб сўкиб, қўл қўйиш учун тергов қоғозини унга тутди.

Пискун қўл қўйишга чоғланиб анча уринди, пишиллади, бурнини тортди, тил учини чиқазиб, зўр машаққат билан ефре Спирьдонь Пескуноу деб имзо чекди.

Козловский бу ишнинг рота навбатчиси Пискуннинг шу куракда турмайдиган, таги бўш шоҳидлигига асосланганлигини тушунди.

Пискун Байгузиннинг фақат кечки овқат вақтида казармада ўралашиб юрганини кўрган эди, холос.

Этик ўғирлатган ёш солдат Есепака трахома касали билан оғриб қолганидан, бу воқеа содир бўлмасданоқ, касалхонага юборилган эди...

Ниҳоят, деншчик ҳар иккала татарни, тилмоч билан Байгузинни хонага киргизиб юборди, улар кўрқа-писа, жуда эҳтиёт билан қадам ташлаб уйга кирдилар ва эшик олдидаёқ тўхтадилар. Кузги лойгарчиликда этикларига ёпишган лой полга палахса-палахса бўлиб тушиб қолган эди. Козловский уларга яқинроқ келишни

буюрди, татарлар оёқларини баланд ташлаб яна уч қадам олға юрдилар.

— Сизнинг фамилиянгиз нима?— деди офицер.

Кучербоев дона-дона қилиб фамилиясини айтди. Унинг фамилиясида ҳам «ўғли», «гирей», ҳам «мирза» деган сўзлар бор эди. Байгузин эса гик этмай ерга қараб тураверди... Қозловский тилмоч татарга қараб.

— Ундан татарчалаб сўра-чи, номи нима экан?— деб буюрди. Кучербоев айбдорга бурилиб, унга далда берувчи бир оҳангда, татарчалаб ниманидир гапирди.

Байгузин ердан кўзини олиб, худди кўзини пирпира-тиб хўжайинига қараган маймундек унга қаради ва хириллаган товуш билан, бепарво деди:

— Муҳамед Байгузин.

— Нақ ўзгинаси! Жаноблари... Муҳамед Байгузин,— деди тилмоч.

— Ундан сўрагин-чи... у Есепакани қўнжини олганми?

Подпоручик ўзининг тажрибасизлиги ва журъатсизлигига яна бир карра ишонган эди. Чунки у негадир андишага бориб Байгузин қўнжини «ўғирлаганми» деб айтолмади.

Кучербоев айбдорга бурилиб, яна гапира бошлади, бу сафар тилмочнинг афтида савол ва ғазаб аломатлари кўриниб турарди. Байгузин унга бир қараб қўйди-да, яна аввалгидек индамай тураверди ва тилмочнинг ҳамма саволларига сукут билан жавоб қайтарди...

— Гапиришни хоҳламаётибди!— деб тушунтирди тилмоч.

Офицер ўрнидан турди ва чуқур ўйга толиб, хошанинг у бошидан-бу бошига юра бошлади.

— У русчани ҳеч билмайдимиз?— деб сўради офицер.

— Билади, жаноблари! У ҳатто русча гаплашадиям...

— Эй! Қориндош, қарали менга,— деб у яна Байгузинга қараб, татарчалаб ниманидир узоқ гапира кетди. Байгузин эса маймундек бақрайиб қараб тураверди.

— Ҳеч жавоб бергиси келмаяпти, жаноблари!

Орага сукунат чўкди. Подпоручик уйнинг у бурчагидан-бу бурчагига яна бир карра бориб келди-да, тўсатдан таржимонга ғазаб билан бақирди:

— Жўнаб қол. Энди керагнинг йўқ! Энди сенга жавоб, боравер!

Кучербоев кетгач, Қозловский анчагача бирдан-бир

хонасининг у бурчидан-бу бурчига юра бошлади. Ҳаётнинг оғир минутларида у ҳамиша шундай қиларди, ҳозир ҳам ҳар сафар Байгузиннинг ёнидан ўтар экан, сездирмай, уни кўздан кечиарди. Бу ватан ҳимоячиси жуда ҳам озғин ва худди ўн иккига кирган боладек паст бўйли эди.

Унинг қизғиш ёноқларида битта ҳам туки йўқ, афти гўдаклар афтига жуда ўхшар, енглари осилиб тиззасигача тушган ҳаддан ташқари кенг шинелида Байгузин жудаям кулгили ва аянч кўринарди... Бу «рўдапо» шинелда у гўё қўзоқдаги пуч нўхатдек ликиллаб турар ва ҳамиша ерга қараб турганидан кўзлари ҳеч кўринмасди.

Подпоручик бу солдатнинг олдида тўхтади ва сўради:

— Нега жавоб беришни истамайсан?

Татар кўзини ердан узмай, аввалгидек жим тураверди.

— Нега жавоб бермайсан, огайини? Қўнжини сен олгансан дейишяпти, эҳтимол олмагандирсан... Қани, ростини айт-чи. Олганмидинг, йўқми? А?— У берган саволига жавоб кутмай, яна хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Куз оқшоми тезда қорайиб, хона ичидаги ашёлар ҳазин тусга кирди, бурчаклар қоронғиликка ғарқ бўлди. Қозловский ҳар сафар ёнидан ўтганда бошини қуйи солиб қимирламай турган бу солдат фигурасини қоронғиликда аранг ажратарди. У агар эрталабгача шу хилда хона ичида у ёқдан-бу ёққа юриб чиқса ҳам бошини эгиб турган бу солдатнинг қимир этмай ўз ўрнида жим тура беришини биларди... Шу фикрнинг ўзи унга ўтакетган даражада оғир ва кўнгилсиз туюлди.

Қўн ўтмай тош осилган девор соати эшитилар-эшитилмас ўн бирни урди. Кейини бир оз хириллаб турдида, яна уч марта жом чалди.

Ўзига катта келган солдат шинелидаги бу гўдакка Қозловскийнинг раҳми келди. Бироқ бу ҳисга унинг ўзи ҳам тушунолмас, бу унинг учун янги ва ажойиб бир ҳис эди. Байгузиннинг аламдидида, аянч ҳолига ўзидан бўлак ҳеч ким гуноҳкор эмасдек туюларди. Албатта у ўзининг нима гуноҳи борлигини аниқ гапириб беролмасди, аммо бирор киши унинг жуда чаққон танца туриши, чакана одам эмаслигини, ўзи қалин журналга

обуна эканлиги ва гўзал жонон билан ошначилиги борлигини ҳамда уни одамлар ақли расо деб санашларини хотирига солса, албатта у қизариб кетган бўларди.

Қоронги тушди, Қозловский ўз хонасида турган татарнинг шарпасини ажратолмай қолди. Янги ойнинг сутдек оппоқ нурлари печкага тушиб жимирлай бошлади.

Қозловский самимият ва меҳрибонлик билан:

— Менга қара, Байгузин, ахир, худо сизда ҳам, бизда ҳам битта-ку! Сизлар уни оллоҳ деб атайсизлар шекилли? Мана шунинг учун ҳар вақт ҳақ гапириш керак. А? Ҳозир айтмаганинг билан, бари бир, одамлар кейин билиб олишади. Унда иш чатоқ бўлади. Агар ҳозир айбингга иқроор бўлсанг, ҳар ҳолда унчалик ёмон бўлмайди. Гуноҳингни сўраб оламан. Бу рост гап! Модомики мен, гуноҳингни сўраб оламан дедимми, албатта айтганимда тураман. Тушундингми? Гап ҳам битта, худо ҳам битта...

Хонага яна сукунат чўкди. Фақат девордаги соат зўр бериб бир маромда чиқиллар... кишининг жигига тегарди.

— Байгузин, мен сендан бир инсон сифатида сўраяпман, бошлиқ эмас, бир инсон сифатида сўраяпман, тушуяпсанми? Начальник йўқ. Сени отанг ҳам бордир? А?— Шу пайт татарларнинг «она»ни «аний» деб айтишлари подпоручикнинг эсига тушиб қолди ва деди:— Эҳтимол сенинг анийинг ҳам бордир?..

Татар жавоб бермади. Қозловский яна хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келди-да, соат тошини юқорига тортиб қўйди, кейин дераза ёнига бориб, куз кечасининг совуқ қоронғилигига тикилиб юраги увишиб кетди, шу чоқ орқа томонидан:

— Ҳа, анийим бор,— деган хирилдоқ, ингичка товуш эшитилди. Қозловский сесканиб, дарҳол орқасига қаради. У шу пайтда ўз онасини, ундан бир ярим минг чақирим наридаги меҳрибон кампир онасини ўйлаб турган эди. Бузилган рус тилида гапиришадиган бу ўлкада онасиз ўзини чиндан ҳам ёлғиз ва бегона ҳис қилишини эслади, меҳрибон онасининг эркалашлари, жонкуярлигини хотирлади. Ўзининг аксари бетартиб ва хушчақчақлик билан ўтаётган ҳаётга иштиёқ билан берилиб кетганидан онасининг хатига бир ойдан бери жавоб ёзмаганини эслади. Онаси, сени Биби Марям

паноҳига топширдим, деб эркалаб, узундан-узоқ мак-тублар ёзган эди.

Подпоручик билан бу индамас татар ўртасида бирдан нозик бир руҳий яқинлик пайдо бўлди. Қозловский дадил қадам ташлаб солдатга яқинлашди ва икки қўлини унинг елкасига қўйди:

— Қани айт-чи, иним! Тўғриси айт, сен этик қўн-жини ўғирладингми ё ўғирламадингми?

Байгузин бурчини тортиб, бехосдан:

— Ўғирладим,— деб жавоб қилди.

— Ўттиз етти тийинни ҳам ўғирладингми?

— Ўттиз етти тийинни ҳам ўғирладим.

Подпоручик хўрсинди ва яна у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Ҳозир у «аний» тўғрисида сўз очиб, Байгузинни ўз айбига иқрор қилдиргани учун афсусланарди. Ҳолбуки илгари унинг жиноятини исботлаш учун лоақал битта ҳам далил йўқ эди.

— Кечки овқатланиш маҳалида у казармада ўралашиб юрган бўлса нима бўлибди? Бу билан ҳеч ким Байгузиннинг ўғрилигини исбот қилолмасди, энди фақат хизмат бурчини адо этиш ҳиссигина унинг иқрор бўлганини қайд қилишга мени мажбур этади. Наҳотки менинг бурчим шу бўлса? Эҳтимол, менинг бурчим унинг иқрорини бутунлай ёзмасликдан иборатдир? Ахир, унинг дилига қандайдир яхши бир ҳис — пушаймонлик ҳисси жо бўлди-ку! Энди у бечорани такрор жиноят қилган жиноятчилар қаторида албатта калтаклашади. Бу унга ёрдам берармиди? У бечоранинг ҳам анийси бор ахир!

Капитан Греббернинг айтишига қараганда, ахир бурч — «кенг маънодаги тушунча» ку... Борди-ю, янгидан тергов қилсалар, унда нима бўлади?.. Ахир мен у билан тил бириктириб айбини бўйнига олмасликка, бошлиқларни алдашга ўргатолмайман-ку! Қаёқдан ҳам менинг эсимга «аний» сўзи келиб қолди-я! Эҳ, бечора-бечора! Мен сени қизганиб бошингга бало келтирдим».

Қозловский татарга дарҳол казармага кетиб, эртага тонг пайтида келишини буюрди. Эрталабгача у бу ишни атрофлича муҳокама қилиб, бирорта оқилона тадбир топишига ишонди.

Яхшиси, бошлиқлардан бирорта кўнгли яқинроғига мурожаат қилиб, у билан бафуржа маслаҳатлашиш кераклигини кўнглидан ўтказди. Ярим кечадан оққанда



ўрнига ётар экан, деншчигидан: «Сенинг фикрингча Байгузинни нима қилишади?»— деб сўради.

Деншчик:

— Уни албатта калтаклайдилар, жанобларни!— деб шартта жавоб қилди.— Байгузин солдатнинг бисотидаги битта этигини ўғирласин-у, уни урмасинларми? Солдат ҳам худонинг бандаси-ку. Айтинг-чи, қаерда биров ўз биродарининг охириги нарсасини ўғирлаган?

\* \* \*

Беғубор, аёз куз тонги. Ер бетини, кўкатларни, томларни — ҳамма нарсани юпқагина қиров босган. Дарахтлар гўё упа-элик қўйгандек оппоқ бўлиб кўринадди... Тўрт томони узун ёғоч бинолар билан ўралган казарманинг кеиғ саҳнида кўк шинель кийган солдатлар чумолилардек ўрмалашарди.

Фимирлашиб юрган бу чумолилар уясини кўрган одам, дабдурустан унда ҳеч қандай тартиб борлигини пайқамаса ҳам, аммо тажрибали кўз ҳовлининг тўрт томонида тўрт тўданинг пайдо бўлганини ва бу тўдаларнинг аста-секин ёйилиб узун саф тортаётганини дарров пайқаб оларди. Сафга кечиккан солдатлар эса югуриб бораётиб, йўл-йўлакай оғизларидаги ношни чайнар, сумкали камарларининг иллагини солиб, сафга келиб қўшилдилар. Бир неча дақиқадан сўнг роталар милтиқларини ялтиратиб, шиқирлатиб, бири-кетин ҳовлининг қоқ ўртасига саф тортдилар. Солдатлар бир-бирларига юзма-юз турарди, улар ўртасида ҳар томони қарийб қирқ қадам келадиган кичкинагина тўрт бурчак пайдо бўлди.

Офицерлардан бир гуруҳи четда, батальон командирининг олдида турарди.

Ҳамманинг оғзида дув-дув гап, бугун полк судининг оддий аскар Байгузин устидан чиқарган ҳукми ижро этилади, дейишарди. Ёқаси баррадан қилинган солдатча қалин мовут шинелли барваста малла офицер ҳаммани ўз оғзига қаратган эди, бу шинелнинг ўзига яраша тарихи бор эди. Бу шинель полкда икки ном билан, яъни «қоровул пўстин» ва «бувимнинг мурсаги» номи билан донг чиқарган эди. Бироқ бу номларни ҳеч ким шинель эгаси олдида айтолмас, чунки ҳамма тили заҳар офицердан ҳайнқарди.

У сўзларни малорусча талаффуз этиб, қўлини пахса қилиб, тўнгиллаб гапирар, қўл ҳаракатлари гапининг мазмунига тўғри келмас, оғзидан чиққан бемаъни гапларнинг тузилиши унинг собиқ семинаристлардан эканини кўрсатиб турарди.

— Бизнинг бурсада<sup>1</sup> хўп бошлаб урардилар! Шундай кезлар бўлардики, хоҳлайсанми, йўқми, ҳар шанба чолворингни ечишга мажбур бўлардинг... «Гапинг ўринли, сен ҳақлисан, оғайничалиш, шу гапинг рост бўлса, ёт-чи!» дер эдилар... Тўғриси ҳам шу-да... Модомики айбдор экан — жазолаш, бегуноҳ экан — тақдирлаш керак.

Батальон командири унинг гапига қўшимча қилиб:

— Буни елкасида ҳам озмунча таёқ синмаса керак, негаки, солдатлар ўғирликни кечирмайдилар,— деди.

Малла офицер дарҳол батальон командирига ўғирлиб, уни гапига эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди, индамай қўя қолди.

Фельдфебель батальон командирининг ёнига югуриб келиб, паст товуш билан:

— Жапоблари, татар болани олиб келаётирлар,— деб хабар берди. Ҳамма орқасига ўгирилиб қаради. Тирик тўрт бурчак бирдан ҳаракатга келди-ю, ҳеч қандай командасиз жим бўлиб қотиб қолди. Офицерлар шошилганларича, йўл-йўлакай қўлқопларининг тугмасини солиб, роталари ёнига кетдилар. Бу сукунат ичидан уч одамнинг оғир-оғир қадам ташлаб келаётгани аниқ эшитиларди. Байгузин икки солдат ўртасида келмоқда эди. Унинг эғнида ҳали ҳам ўша елкасига хилма-хил ямоқ тушган эски рўдапо шинель, енглари тиззасигача осилиб тушиб, шалвиллаб турарди. Бошига бостириб кийиб олган шапкасининг олд томони пешонасига тушиб, орқа томони кўтарилиб қолган, бу эса унга аянч тус берарди. Қомати букчайган бу жиноятчи, икки аскар билан тўрт юз яроғ-аслаҳали одамлар ўртасига келиб тўхтаганда, ҳаммада ғалати бир таассурот қолди.

Подпоручик Козловский Байгузинга жисмоний жазо бериш тўғрисидаги буруқни ўқигандан кейин, юрагини ит тирнай бошлади, қарама-қарши туйғулар, фикрлар тинчини олиб қўйди...

<sup>1</sup> Чор Россиясидаги диний мактаб.

Тергов бошланган кушнинг эртасигаёқ бошлиқлар, терговни тезроқ тамомлаш керак, деб Қозловскийни шошилтирганликларидан у Байгузинни жазодан сақлаб қолиш учун ҳеч нарса қилолмади. Тўғри, у татарга берган ваъдасини эсидан чиқармай, рота командирига мурожаат қилиб кўрган бўлса ҳам, аммо бундан ҳеч иш чиқмади.

Рота командири Қозловскийнинг гапига ажабланди, кейин хахолаб кулиб юборди, ниҳоят, ёш офицернинг борган сари ҳаяжонланаётганини кўриб гапни бошқа ёққа бурди, унинг диққатиши бошқа нарсага чалғитди.

Қозловский ҳозир ўзини хиёнаткор деб ҳис қилмаса ҳам, аммо у Байгузинни гўё алдаб, ўғирлигини бўйнига қўйган одам деб ҳис қиларди. «Бир одамнинг меҳрибон опасини, уй ичини эсига тушириб, хўрлигини келтириш ва ундан кейин... у бечорани тузоққа илинтириш алдашдан ҳам ёмонроқ», деб ўйларди подпоручик. Ҳозир у малла офицернинг гапини эшитиб, унинг ёқимсиз кир соқоли, бесўнақай, қўпол гавдасини, шапкаси остидан чиқиб турган кир, жамалак сочларини кўрарга кўзи йўқ эди. Афтидан, у бу ерга завқ билан томоша қилишга келган... Аммо Қозловский ўзини бу «томоша»нинг бош айбдори деб ҳисобларди.

Батальон командири майдоннинг ўртасига чиқди ва Байгузинга орқасини ўгириб, овозини чўзиб кескин команда бера бошлади:

— Қо-ро-вул, ту...

Қозловский қиличпини ярмисигача қинидан чиқазди ва худди совуқ еган одамдек титраб кетди, асаби қўзгаб, титрашдан ўзини тўхтата олмади. Батальон командири сафни кўздан кечириб, узук товуш билан қичқириб командасини охирига етказди:

— ...ришга тайёр...лан!

Ҳар томони баб-баравар тўрт бурчак ҳаракатга келди, қуролларнинг икки дафъа шиқиллагани аниқ эшитилди ва тўрт бурчак яна қотиб қолди.

Батальон командири дона-дона қилиб, қатъий товуш билан деди:

— Адьютант! Полк судининг ҳукмини ўқиб беринг!

Адьютант ўртага чиқди, гарчи у от мининини билмаса ҳам, юринини отлиқ офицерларнинг юришига ўхшар, кўкрагини олдинга чиқазиб чайқалиб юрарди. У сўзларнинг урғусини нотўғри қўйиб, кераксиз ўринда сўз-

ларни чўзиб ва ҳеч ким тушунолмайдиган қилиб суд ҳукмини ўқирди:

— Пиёда аскарлар полкининг подполковник ранслиги ва фалончилар ҳайъатида полк суди...

Байгузин бошини аввалгидек қуйи солганича икки солдат ўртасида турар, гоҳо солдатларнинг сафига қараб қўярди. Уқилаётган ҳукмдан биронта сўзни ҳам эшитмагани кўриниб турар ва ўзининг нима учун жазоламоқчи бўлаётганликларини англамаётгандек эди. У ҳукм ўқилаётганда атиги бир мартагина қимирлаб, бурнини тортиб қўйди-да, шинелининг енги билан арди. Козловский ҳам ҳукмнинг мазмунига тушунмади, лекин ўз номини эшитиб бирдан сесканиб кетди. Ҳукмда унинг тергов олиб боргани тилга олинганди. Шу пайт унинг назарида гўё ҳамма бошини буриб бир нафас унга қарагандек, сўнгра юзини тескари ўгиргандек бўлди. Унинг юраги орқасига тортиб кетиб, дук-дук ура бошлади. Аммо, унинг номини ўзидан бўлак ҳеч ким ҳам эшитмаган, ҳамма ҳукми бепарволик билан эшитар, адъютант ҳам бир оҳангда суд ҳукмини ўқирди. Адъютант, Байгузин хивич билан юз марта уриб жазолашга ҳукм қилинди, деб ўқишдан тўхтади.

Батальон командири эркин туришга команда берди ва сафда қўрқув аралаш савол назари билан қараб турган докторни боши билан имлаб чақирди.

Доктор ўз умрида одам жазолашни биринчи марта кўраётган ёш ва жиддий йигит эди. Тикилиб қараб турган юзларча кўзлар остида доктор ўзини йўқотиб қўйди, ранги оқарган, пастки жағи титраган ҳолда ўнгайсизланиб сафдан чиқди ва батальон турган жойнинг ўртасига келди. Байгузинга ечин, деб буйруқ бердилар.

Аммо у буйруқни дарров фаҳмлаб ололмади, буйруқни такрорлаб, нима қилиш кераклиги имо-ишора билан кўрсатилгандан кейингина у шошилмай, нўпоқлик билан шинель ва кийимларининг тугмасини еча бошлади. Доктор Байгузиннинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, қўрққан ва жиркангандек, унинг юрак ва томир тешишини текширди, ажабланиб елкасини қисди. Одатда, бундай ҳолларда одамларда бўладиган ҳаяжонланишдан Байгузинда асар ҳам йўқ эди. Афтидан, у ўзини нима қилмоқчи бўлаётганликларини тушунмас ёки унинг мустаҳкам асаблари ва онгсиз боши на ор ва на қўрқувни биларди.

Доктор батальон командирининг қулоғига энгашиб, ниманидир шивирлади-да, бояғидек бесўнақай қадам ташлаб, дарҳол саф орқасига ўтиб олди. Қасрдандир беш солдат келиб Байгузинни қуршаб олди, улардан бири — дўмбирачи ажралиб чиқди-да, ўнг қўлидаги дўмбира чўпини баланд кўтариб, батальон командирига қараб турди.

Татар шинелини еча бошлади... Аммо у шундай суэт ечинардики, ҳалиги тўсатдан пайдо бўлиб қолган солдатлар унга ечинишга ёрдам беришга мажбур бўлдилар.

Байгузин анча вақтгача шинелини қасрга қўйишини билмай иккиланиб турди, ниҳоят, уни яхшилаб ерга ёйди-да, счина бошлади. У ҳайрон қоларли даражада ориқ, бадани қон-қора эди. Қозловский, бу бечора татар ҳозир жуда совқотаётган бўлса керак, деб ўйлади-ю, ўзи ҳам аввалгидан баттарроқ титрай бошлади.

Татар либосларини ечиб, қимирламай тураверди. Унинг атрофидаги «жонкуяр» солдатлар ерга ётиш кераклигини кўрсата бошладилар. Байгузин энгашиб қўлини ерга тегизди, ўнгайсизланиб секин чўккалади ва ерга солган шинелига ётди. Солдатлардан бири чўққайиб ўтириб олиб, унинг бошини ушлаб турди, бошқаси Байгузиннинг оёқлари устида ўтириб олди. Учинчи солдат — унтер-офицер эса, айбдорнинг неча марта урилишини санаш учун, четроқда турди.

Шу топда Қозловский Байгузиннинг икки ёнига келиб тўхтаган яна икки солдатнинг оёғи остида бир боғ сип-силлиқ қизил хивич ётганини кўриб қолди.

Батальон командири боши билан имо қилган эди, дўмбирачи дўмбирасини тараклатиб чала бошлади... Байгузиннинг ёнбошида турган икки солдат эса, тарадудланиб бир-бирларига қараб қўяр, уларнинг ҳеч бири ҳам бошлаб беришни истамасди.

Унтер-офицер уларнинг олдига яқинроқ келиб, бир нима деди. Шундан кейингина ўнг томондаги солдат ҳўмрайганича, тишларини қисиб, қўлидаги хивични баланд кўтарди ва бутун гавдаси билан олдинга эгилиб, пастга туширди. Қозловскийнинг қулоғига татарнинг баданига урилган хивичнинг визиллагани ва унтер-офицернинг «бир» деб қичқиргани эшитилди. Татар худди ҳайратда қолган кишидек паст товуш билан қичқириб юборди. Унтер-офицер «икки» деб команда берди: чап

томонда турган солдат татарни хивич билан туширди. Татар бу сафар аввалгидан қаттиқроқ қичқирди. Унинг товушида калтак зарбидан азоб чекаётган ёш тапнинг нидоси эшитилди.

Козловский ёнида турган солдатларга кўз ташлади, уларнинг бўзарган юзлари ҳар вақт сафда турганларида қандай бепарво ва лоқайд бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди. Бу тошдай қотган юзларда ҳеч қандай фикр ўқиб бўлмас: уларда на ачишиш ва на қизиқиш аломати бор эди. Подпоручик совуқ ва ҳаяжондан доим титраб турар, Байгузиннинг бу жазога дучор бўлишига ўзининг ҳам сабабчи бўлганлигини ҳис қилиш ва унинг бақиринлари эмас, балки бу татарнинг ўз айбини, нимага саваланаётганлигини тушуниб етмаганлиги уни руҳан азобларди. Байгузин солдатлик хизматига келмасдан бурун солдатликда турли даҳшатлар бўлиши тўғрисида миш-миш гапларни жуда кўп эшитган эди. Шунинг учун у солдатлик ҳаётидаги зулм, адолатсизликларга тайёрланиб келган эди.

Байгузиннинг солдатлик хизматига келиб, ҳарбий бошлиқлар, казарма, рота томонидан кўрган «марҳамат»ларга жавобан бошлаб қилган иши ўзининг туғилиб ўсган Белибей далаларига қочиниш бўлди... уни ушлаб келиб, қоронғи уй — карцерга ташладилар. Ундан кейин у шу этик қўнжини олди. Қўнж нимага керак бўлиб қолганини ва нима учун олганини у ҳаттоки энг яқин кишиларига — ота-онасига ҳам изоҳлаб беролмасди. Агар ўз ишини билиб қиладиган, эс-ҳуши бор тadbирли бир ўғрини, ҳатто бу халқ олдида таёқланишининг ор-номус эканини ҳис этадиган бегуноҳ бир одамни жазолаганларида ҳам Козловский бунчалик азобланмас эди.

Байгузиннинг танига юз марта хивич келиб тушгач, дўмбичачининг дўмбираси тақа-тақ тўхтади ва Байгузиннинг атрофида ҳалиги солдатлар яна ўралаша бошладилар.

Татар ўрнидан туриб, нўноқлик билан тугмаларини солар экан, унинг кўзлари Козловскийнинг кўзлари билан учрашди. Подпоручик яна бу солдат билан ўзи ўртасида худди тергов вақтидагидек ажойиб бир руҳий яқинлик ҳис қилди. Тўрт бурчак шаклида тизилган солдатлар ҳаракатга келиб, тарқала бошладилар. Ҳамма офицерлар жам бўлиб казарма эшиклари томон қадам

ташладилар. Узун шинель кийган бояги малла офицер қўллари пихса қилиб, беўхшов имо-ишоралар билан яна гап бошлади:

— Шу ҳам саваш бўлдими? Бизнинг бурсада сава-лашдан илгари хивичларни сиркага солиб тоблар эдилар. Агар бу татарни менинг қўлимга берганларида, мен унга этик ўғирлаш қанақа бўлишни ўргатиб, мулла қилиб қўярдим. Булар эса урганлари йўқ. Шунчаки силаб қўйдилар, холос!..

Қўққисдан Козловскийнинг боши айлашиб, кўзлари ўнгида қандайдир қизил туман сузиб юргандек бўлиб кетди. У малла офицернинг йўлини тўсди ва бунинг билан ўзини жуда кулгили аҳволга тушиб қолганини ҳис қилса-да, титроқ товуш билан чийиллаб гапирди:

— Сиз бу ифлос гапни бир карра оғизга олдингиз, ammo ун иккинчи марта такрорламанг. Сизнинг ҳамма гапингиз қабиҳ, одамга ярашмайдиган гаплар!

Малла офицер ўзининг бу кутилмаган душманига қараб, ун бошдан-оёқ кўздан кечирди-да, елкасини қисиб деди:

— Сиз, йигитча, нега менга тирғиласиз? Тобингиз қочганми дейман.

— Нима?— яна чиқариб юборди Козловский.— Нима деяпсиз? Агар шу ондаёқ овозингизни ўчирма-сангиз...

Ногоҳон рўй берган бу можародан ташвишга тушиб қолган офицерлар Козловскийнинг қўлидан ушлаб орқага торта бошладилар. Козловский юзини кафти билан беркитиб олди-да, хотинлардек қалт-қалт қилиб ҳўнграб юборди, у йиғлар экан, кўз ёшларидан ўзи уялар, ерга кириб кетгудек бўларди.



## ЖАЗО МАШИНАСИ

Губерния дворянлари кенгаш ўтказадиган қўш қандилли катта залдаги дожалар, партер ва болохоналар одамлар билан лиқ тўла эди. Лекин шунга қарамай залдагилар шундай тинч ўтирардиларки, нотиқ бир қултум сув ичмоқчи бўлиб гапидан тўхтаганида, сўнгги пашшанинг визиллаб ойнага урилгани қулоққа эшитилди.

Хонимларнинг оқ, пушти, ҳаворанг кўйлаклари, уларнинг ғоят гўзал яланғоч елкалари ва чиройли бошлари орасида ихчам тикилган мундирлар товланар, қорайиб кўринар, кийимларга тақилган қалли зарбоф погонлар ярқирар эди.

Халқ маориф министрлиги формаси кийган юзи заҳил, фақат қора соқолу ярқироқ, қора кўзойнакдан иборатдек кўринган қотма, новча нотиқ саҳнада қўлини столга тираб турарди.

Бироқ халқнинг зийрак кўзи унга эмас, балки саҳнадаги рамиа<sup>1</sup> олдида турган таги кенг, усти тор, кулранг, пирамида шаклида юқорига кўтарилган, одам бўйида баландроқ, каноп жилдга ўроглиқ ғалати ва улкан нарсага тикилган эди.

Нотиқ чанқовини қондириб, йўталди ва гапида давом этди:

— Айтганларимдан қисқача хулоса чиқараман. Шундай қилиб, жаноблар, биз амалда нимани кўра-миз?.. Баҳо қўйиш, тақдирлаш ва ўқувчиларнинг тафовутини кўрсатиш каби рағбатлантириш баъзи бировларда ҳасад ва ичи қораликни, бошқаларда эса ўринсиз ғазабни тараққий эттиради. Ҳалеб бир нарсани тез-тез такрорланиши таълим-тарбиянинг таъсириши йўқотади. Болани чўккалаттириб юзини бурчакка қаратиб қўйиш, чироқ, соат остига турғизиб қўйиш кўннча бошқа ўқувчиларга ибрат бўлишга хизмат қилмайди, балки кўчадаги масхарабозларни томоша қилгандек майнавозчиликка олиб боради. Қамаб қўйиш эса бекорга ўқиш машғулотларидан қолдиришдан ташқари, ўқувчига ижобий зарар. Мажбурий иш бўлса, худди ана шу ишнинг юксак ва муқаддас маъносидан бизни

<sup>1</sup> Р а м п а — саҳнани ёритадиган бир қанча чироқларни пана қилиб турувчи узун тўсиқ.



маҳрум этади. Оч қолдириб жазолани зеҳн қобилиятига зарарли таъсир кўрсатади. Епиқ ўқув юртларида, уйига жавоб бермаслик фақат ўқувчиларни аламзада қилиб қўяди ва ота-оналарининг порозилигига сабаб бўлади. Шундай экан, энди қандай чора қолади? Муқаддас китоблардаги, касал аъзонинг давоси — кесиб ташлаш, токи бошқа аъзоларга юқмасин деган таълимотга амал қилиб, қобилиятсиз, енгилтак, шўх ўқувчини мактабдан ҳайдаб, баҳридан ўтиш керакми? Афсуски, ҳа! Бундай чора, афсуски, тараққиётга юз тутган ҳар бир давлатда гоҳо ўлим жазоси муқаррар бўлганидек муқаррар. Аммо, бундай узил-кесил охири чорани қўллангани аввал, бошқа чорани ўйлаб кўрамиз...

— Қалтакласа қандай бўларкин? — деб дўриллади биричи қаторда ўтирган тўладан келган, гаранг бир кекса — маҳаллий комендант. Шу онда у ўтирган юмшоқ курси остида ётган тумшуги ялноқ ити даргазаб бўлиб, хириллаб вовиллади.

Генерал қаерга борса, қўлида ҳасса тутиб, эшитиш аппарати ва ҳаллослаган қари ити — мопс билан ҳозир бўларди.

Нотиқ унга таъзим қилди ва ёқимли илжайди.

— Мен бундай мухтасар ва аниқ ифодаланиш ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Жанобларни асосан менинг фикримни нақ ўзини гапирдилар. Ҳа, мухтарам афандилар ва мухтарама хонимлар, биз ҳали қадим замондан бери сақланиб келган русча энг яхши бир тadbир — жисмоний жазо тўғрисида гапирмадик. Ҳолбуки бу ватанпарварлик, кучли миллий анъаналарга эга ва ёзмишга астойдил ишонган буюк рус халқи тарихининг замирида асосий ўринни ишғол этади! Исо пайғамбарнинг ҳавориси: эти сизники — суяги бизники, деб айтган эдилар. Урта аср ёзувининг тарихий, абадий ёдгори — «Домострой» ҳам падарлик қатъияти билан шундай деб, панд-насихат қилади. Ислоҳотчи буюк подшоҳимиз Улуғ Пётрнинг машҳур гурзисини хотирланг. Абадий барҳаёт Пушкиннинг ҳикматли сўзларини эсланг:

...Қанчалик қадимий бўлсалар  
авлод-аждод,  
Шунчалик кўп еганлар  
калтагу таёқ.

Ниҳоят, донишманд бўлмаган, оддийгина крепостной навкар тилидан гапирган ўзинининг ажойиб Гоголи-

мизни эслайллик: «Мужикни калтаклаш керак, чупки у шўхлик қиляпти». Ҳа, муҳтарам афандилар, жисмоний калтаклаш усули билан жазолаш бутун рус тарихининг ҳамма жараёнларида яққол кўзга ташланади ва шунинг учун мен бу ўзига хос рус ҳаётининг энг чуқур замирида томир ёйган деб дадил айта оламан.

Бироқ муҳтарам афанди ва муҳтарама хонимлар, фикран мозига чўмиб, бунинг оқибатида консерватор бўлиб қолишимга қарамай, гуманистларнинг энг либералларини қулочимни кенг очиб қарши оламан. Балаид овоз билан очиқ айтишга журъат қиламанки, шу вақтга қадар амалда қўлланиб келинган жисмоний жазолашда жазоланувчига ҳақорат ва жазоловчига хўрлик келтирадиган жойлари бор. Одам одамни бевосита жабрлаши, ҳар икки томонда кўролмаслик, даҳшат, ғазаб, ўч, нафрат ва ниҳоят жиноят билан жазо ўртасида қандайдир ёвуз ниятдан, ваҳшиёна ҳирс қўзғатишгача олиб борадиган туйғуни уйғотиши муқаррар. Шундай қилиб, афандилар, сиз мени жисмоний жазолашни инкор қиляпти, дерсиз? Ҳа, инкор қиламан, аммо одамни машинага алмаштириб, янги хил уришни йўлга қўйиш учун инкор қиляпман. Кўп йиллик меҳнат, тафаккур ва тажрибалардан сўнг, мен ниҳоят механик одил судлов идеясини ишлаб чиқдим ва жазо машинасини рўёбга чиқаздим. Яхшими, ёмонми — бунини ҳурматли мажлис аҳллариининг муҳокамасига ташлаб, ҳозир машинамни намойиш қиламан.

Нотиқ ҳаваскорларнинг спектакль кунларида декорациялар жойлаштириладиган томонга қараб бош чайқаб имлади. Шу ондаёқ саҳнага мўйлов қўйган бардам бир вахтёр чиқиб, рампа ёнида турган ғалати бир нарсанинг устига ёпилган брезентни олиб ташлади. Йигиндагиларнинг кўз ўнгидида кўнгил очадиган боғларда бир мирига одамнинг оғирлигини ўлчайдиган самовесларга ўхшаш, аммо мураккаброқ ва хийла каттароқ, металл қисмлари ярақлаган машина намоеън бўлди. Дворянларнинг мажлислар залида ўтирганлар ажабланганликларидан аланглаб, бошларини дам у ёққа, дам бу ёққа буриб қарадилар.

Нотиқ аппаратни кўрсатиб қулочларини кенг ёзди.

— Мана, меҳнатимнинг самараси шу машина! — деди у ҳаяжонли товуш билан. — Мана бу аппаратни ҳаққоний равишда, одил судлов машинаси деб атаса бўла-

ди. Унинг таркибида жуда содда ва оддий, қишлоқ мактабларининг бюджетига ҳам оғирлик қилмайдиган даражада арзон, диққатингизни аппаратнинг тузилишига жалб этишингизни ўтинаман. Дастлаб эътиборингизни пружинкаларга қурилган ётиқ саҳн ва унга олиб борадиган осма зина ўзига жалб этади. Саҳнда кичик курси қўйилган бўлиб, унинг суянчиғи эластик кириб-чиқиб турадиган пружинкалардан иборат, курси юмшоқ чарм билан қопланган. Кўриб турибсизки, курсининг остида ошиқ-мошиққа ўрнатилган ўроқсимон ричаг бемалол айланади. Ётиқ саҳн билан курсига тушган оғирликдан ричаг мувозанатини йўқотиб, ярим доира шаклида чизиқ тортиб оғирликка қараб беш вершокдан ўн саккиз вершок баландликкача курси тепасига кўтарилиб бир-бири билан жуфтлашиб туташади. Курси орқасида ичи ковак, кўндалангига квадрат шаклида кесилган тикка чўян устун қад кўтарган. Чўян устуннинг ковагига соат механизмига ўхшаган тўрт пудлик қадок тошни ва бурама пружинани ҳаракатга келтирувчи кучли механизм жойлаштирилган. Чўян устуннинг ёнбошига, механизмни тўғрилаш ва тозалаш учун кичкинагина эшикча ўрнатилган. Унинг икки дона калити,— афандилар, айниқса буни хотирингизда сақлашингизни ўтинаман,— маълум районнинг бош инспектори ва Россия бўйича мазкур ўқув юртининг бошлиғида сақланади. Шундай қилиб, жазо машинаси бир ишга тушгандан кейин, агар унга зўрлаб шикаст етказилмаса, маълум топшириқни бажармагунча савалашдан тўхтамайди. Машинанинг ҳамма қисмлари оғир ҳамда ғоят мустаҳкам, содда бўлганидан унга зарар етказиш ҳам амримаҳол.

Соат механизми ишга туширилгач, тишли гилдирак воситаси билан чўян ичидаги, унча катта бўлмаган ётиқ вал ҳаракатга келади. Валнинг сиртида, тўлиқ айланмайдиган спирал чизиқ бўйлаб вал ўқиға тиккасига саккизта силлиқ эгилувчан узун қамиш ёки пўлат чивиклар ўрнатилган. Бу чивиклар эскириб, титилиб кетса, янгисига алмаштирилса ҳам бўлади. Яна шуни айтиб ўтиш зарурки, бу вал винт йўли бўйича ўнгга ва чапга ҳаракат қилгани учун уриш кучи ҳар хил.

Шундай қилиб, вал ҳаракатга келди деб фараз қиламиз, унинг билан бирга пўлат чивиклар ҳам спирал доира чизиб ҳаракатланади. Ҳар бир чивик пастга бе-

малол айланиб ўтади, аммо юқорига тиккасига кўтарилиб, қаршиликка учраб тўсимга дуч келади. Дастлаб чивиқ бу якка чўп-тўсимга ўзининг учи билан тақалади, кейин бу тўсимга тақалиб, ушланиб қолган чивиқ ёйдек эгилиб, якка чўп-тўсимдан зарб билан сирғаниб чиқиб кетади-да, одамни шартиллатиб савалаб қолади. Якка чўп-тўсимни юпқа металл тахтача бўйлаб ҳар тарафга, пастга ёки юқорига, ҳар қандай баландликка ё пастликка махсус занжир-лўкидон воситаси билан суриб ўрнатиш мумкин бўлганлигидан шу нарса аёнки, якка чўп-тўсимни қанча пастга сурсак, шунча чивиқ кўпроқ эгилади ва зарб билан кучлироқ уради. Шу тариқа биз жазо даражасини белгилаймиз. Бунинг учун рейка, яъни юпқа металл тахтачада нолдан йигирма тўртгача лозим бўлган тақсимот бор. Энг юқоридаги ноль рақами, жазо шартли, яъни символистик характерда бўлгандагина қўлланилади, олти рақамни ишга солганда одамнинг бадани оғриқ ҳис қилади. Қўйи ўқув юртлари учун биз ўн рақами ёзилган тақсимотдан, ўрта мактаблар учун ўн беш, аскар, музофот маҳкамалари ва студентлар учун йигирма рақами ёзилган тақсимотдан, ниҳоят, ахлоқ тузатиш, маҳбуслар уйлари ҳамда иш ташлаган ишчилар учун энг қаттиқ жазо, яъни йигирма тўрт рақами кўрсатилган тақсимотдан фойдаланиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Мана, менинг ихтироимнинг асосий лойиҳаси шундан иборат. Энди унинг деталлари ҳақида тўхталиб ўтайлик. Мана бу ён тарафидаги дастак, худди нағманинг сопига ўхшайди, бу аппарат ичидаги спирал пружиналарнинг ишлашига хизмат қилади. Мана бу ярим доирада ҳаракатланувчи стрелка валнинг тез, секин ва ўртача айланишини бошқаради... Устуннинг энг тепасидаги ойна остига механик счётчик ўрнатилган. Счётчикда пайдо бўладиган рақамлар аппаратнинг тўғри ишлашини назорат этишга имкон беради, иккинчидан статистик ва тафтиш ишлари учун хизмат қилади. Бу мақсадни ижро этиш учун счётчик шундай қурилганки, у олти минггача бўлган рақамни кўрсатади. Ниҳоят, чўян устуннинг оёқ тарафида, жаноблар, кўвачага ўхшанқираган нарсани кўрасиз, бунинг тагида катталлиги ликопчадек келадиган доира тешик бор. Бу тешикка мана бу жетонлардан биттаси ташланади. Шундан кейин аппаратнинг ҳамма механизми бир зумда ҳаракатга келади.

Жетонларнинг ҳажми ва оғирлиги ҳар хил: бир мирилик кумуш тангадан тортиб то бир сўмлик кумуш пулгача бор. Агар гуноҳи оз одам учун тешикка бир мирилик танга ташланса, машина кам жазо беради, яъни беш марта уради, бир сўмлик танга ташланса, роппароса икки юз марта уради. Мавжуд жетонларни машинага ташлаб, турли усуллар билан ундан хоҳлаганимизча, яъни бешдан уч юз элликка қадар савағич «сўраб» олишимиз мумкин. Аммо...— деди нотик ва гап шу ерга етганда камтарлик билан жилмайди.— Агар биз шу чекланган рақамларда тўхтаб қўя қолганимизда ўз зиммамиздаги вазифамизни бажармаган бўлардик.

Муҳтарам афандилар! Ижозат этасиз. Ҳозир счётчик кўрсатадиган рақамни қайд қилиб хотирингизда сақлашингизни ўтинаман. Яна шуни айтишим керакки, тешикка жетонни ташламасдан олдин одам ҳеч қандай хавф-хатарсиз аппаратнинг зинапоясида туриши мумкин. Муҳтарам жаноблар бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, агар янглишмасам, счётчик икки минг тўққиз юз рақамини кўрсатса, демак жисмоний жазо охирига етганда, стрелка уч минг икки юз эллик рақамини қайд қилиши керак.

Тешикка хоҳлаган нарсани — хоҳ думалоқ, хоҳ узунасига, хоҳ кўндалангига кесилган бўлсин, ташласангиз уриш сонини бетўхтов бўлмаса-да, лоақал пружинанинг кучи етгунча, яъни етти юз саксон-саккиз юзгача ортиришингиз мумкин. Албатта мен жамиятимизда жетоннинг одатдаги чақа-танга пуллар билан алмаштирилишини ҳам назарда тутдим. Бундай ҳолларда ҳар бир ўзи урар аппаратга мис, кумуш, тилла пулларнинг тахминий оғирлиқ жадвали ва уриш сонни илова қилинади. Буни мана бу ерда, асосий чўян устуннинг ён тарафида кўришингиз мумкин.

Гапимни тугатдим ҳисоб. Энди айлападиган пиллапоя, тебраниб турувчи курси ва ўроқсимон дастанинг тузилиши тўғрисида баъзи изоҳларни бериш қолади. Булар хийла мураккаброқ бўлганидан, сиз ҳурматли жамоатга уларнинг иш-фаолиятини, аппаратимни намоён этганимда кўрсатаман, ҳозир эса аппаратимнинг ишини кўрсатиш учун сизлардан ижозат сўрайман.

Жазолаш тартиби қуйидагидан иборат. Дастлаб биз сиччиқлаб, жиноятнинг сабаб ва хусусиятларини текши-

риб, қандай жазо беришни белгилаймиз, яъни уриш миқдори, тезлиги ва кучини, баъзан чивикларнинг қандай материалдан ишланишини аниқлаймиз. Кейин аппаратни бошқарадиган одамга — машина бўлимига қисқача рапортча ёзиб юборилади ёки телефон қоқилади. Аппаратни бошқарувчи машинист нимаики даркор бўлса, ҳаммасини тайёрлаб, дарров ўзи кўздан ғойиб бўлади. Эътибор беринг, муҳтарам афандилар, одам кетиб, фақат холис, адолатли жазо машинасининг ўзи қолади!

Ҳозир машинамни амалий суратда тажриба қилиб кўрамиз. Чарм қопланган ёғоч ҳайкал гуноҳкор хизматини ўтайди. Машинани сизга яхшилаб кўрсатиш учун олдимизда жуда катта жиноятчи турибди деб фараз қиламиз.

— Қоровул!— деб қичқирди нотик саҳна орқасига қараб.— Аппаратни кичик тезликда, йигирма тўрт рақамига қўйинг!

Жимиб қолган одамлар диққат-эътибор билан қараб туришади, вахтёр машина дастасини бурайди, якка чўпкесимни пастга туширади, кўрсатгич стрелкани суриб қўйиб, саҳна орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлади.

— Энди ҳамма нарса тайёр,— дейди нотик,— жазо машинасининг хонасида ҳеч ким йўқ... Энди бизга фақат жазоланувчи одамни чақириб, уни қанчалик гуноҳкорлиги ва қандай жазога мустаҳиқ бўлишини тушунтириш қолади, шунини эътиборга олинки, муҳтарам афандилар, жазоланувчи қутидан лозим бўлган маркани ўз қўли билан олади. Буни албатта шундай уюштириш мумкинки, у шу заҳотиёқ маркани стол устидаги тешиб қўйилган тешикчага ташлайди, марка махсус тарновча орқали сирғаниб тўппа-тўғри қутичага бориб тушади... Буни қилиш жуда осон ва бу асосий масала эмас. Шу ондан бошлаб, яъни марка қутичага тушиши биланоқ, айбдор том маъноси билан машинанинг ҳукми остида бўлади. У кийим ечадиган хонага ўтиб, ечинади. Эшикни очиб зинапояга қадам қўяди, жетонни қутичага солади ва... албатта, унинг орқасидаги эшик зич ёпилади. У зинапояда қиёмат қойим бўлгунча турса ҳам бари бир жетонни қутичага ташлашга мажбур бўлади. Акс ҳолда, муҳтарам афандилар ва муҳтарама хонимлар,— дейди педагог ғолибона кулги билан,— зинача билан аппаратдаги саҳн шундай ишланганки, айбдор

жетонни қутичага ташламаса, ўтган ҳар бир дақиқада, жазоланувчининг оғирлигига қараб уриш сони бешдан ўттизгача ортиб боради. Гуноҳкор маркани ташлаши биланоқ, пиллапоя пастдан баландга ва олдинга қараб айланади, курси эса бош тарафи билан баландга тикка кўтарилади, курсининг тахта суянчиғига суяниб қолган жиноятчи уч томондан: бўйни, бели ва оёғидан ўроқсимон ричаглар билан ўраб олинади, курси эса аввалги ётиқ ҳолатига қайтади. Булар ҳаммаси бир зумда, кўз очиб-юмгунча қилинади. Кейин хиёл ўтмай биринчи калтак келиб тушади, шундан кейин ҳеч қандай куч машинанинг ҳаракатини тўхтата олмайди ва уриш зарбини сусайтиролмайди, одил судлов тамом бўлмагунча ҳеч нарса машина валининг айланиш суръатини камайтира ёки кўпайтира олмайди. Қалитсиз буни бажариш мумкин эмас.

— Қоровул, тери қопланган ёғоч ҳайкални олиб келинг-чи! Залдаги ҳозир бўлганлардан жазо машинаси неча марта уришини айтишларини сўрайман. Қандайдир бирор сонни айтилса бас, уч юз элликдан ошмайдиган уч хонали сонни айтсалар яна яхшироқ бўлади. Қани, марҳамат...

— Беш юз!— деб қичқирди комендант.

Худди шу пайт унинг стули остидаги ити «хап» деб акиллаб қўйди.

— Беш юз жуда кўп,— деб мулоимлик билан эътироз билдирди нотиқ,— аммо жанобларининг истакларини бажо келтириб, максимал рақамни олампиз. Ҳа... майли, уч юз элликни олайлик. Биз қутичага ихтиёри-миздаги ҳамма жетонларни ташлаймиз.

Шу пайт қоровул чарм қопланган хунук ёғоч ҳайкални қўлтиғига қисиб олиб чиқиб полга қўйди-да, орқасидан қўли билан тираб турди. Ёғоч ҳайкалнинг қийшиқ оёқлари, қулоч ёзган қўллари, орқага ташланган калласи жуда хунук ва истеҳзоли кўринарди.

Нотиқ машинанинг зинапоясига чиқиб олиб, гапида давом этди:

— Муҳтарам афандилар ва муҳтарама хонимлар! Яқин келажакда менинг механик жазо аппаратим кенг равишда тарқалади. Аста-секин ҳамма мактаб, билим юртлари, корпус, гимназия ва семинарияларда қабул этилади. Бундан бўлак, бора-бора жазо машинасини армия ва флотга, қишлоқ ҳаёти, ҳарбий ва граждан

турмаларига, участка ўт ўчириш командаларига ҳамда ҳақиқий рус оиласига олиб кирадилар.

Жетонларни аста-секин пул сиқиб чиқазishi муқаррар, шундай қилиб машина фақат таннархини оқлабгина қолмай, ортиқча маблағ ҳам тўплайди, бу пуллар хайр-эҳсон ва илму урфон йўлига сарф этилиши мумкин. Бу машина шарофати билан бизнинг молиявий чатоқликларимиз — абадий боқимандалар ҳам йўқола боради, чунки шу аппарат ёрдами ила азоб берилганда деҳқон тўлаши лозим бўлган пулини албатта шу қутичага ташлайди. Одамлардаги турли нуқсон, жиноятлар, дангасалик, бепарволик йўқолиб, ҳушёрлик, меҳнатни севиш, ҳаддан ошмаслик, эҳтиёткорлик, тежаб-тергашлик хислатлари барқ уриб гуллайди...

Машинанинг ҳамма афзалликларини олдиндан баҳолаш оғир, албатта. Улуғ Гутенберг ўзининг содда ёғоч дастгоҳини ясаганда, китоб нашр этиш инсоният тараққиёти тарихида катта ўзгариш қилишини олдиндан кўра олганмиди? Аммо, муҳтарам жаноблар, мен сизнинг олдингида авторлик фахри-ғурури билан шуғулланишдан ўзимни анча узоқда деб ҳисоблайман, чунки менга фақат бу аппаратнинг қуруқ назариясигина тааллуқли бўлиб, ихтироимни амалий ишлаб чиқишга шу ердаги тўртинчи маҳаллий гимназиянинг физика муаллими билан инженер Х. жаноблари катта ёрдам кўрсатдилар... Қулай фурсат келгандан фойдаланиб, уларга яна бир марта чуқур самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Гулдурас қарсақлардан зал ларзага келди. Олдинги қаторда ўтирганлардан икки одам ўрнидан турди-да, қизариб-бўзариб, ўнғайсизланиб, томошабинларга таъзим қилди:

— Мен учун эса, — деб гапида давом қилди нотик, — севикли Ватанимга қилган холис хизматимни ҳис этишим кифоя, бундан ташқари, яқинда мен муяссар бўлган катта шараф, яъни менга берилган оқ подшо ҳазратларининг расмлари солинган, номим ёзилган соат ва Курск дворянлари тақдим этган „*Similia similibus*»<sup>1</sup> сўзлари ёзилган медаль ҳамда каминаларига қилинган ғамхўрлик улуғ бахт-саодатдир. — У соат чўнтагидан деярли ярим қадоқ келадиган қадимги катта хронометр-

<sup>1</sup> Бу, шунга муносиб кишилар учун.



соатни чиқариб, боши узра баландга кўтарди; махсус калта занжирчада олтин медаль ликиллаб турарди.

Нотиқ бош эгиб:

— Муҳтарам афандилар, мен гапимни тамом қилдим,— деди тантана билан овозини пасайтириб.

Аммо ҳали қарсақлар бошланмасдан туриб кутилмаган даҳшатли бир ҳодиса рўй берди: қўққисдан соат педагогининг баландга кўтариб турган қўлидан сирғаниб кетиб жаранглаганча қутичага тушди.

Шу ондаёқ машина вишиллаб ва шақиллаб ишга тушди. У турган аппаратнинг зинапояси бирдан баландга кўтарилди. Бир лаҳзанинг ичида курси пастга тушиб-баландга кўтарилди бошлади, бир-бировларига келиб қўшилган ричагларнинг пўлат тиглари ярқиради. Формали фракнинг орқа этаги ҳавода ҳилпираб, залда тарс этган бир товушдан кейин ихтирочининг войдод деган товуши янгради.

Механик счётчик 2901 рақамни кўрсатди!

Ҳозир мажлисда нима бўлаётганини тез ва аниқ тасвирлаш жуда қийин эди. Дастлаб ҳамма одамлар бир неча дақиқа довдираб, ҳайрон бўлиб қолишди. Жимжит бўлиб қолган залда беихтиёр ҳалокатга тушган кишининг фарёд қилиб, ўкириб йиғлаши, чивикларнинг визиллаши, счётчикнинг шақиллаши эшитиларди. Кейин ҳамма саҳнага югурди.

— Худо ҳақи!— деб қичқирарди шўрлик ихтирочи.— Қутқарингиз! Худо ҳақи! Қутқарингиз!

Бироқ унга ёрдам беришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Жасур физика ўқитувчиси чивикларни ушлаб қолмоқчи бўлиб қўлини чўзгани заҳотиёқ яна дарҳол тортиб олди, шунда залдагилар қўлининг орқасида чивиклар қонли из қолдирганини кўрди. Ишга тушган якка чўптўсим ҳеч қандай кучга бўйин эгмасди.

— Қалит! Тезроқ калитни олиб кел,— деб педагог жон-жаҳди билан қичқирарди.— Қалит чолворимнинг чўнтагида. Тез бўл!

Хўжайинига содиқ вахтёр келиб тушаётган чивиклардан аранг ўзини ҳимоя қилиб, педагогнинг чолворини титкилаб кўрди, бироқ чўнтакда калит йўқ эди.

Счётчик:— 2950—2951—2952—2953 рақамларини шарақлаб ёзиб борарди.

— Жаноблари,— деди кўзига ёш олиб вахтёр,— чолворингизни ечишга ижозат берсалар. У ҳали яп-янги...

Агар йиртилиб кетса унга одам ачинади... Хонимлар бўладиган бўлса, бирпас тескари қараб туришади.

— Тур йўқол, аҳмоқ! Вой-вой-вой! Худо ҳақи, афандилар!.. Вой, вой... эсимдан чиқибди, калит пальтомнинг чўнтагида. Вой, вой, тезроқ!

Пальтони олиб келиш учун даҳлизга югуришди. Қалит пальтонинг чўнтагида ҳам йўқ эди. Афтидан ихтирочи калитни уйда унутиб қолдирган эди. Кимдир унинг уйига бориб келишга талабгор бўлиб чиқди. Дворянлар саркори унга бориб келиш учун ўзининг отларини таклиф қилди.

Минут сайин, риёзий аниқлик билан чивиқлар кетма-кет савалаб урар, педагог қичқирар, счётчик эса бепарво шарақлаб, урилган рақамларни аниқ кўрсатарди:— 3180—3181—3182...

Қандайдир гарнизон подпоручиги бирдан қиличини қинидан суғуриб, шиддат билан машинани чопа бошлади, аммо беш марта ургандан кейин қўлида қиличининг сопи қолди, синиб учиб кетган қилич учи маҳаллий земство маҳкамаси раисининг оёғига бориб тегди. Ихтирочининг чолвори дабдала бўлиб кетди. Ҳаммадан ҳам ёмони, машина уришдан қачон тўхташини ҳеч ким билмасди. Ҳар бир дақиқа йилдек туюлар эди. Қалитга кетган одам ҳамон қайтмас, счётчик эса, ихтирочи белгилаган рақамлар чегарасидан аллақачонлар ўтиб, хотиржамлик билан:— 3999—4000—4001 рақамларини кўрсатарди.

Педагог энди типирчиламас, кўзларини олайтириб оғзини очиб ётарди, фақат қўл-оёқлари томир тортишиб, дир-дир титрарди.

Аммо, бирдан комендант ғазабдан дағ-дағ қалтираб, фиғони фалакка чиқди ва қизариб-бўзариб итининг улашидек бир оҳангда бақириб юборди:

— Номаъқулчилик! Ахлоқсизлик! Бемаънилик! Тезлик билан ўт ўчириш командаси чақирилсин!

Бу энг доно фикр эди. Маҳаллий губернатор ўт ўчириш командасининг ишини томоша қилишга ишқивоз эди, уларнинг жадал, тез ҳаракатларига қойил қоларди. Салкам беш минутда, яъни жазо машинасининг счётчиги тўрт минг беш юз эллингинчи марта чивиқнинг уришини шарақлаб ёзиб кўрсатаркан, болта, лом, илгак кўтариб олган азамат ўт ўчирувчилар эстрадага бостириб кирдилар.

Ажойиб жазо машинаси абадий ҳалок бўлди. У билан бирга бу ҳақдаги олий идея ҳам ўлди. Машинанинг ихтирочиси эса тан жароҳати ва асабий касалликдан узоқ вақт оғриб ётгандан кейин ўз вазифасига қайтди. Аммо, бу машъум ҳодиса унинг эсини киргизиб қўйди. У бир умрга беозор, ювош, ғамгин чеҳрали одамга айланиб, лотинча ва грекча дарс беришига қарамай, тез орада шогирдларининг энг сеvimли устози бўлиб қолди. Шу-шу, у ўз ихтироси ҳақида қайта гап қўзғамди.

## ҲАЛОЛ ЁЛҒОНЧИЛИК

Иван Иванович Семенюта чакана одам эмас. У ҳуш-ёр, тиришқоқ, художўй. Ичмайди ҳам, чекмайди ҳам, карта ўйинларига ва хотинларга унча ҳуши йўқ. Лекин бечоранинг ҳеч омади ўнгидан келмайди-да. Бутун вужудида қандайдир паришонлик, журъатсизликнинг машъум тамғаси бор. Фақат қатъий ва жасур одамларга кўнгил қўйиб, уларга итоат қилувчи инжиқ хотинга ўхшаган бешафқат тақдир шунинг учун ҳам уни ҳамиша қийноққа солади. Семенюта мактабда ўқиб юрган кезларида, синфда содир бўлган ҳар бир ноҳўя иш учун балога қолар эди. Гоҳо шундай ҳоллар бўлардики, дарс вақтида бирорта зумраша бир варақ қоғозни ямлаб, усталик билан француз муаллимнинг ярғоқ бошига отарди. Семенюта бўлса худди шу вақтда сур пашшани пешонасидан қўриётган бўларди. Ғазабдан қизариб кетган француз:

— Ҳой, Земнют! Ярамас бола! Au tur! Қани, бурчакка тур!— деб қичқирарди.

Танаффус вақтида бечора бегуноҳ Семенютани инспектор олдига судраб борардилар. Инспектор оппоқ чўққи соқолини ликиллатиб, тилла кўзойнаги орқали кўк кўзларини чақчайтириб, қоқсуяк бармоғи билан унинг пешонасига чертарди.

— Ахлоқсиз шогирд! Зумраша! Тарбиясиз! Бутун мактабни шарманда қилдинг!..

Шундан сўнг совуққина қилиб, расмий равишда:

— Тушки овқатдан сўнг уч кунга карцерга қамалсин, рождество байрамига қадар отпуска берилмасин (бу — ётоқхонали мактаб эди), агар яна шундай қилса савалаб, мактабдан ҳайдаймиз,— дер эди.

Кейин пешонасига қаттиқ чертиб: «Йўқол! Сассиқ така!»— деб ўшқирарди.

Доим аҳвол шу эди. Болалар рогатка отиб, инспектор уйининг ойнасини синдириб қўйишса ё кўшнларнинг полизига ўғирликка тушишса, бу ишга мутлақо қатнашмаган, мўмин Семенюта ҳамиша балога қолар, ўғрилар қочиб, яширинишар, бу шўрлик мудом жиноят содир бўлган жой яқинида қўлга тушар, яна жазолаш учун уни судраб олиб кетар эдилар. Яна:

— Зумраша, тарбиясиз!— деган гапни эшитарди.

Шундай қилиб, у кўп қийинчиликлар билан олтинчи

классга ўтди. Агар уни олтинчи классга ўтмасдан илгарироқ қўлига паттасини бериб мактабдан ҳайдамаган бўлсалар, бунинг сабаби шу эдики, унинг ғарибхонада турувчи бечора кампир онаси шаҳарнинг у бурчидан зўрға судралиб келиб, инспектор ё директорга, ёки мактаб попининг олдига бориб ўзини ерга ташлар, уларнинг оёқларини қучоқлаб, ўғли учун кўз ёшларини дув-дув тўкиб:

— Болажоним жувормаг бўлиб кетмасин. Худо ҳақи, у гапга кирадиган жуда мўмин-қобил бола, фақат у андаккина тортинчоқроқ, юрагини олдириб қўйган, бошқа шум болалар доим уни ранжитишади. Майли, ҳар қанча бўлса уни уринглар, мен рози,— деб ялишиб-ёлборарди.

Семенютани тез-тез боплаб савардилар. Бироқ бу синамол чора унга сира кор қилмасди. У еттинчи классга кўчишга икки марта уриниб кўрса-да, иши ўнгидан келмади, шундан кейин уни бари бир мактабдан ўчиришди. Аммо онасининг кўз ёшларига раҳм-шафқат қилиб, унга олтинчи классни битирганлиги ҳақида шаҳодатнома беришди.

Дўстга хор, душманга зор бўлган онаси ўғли учун бир амаллаб штат кийим тикдириш учун озгина пул жамғарди. «Ярим демисезон» кўк пальто, пиджак, шим, жилетка, ямоқ тушган этик ва эркакча қаттиқ шляпани чайқов бозоридан сотиб олди. Ич кўйлак билан иштонни эса ўзининг юбка ва кўйлагидан тикиб берди.

Энди уни ишга жойлаштиришгина қолган эди. Аммо шўрлик Семенютага ҳадеганда ўрин топилавермади. Лекин шуни айтиш керакки, у лоақал кичкинагина бир хизмат топиш учун бир йилгача катта шаҳарнинг ҳамма кўчаларида эрталабдан кечгача тилини бир қарич қилиб югуриб юрди. У бевалар турадиган ғарибхонада тушлик ва кечлик овқатни ер, онаси умумий ошхонада овқатланиб, ўзига бериладиган озгина таомнинг ярминини яширинча ўғлига олиб келиб берарди. Ҳаммадан ҳам тунаш масаласи мушкул эди, чунки бевалар умумий ётоқларда турар, ҳар бир хонада беш-олти киши ётарди. Бироқ она псаломшчик<sup>1</sup> билан ётоқ кийим-кечаклари, анжомларига мутасадди бўлган аёлга ялишиб-ёлборди. Улар марҳамат юзасидан Семенютага ошхо-

---

<sup>1</sup> Энг қуйи мартабали руҳоний.

нада икки стул ва узунчоқ курсини бир-бирига тиркаб, унинг устида ухлашга ижозат бердилар.

Ахир, бир йилдан кўпроқ фурсат ўтгач, давлат палатасида маоши йигирма уч сўму ўн бир ярим тийин бўлган мирзалик вазифаси топилди. Бу ишни Семенютага унинг онасини ёшлик чоғларида, яъни ўзига тузук, тўқ ҳаёт кечирган даврларида танийдиган адвокат Ювеналий Евпсихиевич Антонов топиб берди. Чарчаш нималигини билмайдиган Семенюта бутун куч-қуввати билан бу диққинафас, оғир ишни бажаришга киришди. Маҳкамага у ҳаммадан аввал келиб, ҳаммадан кейин кетар, баъзан кечалари ишлаб қоларди, чунки арзимаган пул учун ўртоқларининг ошиғич ишларини қилиб берарди. Бошқа мирзалар уни менсимас, нафрат билан муомала қилишарди. У хизматга кириб, таниш-билиш орттирмас, бильярд ўйнамасди. Боғда музыка чалинганда таниш қизлар билан сайр қилмасди. Шунинг учун ҳамкасблари уни «Сурия сўфиси» дейишарди.

Энди Семенютага бахт қуёши кулиб қаради. Нега десангиз, унинг чордоқда қуш уясидек кичкинагина хонаси бор. Энди у грек ошхонасида йигирма тийинга овқатланади, бироқ қандли чойни ўз хонасида ичади, у энди онасига гоҳ олма, гоҳ ўн-ўн бешта конфет, гоҳ бирор қутича ҳолва олиб бориб хурсанд қилади, бундан ташқари, йил охирига етганда ўзига туппа-тузук, басовлат костюм, фарчиллайдиган пишиқ ботинка сотиб олди. Афтидан бошлиқлар унинг тиришиб, ихлос билан ишлашини қадрлаган бўлсалар керак, иккинчи йили унга дафтардорлик лавозимини бериб, ойлигига беш сўм қўшишди, иккинчи йил охирида эса у штатга ўтди, гоҳ омонат кассага ҳам пул қўядиган бўлди. Аммо турмуши яхшиланиб яйраган маҳалда тақдир ўзининг машъум раҳмсиз башарасини кўрсатди.

Бир кун Семенюта идорада кечаси алламаҳалгача ишлаб қолди. Бундан ташқари уйда яна шошилич равишда шахсий бир одамнинг ишини кўчириши лозим эди. У соат тўртдан ошганда ухлашга ётди ва ўз ода-тича соат еттида — чарчаган, кўзларининг ости кўкарган, қовоқлари шишган, кўз жияклари қизариб, ранги кетган, эзилган ҳолда ўрнидан турди. Бу сафар у идорага ҳар кунгидек, ҳаммадан аввал эмас, балки энг кейин келди.

У ҳали ўз жойига ўтириб, стол устига қоғозларни

ёйиб қўйишга улгурмасданоқ, кўнгли гаши бўлиб, даҳшатли бир фалокатдан дарак бера бошлади. Уртоқларидан баъзилари унга адоват билан кўз қирларини ташлар, баъзилари эса қизиқсиниб қарар, бошчаларининг кўзи унинг кўзларига тушиб қолса ерга қараб ўтар, юзларини тескари ўгирар эдилар. У эса ҳеч нарсага тушунмас, аммо юрак-бағри қон бўлар эди.

Борган сайин ҳовлиқиб безовталанарди. Соат ўн бирда одатдагидек қўнғироқ чалинди, бу билан директорнинг келганини билдиришди. Семенюта бир сесканиб тушди-ю, безгаги тутгандек дир-дир титрай бошлади. Секретарь унинг столи устига энгашиб, кескин овоз билан аста: «Жаноб олийлари сизни кабинетларига таклиф этиптилар», деганида Семенюта сира ажабланмади, худди бошига болта тушган ҳўкиздедек бир чайқалиб кетди. У ўрнидан турди-да, худди уйқусираган одамдек аранг оёғини судраб, узун муассаса бўйлаб кетди, ҳамма хизматчилар унинг орқасидан тикилишиб, кузатиб қолишди.

У ҳеч қачон бошлиқнинг бу ҳайбатли хонасида бўлмаган ва хона ўзининг кенглиги, серҳашам мебеллари, тўқ-қизил қалин пардалари билан уни шунчалик ҳайратда қолдирган эдики, ҳатто у худди каттакон лаган лабига қўнган чумчуққа ўхшаб, ҳашаматли ёзув столи ёнида ўтирган паканагина директорни дарров пайқамади.

— Қани, яқинроқ келинг, Семенюта,— деди директор бошини эгиб салом бергандан кейин.— Айтинг-чи, нега сиз бу ишни қилдингиз?

— Қанақа ишни, жаноблари?

— Қанақа ишлигини мендан кўра ўзингиз яхшироқ билсангиз керак. Нега сиз хўжалик мудирини столининг яшигини синдириб, у ердан герб маркалари<sup>1</sup> билан пул ўғирладингиз? Тонманг, бизга ҳаммаси аён!..

— Мен-а? Худо ҳақи... мен... мен... жаноблари...

Университет профессори, молия ҳуқуқидан дарс берувчи, вазмин, тийимли, инсонпарвар ва жуда либерал одам бўлган бошлиқ мушти билан столни урди:

— Қўйинг, онт ичманг. Кеча кечаси бу ерда ўзингиздан бошқа ҳеч ким қолмаган эди, сиз соат биргача бу ерда бўлгансиз. Сиздан бўлак идорада фақат қоро-

---

<sup>1</sup> Ҳужжатлар устига ёпиштириладиган солиқ маркази.

вул Анкудин қолган, бу ерда қирқ йилдан кўпроқ хизмат қилади, унга ишончим комил, у олмайди. Бўйнингизга олинг, мен сизга ҳеч қандай зарар етказмайман, фақат хизматдан бўшатиб юбораман, холос.

Семенютанинг оёқлари шундай титрардики, у ғайри ихтиёрий равишда чўкка тушди.

— Худо ҳақи, жаноби олийлари, рост гап... Биби Марям ҳақи, агар мен... худо урсин... жаноб... худо...

— Туринг ўрнингиздан!— деди бошлиқ жиркангандай, оёқларини стол остидан тортиб.— Кечаси фоҳишахонада бўлганингиз башарангиздан ҳам кўриниб турибди. Сизлар агар растрат ёки ўғирлик қилсанглар (бошлиқ бу сўзга урғу бериб қаттиқроқ айтди), даставвал қовоқхона ёки исловотхонага югуришингизни мен билмайманми, ахир. Ўз идорам номини булғатмаслик учунгина полицияга хабар қилмайман. Аммо шуни билиб қўйингки, агар кимки сиз тўғрингизда мендан маълумот сўраса, яхши одам деб айтолмайман. Жўнанг!

У электр қўнғироғининг тугмачасини босди.

Мана, Семенюта уч йилдан бери ярим ваҳший, дардчил, мудҳиш ҳаёт огушида. У ним қоронғи подвалнинг зах, совуқ бурчагини ижарага олган. Подвалнинг иккинчи бурчагида Михеевна деган савдогар аёл истиқомат этади, бу аёл балиқчилардан сават-сават майда балиқлар сотиб олиб, улардан котлет қилади ва донасини бир тийиндан бозорда сотади.

Подвалнинг ёруғроқ бурчагида иш кунларида мулозим, хушчақчақ, хушмуомала, байрамларда эса жанжалкаш ва уришқоқ этикдўз Иван Николаевич уззукун болғачасини тўқиллатиб ўтиради, у бу ерда бир талай болалари ва мудом иккиқат хотини билан яшайди. Ниҳоят подвалнинг тўртинчи бурчагида каттакон ёғоч жомашовни тарақлатиб, пияниста ва сержанжал манжалақи кирчи хотин, подвал эгаси Ильинишна кир ювади.

Семенюта ҳозир нима билан тирикчилик қилганини ўзи ҳам айтиб беролмайди. У этикдўзнинг катта болалари Колька билан Веркага алифбе ўргатади. Бу хизмати эвазига эрталаб уларникида қора нон билан қанд тишлаб чой ичади, яна у ресторан, пивохоналарда шикоят ва илтимосномалар ёзиб юради ҳамда ҳар куни эрталаб саводсизларга конвертларга адрес, хат ёзиб беради, шаҳарнинг бир чеккасидаги савдогар оиласида



ойига уч сўм ҳақ олиб дарс беради. Бироқ ёзув-чизув ишлари доимо бўлиб туравермайди. Унинг асосий машғулоти — ўзига иш қидириб кун бўйи шаҳар кезиш. Аммо унинг ташқи кўриниши ҳаммани чўчитиб юборади. Соч-соқоли олинмаган, худди ўрилмаган пичандек ҳурпайиб туради, оқ, рангсиз юзлари зах подвал ҳавосида кўпчиган, этигининг тагчарми кўчиб, оғзи очилиб қолган. У ҳали пияниста эмас, бироқ қиттак-қиттак ичишга ўргана бошлаган.

Аммо, у бир йилда тўрт марта одам қиёфасига киришга уринади: янги йилда, пасхада, тронца байрамлари ва ўн учинчи августда.

Бу кунлар арафасида у бошини минг ёққа уриб, хор-зор бўлиб, ўн беш тийин жамғаради — бир мирини ҳаммомга, бир мирини подвалда яшаб, бевивеска ишлайдиган сартарошга сарф қилади, қолган бир мирига эса бир плитка шоколад ёки апельсин сотиб олади.

Кейин эски ошналаридан бирининг уйига боради. Унинг келишини ёқтиришмаса ҳам ошналари уни нафрат аралаш раҳмдиллик билан кутиб олишади. Бу ўртоқларидан биттасини фамилияси Пшонкин, иккинчисиники Масса эди. Жонларига тегишдан қўрқиб, уларни кига галма-гал меҳмон бўлиб боради.

У ошнасникида ўзига таклиф этилган бир стакан чойни ичади-да, чуқур нафас олиб уҳ тортади ва маъжосланиб бош чайқайди.

— Ҳа, аҳволинг чатоқми, Семенюта оғайни?

— Нолимоқ гуноҳ... Бироқ аҳволим ёмон, Николай Степанович.

— Унақа экан, чакки иш қилишнинг нима кераги бор эди?

— Николай Степанович, тепамда худо бор... Мен эмас... худо ҳақи... мен эмас.

— Бўлди... Бўлди... Йиғлама... Ҳазил қиляпман. Мен сенга ишонаман. Фалокатга ким йўлиқмайди дейсан? Сенга пул-мул керак эмасми, Семенюта? Хоҳласанг йиғирма беш тийин бериб тураман.

— Йўқ, йўқ, Николай Степанович, пул керак эмас, пулни олмайман ҳам, агар менга мурувват қилмоқчи бўлсангиз, бирорта эскироқ костюмингизни икки соатга бериб турсангиз. Илтимосимни қайтарманг, азизим, хотирингиз жам бўлсин, кеча ҳаммомда бўлганман, тозаман.

— Жуда қизиқ одамсан-да, Семенюта, сенга костюмнинг нима кераги бор? Уч йилдан бери кийиб бераман деб мендан костюм сўраб оласан? Костюмни сенга нима ҳожати бор?

— Биласизми, Николай Степанович. Мени кампир бир холам бор... Худо кўрсатмасин, бирдан ўлиб қолгудек бўлса, ягона меросхўр мен бўламан. Кўриниб, аҳволини сўраб туриш керак. Пули кўп эмас, беш юз сўм... ҳазил гап эмас ахир...

— Ҳа... майли, олсанг ола қол... Худо мадаккор бўлсин.

Мана, у этигини ойнадек ярақлатиб, сидирилган жойларини сиёҳ билан бўйяйди-ю, шимининг почасидан осилиб тушган ипларини қирқиб ташлайди, ёқа кийиб, қишин-ёзин газет қоғозга ўроғлик қизил галстугини тақиб олади-да, шаҳар бўйлаб судралиб бевалар уйига — онасига меҳмон бўлиб боради. Бевалар уйининг бефайз, лекин иссиққина даҳлизиди қора семурғ қуш расмли, қизғиш уқали либос кийган, семиз оқ соқол швейцар ҳайкалдек қотиб туради. У Семенютани беш яшарлигидан бери билади, бироқ унга такаббуруна қараб, саломига алиқ ҳам олмайди.

— Салом, Никита. Соғ-саломатлигинг жойидами?

Мағрур Никита, худди қотиб қолган тошдек жавоб бермайди.

— Қампирнинг соғлиги қалай?— деб сўрайди хижолат тортиб, эсанкираган Семенюта, пальтосини илгакка илар экан.

— Нимаям бўларди унга? Қампир тетик. Фимирлаб юрибди.

Семенюта одатда, костюмидаги нуқсонлар кўзга ташланмайдиган пайтни пойлаб, кечқурун келишга тиришади. У деворлари кўк бўёқ билан бўялган, гумбаз тахлит каттакон палаталардан, устма-уст қўйилган пахтадек момиқ пар ёстиқлар ёнида ва орқасидан, қизиқиб кўзойнаги тепасидан қараб кузатиб қоладиган бева кампирлар ёнидан ўтиб боради. Ёшликдан таниш бўлган хушбўй ўсимликлар, ялпиз, мум, полга тўшалган майда-чуйда тахталардан чиққан елим ва покиза кампирлар турадиган жойдан келадиган ғалати ҳидлар, ер иси Семенютанинг димоғига келиб урилади. Унинг юраги ачишиб, раҳми келиб кетди.

Мана, онаси истиқомат қиладиган хона. Боши де-

ворга, оёғи ичкари томонга қарата қўйилган олтита баланд каравот, ҳар бир каравот ёнида атрофига чиганоқлар ёпиштирилган рамкалар устига эски суратлар ёпиштирилган бефайз жавончалар туради. Хонанинг қоқ ўртасида, шипдан ғалтак билан паст туширилган катта лампа столни ёритади. Столда уч кампир эртдан кечгача преферанс<sup>1</sup> ўйнаб ўтиришади, уларнинг ёнидаги икки кампир бир нарса тўқиб ўтиради, гоҳо ўйинни қизиқиб таҳлил қилишади. Бу манзара Семенютага жудаям таниш.

— Конкордия Сергеевна, биров сизни йўқлаб келди.

— Ваняжон эмасми?

Она дарров ўрнидан туриб, кўзойнагини пешонасига кўтариб қўяди, коптокдек думалоқ жун ип ерга думалаб, у тўқиётган нарса сўкилиб кетади.

— Ваняжон! Азизим! Қута-кута, лочиним энди келмас экан-да, деб ўйлаб ўтирган эдим. Қани, юр, бугун тушимда ҳам сени кўрувдим.

У ўғлини титроқ қўллари билан ушлаб, ойна ёнида ўзига алоҳида қўйилган столча ёнидаги каравотига олиб кетади, столга дастурхон ёзиб, черковда ёқиладиган мум шам қолдигини ёқади ва шкафчасидан чойнак, пиёла, чой дамлайдиган кичкина чойнакча, қанд идиш олиб қўяди, тинмай уни меҳмон қилиб сийлашга уринади, унинг қоқшол озғин қўллари қалтирайди.

Улардан сал нарироқдан эллик ёшларга борган кўк кўйлакли, оқ фартуғли қари қиз — ходима ўтади.

— Домнажон, — ялиниб гап қотади Конкордия Сергеевна. — Айланай, бизга бир оз қайноқ сув келтириб бер-чи. Қўряпсан, Ваняжон меҳмон бўлиб келди, ахир.

Домна эскичасига, московчасига эгилиб, иззат билан Семенютага салом беради.

— Салом алайкум. Иван Иванович, кўп замонлардан бери келмайсиз ҳам, онангизни соғинтириб қўйдингиз. Ҳозир, хоним, олиб келаман.

Домна қайноқ сув келтиргунча она-бола жим қолиб, бир-бирларига синчков назар ташлаб, гўё юракларига қўл солиб кўришмоқчи бўлишади.

Дарҳақиқат, одам бир-бирини узоқ муддат кўрмай жудаликда яшаса, шафқатсиз замон юзларига босган

---

<sup>1</sup> Карта ўйини.

муҳрни, озиб-тўзиб қолганликларини киши тез пайқайди.

— Ранги-рўйингни мазаси йўқ-ку, Ваняжон,— дейди кампир ва бужмайган қаттиқ қўллари билан ўғлининг стол устидаги қўлларини силаб-сийпайди.— Рангингда ранг қолмабди, чарчаган кўринасан.

— Нима қилай, хизматим оғир, онажон. Мен энди ҳамманинг кўзига кўринадиган бўлиб қолдим. Мартабам кичик бўлса ҳам, идоранинг ҳамма ишини менга топширишади. Саҳардан қош қорайгунча ҳўкиздедек ишлайман. Хўп денг, она, ахир мартаба орттириш керак-да!

— Жуда ҳам ортиқча уриниб ўзингни чарчатиб қўйма, Ваняжон.

— Зарари йўқ, ойи. Мен жуда бақувватман. Хизматим эвазига пасхада Коллежский регистратор унвонини оламан, ойлигим ҳам ортади ва мукофот оламан. Ана шунда сизнинг бу ерда хор-зор бўлиб яшашингизга хотима берилади, квартир олиб, бу ердан сизни олиб кетаман. Ундан кейин турмушингиз турмуш эмас, жаннат бўлади. Мен хизматда, сиз уй бекаси бўласиз.

Кампирнинг меҳри жўш уриб ийиб кетади, ажнларидан ариқ-ариқ ёш оқиб тушади.

— Худо хоҳласа, Ваняжон. Фақат яратган сенга тўзим ва соғлиқ берсин. Ранги рўйингни қара...

— Ҳечқиси йўқ, бардош бераман, маман!

Оғир турмуш эзиб қўйган бу юраксиз одам, онаси олдига озиб-ёзиб бирпас ўтириб кетиш учун келган кезларида, бир замонлар ўзи ишлаган идорага командировкага келган ишёқмас, олифталарга онгсиз равишда тақлид қилиб, сурбет ва бетакаллуф бўлиб олади. «Маман» деган бемаъни сўзни ишлатишнинг ҳам боиси ўша. Илгари онасини ҳаммиша «она», «онажон» деб атарди. Ҳозир ҳам кўнглида шундай деб атар ва онасини сенсирарди. Бироқ «маман» деган сўздан қандайдир аристократлик ва бетакаллуфлик иси келади. Айни замонда у онасининг паришон, маъюс, шисинқираган чехрасига қараб дили оғрийди, қалбида ор-номус, раҳмшафқат ва қўрқув туйғулари уйғонади.

Домна қайнаган сув келтириб, одоб билан эгилиб столга қўяди ва секингина чиқиб кетади.

Конкордия Сергеевна чой дамлайди. Уларнинг столчалари атрофида митти кўз, ўзлари сичқонга ўхшаган,

ҳар нарсага қизиқадиган кампирлар ишлари бўлса ҳам, бўлмаса ҳам уймалашадилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам Семенютани беш яшарлигидан билишади. Кампирлар унинг рўпарасида тўхтаб, бош чайқашади ва таажжубланишади.

— Яратгандан ўргилай, Ваняжон! Таниб бўлмайди-я: кап-катта бўб қобди. Мен сизни мана шундоғлигингиздан бери танийман. Жуда юракли, қаҳрамон бола эдингиз. Ҳамма сизни генерал Скобелев деб атарди. Мени «Перпетуя Измегуевна» деб, марҳума Гололобовани, Надежда Федоровнани «думдор сур кампир» деб калака қилардингиз...

Конкордия Сергесвна такаллуфсизлик билан қўлини силтайди:

— Барака тошгурлар, ўғлим билан гаплашиб олдиган зарур бир гапим бор. Халақит берманг бизга. Боринг.

— Аҳволингиз қалай, маман?— деб сўради Семенюта чой хўпларкан.

— Аҳволимни нимасини сўрайсан, болам? Аллақачонлар йўлимдан гўрим яқин бўлиб қолган. Бироқ мана бу қизларимнинг аҳволи чатоқ. Сен бўлсанг, худога шукур, ўзингни ўзинг эплайдиган бўлиб қолдинг. У бечораларга қийин. Катянинг эри бўлса бутунлай уйдан совубди: қимор ўйнармиш, ичкилик ичармиш, худо берган куни уйга маст бўлиб келармиш. Катяни урармиш... Афтидан, яқинда уни темир йўлдан ҳайдаб юборишса керак. Катя эса яна иккиқат, у қуриб кетгур ичкилигини қўймайди.

— Рост айтасиз, маман, чиндан ҳам у ярамас одам.

— Тсс... Жим... Овоз чиқариб гапирма...— деб шивирлайди она.— Бу ерда ҳамма бировларнинг гапига секин қулоқ солиб эшитиб олади, кейин ғийбат қилишади. Ҳа... Энди Зояни турмуши қанақалиги масаласига келсак, яхши-ёмонлигини айтолмайман. Унинг Стасенкаси ширинсўз, яхши одам... Ҳа... ҳамма поляклар шунанча ширинсўз бўлади... Бироқ ўлгудек ғаркўз, худоё тавба! Шарманда, пулларини ўшаларга сарфлайди. У чопқир отлар қўшилган извошларда сайр қилади, ҳар хил совғалар учун кўп пул харжлайди. Зоя бўлса шу маҳалгача унга ошиқи шайдо. Тентак! Бу қандай аҳмоқлик ахир, ҳеч тушунолмайман. Яқинда Зоя унинг ёзув столига тушадиган калит топиб, стол ғаладонидан

эрининг маъшуқалари қип-яланғоч тушган расмини топиб олибди-да, опиум ичиб заҳарланибди, уни аранг ўзига келтиришибди. Вой ўлай... нега мен кўнгилсиз нарсаларни гапириб алжираяпман-а? Яхшиси ўз тўғрингда бир нарса гапир. Фақат тсс... секинроқ сўзла. Бу ерда деворларда ҳам қулоқ бор.

Семенюта ўзининг бутун истеъдод ва маҳоратини ишга солиб бетакаллуфлик билан ёлғон гапира бошлайди. Унинг ҳозирги гаплари аввалги сафар меҳмон бўлиб келганда гапирган гапларига мухолиф бўлса-да, буни ўзи сезмайди... Онаси сезса-да, ўзини билмасликка солади, индамайди, фақат нурсиз кўзлари маъюсланади, ўғлига синовчан назар ташлайди.

— Хизматим чакки эмас. Бошлиқлар мени қадрлайди, ўртоқларим яхши кўришади. Рост, Трактатов билан Преображенский менга ҳасад қилиб, иғво қилишяпти, бироқ уларга йўл бўлсин! Уларда на илм ва на фаҳм бор. Қанақасига илм бўлсин ахир, биттаси семинардан қувилган, иккинчиси шунчаки бир ота безори одам! Семенютага қарши чоҳ кавлаб кўришсинчи! Семенюта идоранинг ҳамма сир-асрорини ипиданигнасигача билади ахир, идора бошлиғи ҳам мен билан жуда қалин. Яқинда мени уйига кечки овқатга таклиф қилди. У ерда танца бўлди. Идора бошлиғининг қизи Любахон бир қиз билан менга яқин келиб: «Гул керакми, нилуфар?» деб сўради. Мен нилуфар деб жавоб бердим. Қиз лолодек қизариб кетди... Кейин, нилуфар мен эканлигимни қаёқдан билдингиз, деб сўради. Мен эса: «Юрагим белги бериб турувди», деб жавоб бердим.

— Уйлансанг бўларди, болам.

— Шошманг, маман, ҳали эрта, бир оз пат чиқазиб, қанот қоқадиган бўлиб олайин!.. Ўзиям бирам чиройли, жонон!

— Вой шайтон-э!

— Туф, туф... кўз тегмасин яна. Ношукурчилик қилиб бўлмайди, ишларим ҳозирча ёмон эмас. Яқинда бошлиғимиз идорамиздан ўта туриб, елкамга қоқиб: «Ғайрат қилинг, йигитча, ҳа... ғайрат қилинг!.. Мен сизни кўз остимга олиб қўйганман, ҳамиша сизни ҳимоя этаман, умуман назардан қочирмайман», деди.

Семенюта оёғини олифтачасига чалкаштириб олади-да, кўзларини қисиб, мўйловларини бурайди, ўзининг пуч хаёлларидан завқланиб лаби-лабига тегмай сўз-

лайди, унинг ажойиб ва гаройиб ҳикоясига маҳлиё бўлган онаси эса оғзига тикилиб қолади. Шу пайт йироқдан борган сайин яқинлашиб келаётган қўнғироқ товуши эшитилади. Қўлида қўнғироқ ушлаган ҳолда Домна киради.

— Бойвуччалар, кечки овқатга!— дейди у.

— Яна кетиб қолма, мени кут!— дейди шивирлаб она.— Ҳали дийдорингга тўйганимча йўқ...

Йигирма минутдан кейин она қайтиб келади. Унинг қўлида лаганча, лаганчада бир парча шўр севрюга балиғи ё калла-почадан пишириб, гўшти билан шўрвасини қўшиб совутилган овқат, ёинки, селёдкали винегрет ва мазали қора нон бурдалари бор.

— Ма, болам, е... егин.— Уғлини эркалаб, ёлворади она.— Биз беваларнинг овқатидан ҳазар қилма. Сен кичкиналигингда шўртангина севрюга балиғини жуда яхши кўрардинг...

— Қорним жуда тўқ, маман... Қаеримга ейман? Бугун «Прага»да овқат қилдик, кўплашиб хўжалик мудирини тантанали суратда табрикладик. Ҳа... айтмоқчи, маман, мен сизга у ердан апельсин олиб келдим. Мана, марҳамат...

Бироқ у онаси келтирган овқатни зўр иштаҳа билан еб тамом қилади ва онасининг серажин юзидан тоғ жилғалари каби оқиб тушаётган кўз ёшларини пайқамайди.

Кетиш вақти келади. Она уни даҳлизгача кузатмоқчи бўлади. Аммо, эскириб кетган жулдур пальтоси унинг эсига тушиб, бу илтифотни рад этади.

— Бунинг нима кераги бор, маман. Кузатиб қўйиш — кўз ёши тўкишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Ташқарида шамоллаб қоласиз. Эҳтиёт бўлинг, ўзингизни сақланг, она!

Даҳлизда мағрур Никита, шошиб-пишиб эски пальтоси билан йиртиқ шапкасини кияётган Семенютани менсимай, кеккайиб қарайди.

— Э... Ҳали аҳвол шундай дегин, Никитушка,— дейди майин бир оҳангда Семенюта.— Ҳаёт ёмон эмас, фақат ноумид бўлиш керак эмас... Эҳ, сенга ярим танга бериб кетиш керак эди, на чораки ёнимда майдам қолмабди.

— Бе, қўйсангиз-чи,— дейди нафрат билан гапни чўрт кесиб швейцар.— Биламан, сизнинг пулингиз ҳам-

ма вақт йирик бўлади. Ҳа, тезроқ кета қолинг энди, бўлмаса даҳлизни совутиб юборасиз.

Семенютага тақдир меҳрибон, шафқатли юзини қачон кўрсатади? Кўрсатармикан? Ўйлайманки, кўрсатади.

Беқарор телба тақдир ўз арзандаларини ғижинтириб, энг сўнгги бечора қулининг бошини силаса ҳеч гап эмас.

Мана, инсофли кекса қоровул Анкудин касал бўлиб қолади... У ўлими яқинлашиб келаётганини сезиб, ҳукумат палатаси бошлиғига набираси Гришани юборади: «Жаноб олийларига бориб, Анкудин ўлим тўшагида ётибди, ўлим олдида сизга жуда муҳим бир сирни гапириб бермоқчи деб айтгин», дейди.

Генерал Анкудиннинг подвалдаги давлатга қарашли квартирасига келади. Анкудин сўнгги куч-қувватини йиғиб, судралиб каравотдан тушади ва генералнинг оёғига йиқилади:

— Муҳтарам жаноб! Виждоним мени азоблаётир... Ўлаётирман... Ўлимим олдида гуноҳимни ювиб ўлмоқчиман... Ҳалиги... пул билан маркаларни... Мен ўғирлаганман... Мени шайтон йўлдан оздирди. Худо ҳақи, кечиринг... Гуноҳсиз бир банданинг номини булғатдим. Пул билан маркалар, ана... анов шкафнинг юқориги қутиснда турибди.

Эртасигаёқ бошлиқ Пшонков ёки Массани Семенютани олиб келиш учун юборади ва унинг қўлидан ушлаб идора хизматчилари олдига олиб чиқади, пул ва маркаларни Анкудин ўғирлаганини, шўрлик Семенютанинг ноҳақ азоб тортганини гапириб беради, унинг қўлларини қисиб, халойиқ олдида афв сўрайди, кўзларига ёш олиб, уни қучоқлаб ўпади.

Шундан кейин Семенюта меҳрибон онаси билан бирга яна узоқ йиллар тинч ва роҳатда умр кечиради. Аммо она ҳеч қачон ўғлининг ёлғон гапирганлигини унга сездирмайди, у ҳам онасига бунини билганлигини сира айтмайди. Бу нозик иш тўғрисида оғиз очишмайди. Ҳалол ёлғончилик шундай тегманозик бир гулга ўхшайдики, унга тегсангиз дарров сўлади.

Шундай ажойиб ҳодисалар ҳам ҳаётда рўй бериб туради-ку! Ёки фақат пасха байрамига аталиб ёзилган ҳикоялардагинами?



## МИЛЛИОНЕР

Рождествонинг учинчи кунин почта конторасининг дафтарадорин Ракитинникига бир неча одам меҳмон бўлиб келди. Бу ҳодиса чегара яқинидаги диққинафас, жуда ифлос Красилов деган шаҳарчада юз берган эди. Шаҳарча аҳолиси қарийб уч минг яҳудий ва деҳқон — мазурлардан<sup>1</sup> иборат эди. Булар орасида бир гуруҳ одамлар ажралиб турар, улар алоҳида бир «жамият» ташкил этарди. Почтахона чиновниклари, чегарадан ташқи давлатларга «ўтиш пункти»да хизмат қилиб, турли товарларнинг ўтишига рухсат берувчи мутасаддилар, маҳаллий полиция, руҳонийлар ва ўқитувчи билан унинг халфаси ҳам шу «жамият»га мансуб эди. Байрам бўлмаган кунларда улар, ортиқча харажатлардан қочиб, бир-бирлариникига камдан-кам боришар, рождество ва пасха байрамларида эса дабдабали визитлар билан бир-бирлариникига галма-гал меҳмон бўлиб боришар ва «базмча»лар қуришиб, гармонь ёки скрипка садоси остида тонготаргача рақс қилишарди. Зиёфатларида эса картошкадан қилинган, ютуми оғир, бадбўй арақ ва хонаки овқатлар билан бир-бирларини сийлашарди.

Ракитинникидаги зиёфат дастурхони унинг торгина квартирасининг бирида, меҳмонхона деб аталган хонада ёзилган эди. Кичкина хоналардан бирининг номи ётоқхона эди.

Тўрда, почта бошлиғи Шмидт ўтирарди. У хомсемиз, аъзойи бадани сув билан кўпчигандек пўк бир одам, дунёни сел босса ҳам тўпиғига етмас, «штосс» ва «дея-белка»<sup>2</sup> ўйинларидан бошқа ҳамма нарсага бепарво эди.

Шмидтнинг ёнбош томонида, афт-ангори қорачадан келган, сап-сарик кўзининг оқлари ҳам сарғайган, паст бўйли, серғайрат уй эгаси хушомадгўйлик билан айёрон назар ташлаб, руҳоний Василийнинг рўпарасида ўтирарди. Қолган ўринларни пристав ноиби, собиқ казак офицери — хушчақчақ, ашулачи ва жанжалчи Павлов ва унинг қаршисидаги ўринни соч-соқоллари ўсиб

<sup>1</sup> Мазурлар — полякларнинг бир қабилиси.

<sup>2</sup> Карта ўйинларининг номлари.

кетган, ўзини «майхўр саҳоба» деб атовчи, роҳиб нусха, гамгин одам — ўқитувчи Мусорин эгаллаган эди. Энг қуйида эса ўринларни ишғол қиладиган почтахона чиновниги Аггей Фомич Малигин ўтирарди.

Умуман Аггей Фомич мумкин қадар меҳмондорчиликка боришдан ўзини тортар, чунки бунинг эвазига уларни ҳам албатта чақириш кераклигини яхши биларди. Почтахона чиновниклари орасида энг камбағали ҳам шу Малигин эди. Унинг қарамоғида беш боласи билан хотини ҳамда кампир холаси бор эди. Ойида оладиган йигирма икки сўмлик маоши уларни боқиш ва кийинтиришга етмасди. Зарурият орқасида чор-ночор ўтказилган зиёфатлар рўзғорини хароб қилар, «базмча»лардан кейин рўзғорида рўй берган «ўпирилишни» қайта тиклаш учун кундалик харажатларини ҳаддан ташқари қисқартиш талаб қилинарди. Анча вақтгача бутун бир хонадон гўштли шўрвадан, эрталабки чойдан маҳрум, ўтинни аяб ёқишга мажбур бўларди.

Гоҳо почтахонани тафтиш қилишга келган бошлиқлар Аггей Фомичнинг ўнгиб кетган ва чоклари сўкилиб, ямоқлар тушган, тирсак ва ёқалари ишқалана бериб йилтиллаб қолган эски мундирига нохушлик билан қарар эдилар.

Агар Малигинни ўзига бепарволиги, иркитлиги учун бўшатиб юбормаган бўлсалар, бунинг сабаби шу эдики, унинг новча, озгин бўйи, сепкилли қонсиз юзи, сийрак ва калта соқол-мўйловлари, юпқа лаблари билан нурсиз мовий кўзларининг итоаткорона мулоим жилмайиши ҳар кимда ҳам ачиниш туйғусини уйғотар эди.

Бу зиёфатга ҳам Аггей Фомич бир зарурият туфайлигина келган: унинг жағини ҳамма вақт рўмол билан боғлаб юрадиган касалманд заифаси кўзи ёриш олдида турарди. Боз устига катта ўғлининг этик чарми кўчиб, дабдаласи чиқиб кетган эди. Униси ҳам, буниси ҳам пул талаб қилар, аммо Аггей Фомичнинг қора чақаси ҳам йўқ эди. Аҳволи ортиқ даражада танг бўлганлигидан Аггей Фомич ўзининг тортинчоқлигини енгиб, Ракистиникида ўтказилаётган кечада кимдан бўлса ҳам бир неча сўм пул қарз сўрашга қарор қилган эди. Мана, у ҳозир меҳмондорчиликда изтироб чекиб ўтирар, аввалгидан ҳам ранг-рўйи оқарган, юраги пўкиллар, асабий ҳолда қўлларини бир-бирига ишқаб, ўз «дарди»-

ни айтишга қулай фурсат кутарди. У уй эгасини ортиқча чиқимдор қилишдан қўрқиб, ўзига тутилган таомларни шошиб-пишиб қайтарар ва бундан хижолат тортиб қизариб кетарди. Бу фақат камбағал одамларгина тушунадиган сир эди.

Меҳмонлар эса баҳузур еб-ичиб, помешчик тўғрисида, округ почтахона бошлиғи, маҳаллий архiereй ҳамда бу йилги ғалла ҳосили тўғрисида эзмаланиб, бафуржа гаплашиб ўтиришарди. Одамни зериктирадиган бу гаплар чайналавериб ҳамманинг жонига теккан эди. Ҳар бир одам ҳамсуҳбати оғиз жуфтлаши биланоқ унинг нима тўғрисида гапиришини билиб оларди.

Аггей Фомич, уч-тўрт марта ўз «дарди»ни айтишга қулай фурсат келди, деб ўйлади. Унинг назарида меҳмонлар умумий гаплар билан овора бўлганларида, энгашиб, ҳеч кимга сездирмай пристав ноиби ёки ўқитувчидан пул сўраш мумкин эди. Аввало уларнинг диққатини ўзига жалб қилиш, кейин пул сўраш учун Аггей Фомич энгларига қўлини аста тегизиб қўймоқчи бўлди, улар томон энгашдиям, бироқ ўтакетган тортинчоқлиги, қўрқоқлиги унинг қўл-оёғини боғлаб қўярди.

Суҳбат аста-секин турмушнинг оғирлиги, нарх-навоининг ошиб кетганлиги, узоқ йил хизмат қилиб юқори мартабага эришган майда чиновниклар кадман-кам эканлиги устига кўчди. Бу хилдаги гаплар зиёфат аҳлининг юрагига яқин ва умумий гаплар бўлганидан, уларнинг ҳар бири ҳам гапга аралашар ва: «Ҳар нечук бўлса ҳам, турмушда энг муҳим, асосий нарса пул. Пул бўлса чангалда шўрва... Ақлли, ҳуснли ёки меҳнатсевар бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ; пул олдида одамлар сажда қилишади!» деган фикрни айтар эди.

— Бир маҳал менинг бойиб кетишимга сал қолган эди,— деди Шмидт ҳарсиллаб.— Мен Головчинодаги Порчинский деган помешчикнинг тўйида бўлган эдим. Тўйга йигирма чоқли поляк бойлари келишган эди. Маълумки улар кечликдан кейин албатта штосс ўйнашга ўтиришади. Агар хотирамдан кўтарилмаган бўлса, ўша вақтда ҳамёнимда йигирма ёки ўттиз беш сўм пулим бор эди. Шу озгина пул билан ўйинга қўшилиб бўлармиди? Улар бўлса ўйинга минг сўмлаб тикадилар. Мен уларнинг ёнида туриб ўйинни томоша қилдим. Шу пайт қиморга ҳар сафар йигирма беш сўлкавой тикиб турган мўйлови шопдай бир помешчик менга: «Нега

ҳеч нарса тикмаяпсиз?»— деб сўраб қолди. Мен: «Ўйнашга ҳамён касод... Пулим оз!»— дедим. «Ҳечқиси йўқ. Уйнайверинг!»— деди у. Майли, ўйнасам ўйнай деб, дастлаб ўн сўмни тикдим. Ютқаздим. Яна ўн сўмга майда пул қўшиб тиккан эдим, буни ҳам бой бердим. Оловим чиқиб кетди. Ёнимда бир сўмлик кумуш пул. Екатерина пулидан бор эди, хотира учун сақлаб юрган эдим... «Кел, буни ҳам тик!» деган фикр хаёлимдан ўтди... Уни ҳам тикдим. Омадим келиб, бу сафар ютдим. Уша картани, яна уч-тўрт марта ўйнаган эдим, омадим юришиб ўртага уйилган ҳамма пулни ютиб олдим. Банкчи менга: «Энди банкни сиз қўясиз!»— деди. Мен жон деб қабул қилдим, яхшилаб ўтириб олиб, картани чийлай бошладим. Бахтнинг келишини қарангки, ким каттароқ картани қўйса, мен уриб ола бердим... Шундай қилиб, ўртада ўн беш мингга яқин пул тўпланди. «Энди туриб кета қолай» деган фикр хаёлимга келса-да, келган бахтни ўз қўлим билан бераманми, деб аҳдимдан қайтдим... Худди шу пайтда столга тўй эгаси, куёвнинг ўзи — Порчинский келди-да: «Қани, биттасини менга ҳам беринг-чи! Ишқу муҳаббатда сизнинг омадингиз юрса-да... қиморда юрмайди!»— деб қолди. Мен унга: «Кечирасиз... мен карталарни сузиб қўйдим», дедим. У: «Шундайми ҳали, жуда соз! Ундай бўлса, ўртадаги пулнинг ҳаммасига тикдим!»— деган эди, ҳамма-нинг оғзи очилиб унга тикилиб қолди. Илож қанча? Қарталарни янгидан чийлай бошладим... У ҳаромзода, ҳатто чийлаган картамини суриб ҳам қўймади... Ҳатто кўзини пирпиратмади ҳам... Буни қарангки... Иккинчи картани олишдаёқ ҳамма пулни ютиб чўнтагига солди-да, четга чиқиб тураверди: «Энди мен ўйнамайман», деди.

Шмидтнинг гапини эшитиб, ҳамма-нинг кўзи чақнаб кетди, улар ана шу ўн беш минг сўмни худди ўз кўзлари билан кўргандек, бу пулларни шалдираганини эшитгандек ва бу пулларнинг ҳидлари бурунларига киргандек бўлди.

— Билетларига ютуқ чиқадиган бахтли одамлар ҳам бўлади,— деди нафасини аранг чиқазиб черков дьякони. (Ҳамма унда ички заём билетлари борлигини биларди.) Яқинда қандайдир бир судхўрнинг икки юз минг сўм ютганини газетада ўқидим. Шунча пулни лоақал бирор камбағал одам ютиб олса майлийди-я! Бусиз

ҳам судхўрнинг пули ачиб ётибди. Яратганининг хоҳиши ўзидан бўлак ҳеч кимга аён эмас...

— Ҳа...— деб дўриллаб гапирди ўқитувчи,— шундай ҳодисалар ҳам бўлиб туради. Одамлар, агар билет бир сафар ютса, иккинчи сафар ҳам албатта ютади, деб айтишади. Шу гап ростмикан?

— Ҳа. Шунақа дейишади... Аммо бунинг рост-ёлғонлигини билмайман,— деди пристав ноиб.— Биз томондаги «З» деган жойда бир копинист<sup>1</sup> қизиқ воқеага дуч келибди. У губерня маҳкамасида хизмат қилиб юриб, бир амаллаб ана шунақа билетлардан сотиб олган экан. У бир кун идорасига келса, идора бошлиғи ундан: «Сергей Иванович, билетингизнинг номери неча?»— деб сўрабди. У эса, ҳозир хотиримда йўқ, чамамда 1123 бўлса керак, деган экан:— «Табриклайман. Сиз эллик минг сўм ютибсиз», дебди унга идора бошлиғи. Газеталарга солиштириб қарасалар чиндан ҳам 1123-номерга эллик минг ютуқ чиққан экан. Бечора севинганидан ўзини йўқотиб қўйибди! Шампанскийлар қўйиб катта зиёфат берибди. Зиёфатда ҳамма уни табриклаб баландпарвоз нутқлар сўзлашибди... Эртасига эса ўша газетада, ютуқ ҳақиқатда 1123-номерга эмас, 1124-номерга чиққан, 1123-номер хато босилиб кетибди, деб эълон босилиб чиқибди. Шўрлик копинистнинг хуноби ошиб, иситмаси чиқиб кетибди.

Шундан кейин меҳмонлар, чайнала бериб миси чиқиб кетган, бир-бирига ўхшаш, барчага маълум бўлган ҳикояларни — Ротшильднинг Парижга пиёда келиб, дастлаб кўчаларда гугурт сотиб юрганлиги, кейин йилига юз миллион даромад қилганлиги тўғрисида, Вандербилт тўғрисида, ер ости бойликлари, карта ўйинидаги ютуқлар, биржа спекулянтлари, тасодифан бойиб кетган америкалик миллионер амакилар тўғрисида бирин-кетин гапиришди.

Аггсей Фомич, гапга аралашмаса ҳам, уларга астойдил қулоқ соларди. У кўримсиз бўлишига қарамай, жўшқин хаёлларга бериладиган ажойиб одам эди. Бундай одамлар турмушда кўп учрайди. Эшитган ҳикояларини у жуда ёрқин тасаввур қиларди. Тасодифан бойиб кетган ёки қарзга ботган кишилар танқид ва бемаъни ҳавасларни, тўла қониқтиришга қурби етадиган,

---

<sup>1</sup> Нусха кўчирувчи.

миллионер деб ном олган бу ажойиб махлуқлар тўғри-сидаги гапларни эшитиб Аггей Фомич безгаги тутиб қолгандек титрар, ҳаяжонланарди. Чунки ҳозир, шу дамда унга доя билан ўғлининг этигига арзимайдиган бир неча сўм пул жуда зарур бўлиб қолган эди.

Аггей Фомич:

— Баъзи одамлар... Кўчада ҳам пул топиб олишади...— деди томдан тараша тушгандек. Бу гап унинг оғзидан бехосдан чиқиб кетган эди.

Ҳамма ажабланиб унга қаради, чунки ўтириш бошлангандан бери у бир оғиз ҳам гапирмаган эди. Аггей Фомич хижолат бўлиб кўзини дастурхонга тикди.

— Ҳа, бўлмасам-чи, одамлар кўчада ҳам пул топиб олишади... бировларнинг чўнтагидан,— деди пристав ноибни қизиқчилик қилиб.

Меҳмонлар пристав ноибининг бу қизиқ гапидан кўра кўпроқ дастурхондан кўзини ололмай қолган Аггей Фомичга кулиб юбордилар. Шу ондаёқ ўтирганларнинг ҳар бири ҳали учи топилмаган катта ўғирлик ҳодисаларини гапира кетди. Аггей Фомичнинг кўз ўнгидан яна ўн ва юз минг сўмлаб пуллар, ранг-баранг даста-даста ассигнациялар, ўз пулларининг ҳисобига етолмаган бойларнинг «сеҳрли» исмлари бирин-кетин ўта бошлади. Аггей Фомич уларнинг гапларини худди гастроном магазинининг муҳташам ойналари олдида телмуриб турган оч кишидек қизиқиб эшитарди.

Девордаги эски «ҳирқироқ» соат тунги бирга жом чалди.

Дьякон узун либосининг ўнг енгини шимариб ўрнидан турди ва меҳмонлар билан хайрлаша бошлади. Ундан кейин Аггей Фомичдан бўлак ҳамма меҳмонлар ўринларидан туриб, хайрлашиб кета бошладилар. Ракитин шам билан меҳмонларни йўлаккача кузатар экан, Аггей Фомич ўз ўрнида қимирламай, ҳаяжонланиб, титроқ қўли билан нондан шарчалар ясаб ўтирарди. «Мана ҳозир Ракитин меҳмонларни кузатиб қайтиб келади. Мен ундан қарз сўрайман. Фақат бир оз дадил бўлишим керак... Ахир у мени пул сўраганим учун еб қўймайди-ку!» деган фикрлар унинг кўнглидан кечарди.

Ниҳоят, Ракитин меҳмонларни узатиб, уйга қайтиб келди ва якка қолган меҳмонининг бошқалар билан бирга кетмаганига ҳайрон бўлиб, унинг ёнига ўтирди. Аммо Аггей Фомич эса муддаосини дарров айтиб қўя

қолмай, хизмати ва ойлиги ҳақида узундан-узоқ гапириб, безор қилди. Ракитин мудроқ босган кўзлари билан унга тикилиб, ҳомуза тортар, одоб юзасидан оғзини беркитиб, ўзини унинг гапини эшитганга соларди. Шу йўсинда ярим соат ўтди. Ниҳоят, Ракитиннинг тоқати тоқ бўлиб, овоз чиқариб ҳомуза тортди-да, керишди.

— Бу қандай расвогарчилик!— деди уйқули кўзлари билан.— Эртага почтаҳонада мен навбатчилик қилишим керак...

Аггей Фомич шошиб-пишиб ўрнидан турди-ю, узр сўрай бошлади. Даҳлизда эшикни оча туриб, у тўсатдан ўз иродасизлигини енгиб Ракитинга ўгирилди. Ердан кўзини узмай, ғарибона бир товуш билан деди:

— Менга қара, Ракитин, сенга... кичкинагина бир илтимосим бор...

— Қанақа илтимос?— деди безовталаниб Ракитин.

— Биласанми... мен сени безовта қилиб ҳам ўтирмасдим, аммо эрта-индин хотиним туғмоқчи. Биласанми, менга жуда зарур бўлиб қолди... Худо ҳақи... йигирманчиларда бераман... Менга...— Ун сўм сўрамоқчи эди-ю, бундай катта пулни сўрашга юраги дов бермади,— менга, лоақал, беш сўм қарз бер...— деди Аггей Фомич. Ракитин икки қўлини кўкрагига қўйиб ишонтариб деди:

— Худо ҳақи... бир тийиним ҳам йўқ. Биласанми... бутун бошлиқ хонадонимда ҳатто қора чақа анқога шафе!

Ракитиннинг бундай ҳаддан ташқари ясама гапиришидан Аггей Фомич унинг пули борлигини, аммо қарзга беришга қўрқаётганини аниқ сизди. Аггей Фомич гўё узр сўрагандек бир нима деб гўлдиради-да, кўчага чиқиб кетди.

Тун сокин, ойдин ва совуқ эди. Қор босиб ётган кенг кўчалар, қордан гўё бошига оқ қалпоқ кийган пастаккина уйлар, шохларига пахтадек оппоқ қор ёпишган дарахтлар — ҳамма ёқ гўё жонсиздек кўринарди. Оёқ остида қор ғарчилларди.

Аггей Фомич анчагина йўл босиши керак эди. Пул тўғрисидаги фикр миясидан ҳеч кетмас эди. У ҳозир қашшоқлик ва чақалоқ йўрғагининг ҳиди ҳамиша анқиб турган, ойналари нари-бери замазкаланган пастаккина, совуқ уйига боришини ўйлаганда эти жимирла-

шиб кетарди. Овозини олдирган хотини инграб, ундан пул тўғрисида сўраб қолса, нима деб жавоб беради? Мана, у ҳозир зиёфатда арақ, пиво ичди, қовурилган чўчқа гўшти еди, уйдагилар фақат «отаимиз албатта пул олиб келади!» деган ширин умид билан ярим оч ҳолда уйқуга толгандирлар.

«Эй парвардигорим,— дерди юраги эзилиб Аггей Фомич.— Нечун сен бошқаларга бахт-саодат, фаровонлик, тўқ ҳаёт бағишлайсан-у, мени эсингдан чиқаргансан. Бошқалар, ҳатто ўзларига керак бўлмаса-да, пул топиб олишади. Эй худойим!.. Мен ҳам ҳаётимда бир мартагина... лоақал бир марта-я... ҳеч бўлмаса ўн сўм... йўқ, йигирма сўм... пул топсам нима бўлар экан?»

Ана шунда доя хотинга ҳам, Васютканинг этигига ҳам, Лелянинг қишлик пальтосига ҳам етарди. Мана, ҳозир йўлда кетяпман. Нечун, масалан, қўққисдан биророрта ҳамён топиб олмайман? Ахир шунақа ҳодисалар ҳам бўлиб туради-ку, ҳатто жуда тез-тез бўлиб туради-ку. Бу ҳақда газеталар кўп ёзишади, одамлар оғзидан тушмайди-ку, ахир!»

Уйчан, хаёлпараст Аггей Фомич ҳозир кўчада пулгалиқ тўла катта чарм ҳамён топиб олишини тасаввур қилди. Мана, у ҳамённи очяпти. Юз сўмлик пачка-пачка пуллар, ютуқ билетлари чиқяпти. Мана, у кенг, ёруғ ва иссиқ хонага кўчиб келди, мебеллар сотиб оляпти. Мана, у бола-чақаларига хушбичим, иссиққина кийимлар тиктиряпти. Ахир пулинг кўп бўлса хоҳлаган нарсангни қилиш мумкин. Бу куни зиёфатда ичган бир неча рюмка арақ таъсириданми ё бўламса, пул топиш орзуси хаёлини банд қилиб қўйганиданми, Аггей Фомичнинг кўнглида аста-секин жуда антиқа ва ақлга сиғмайдиган, аммо ўзи ҳеч қанақа шак-шубҳа қилмайдиган тўла ишонч пайдо бўлди, у албатта шу бугун ва ҳатто шу заҳотиёқ кўчадан ажойиб бир ҳамён топиб олиши керак!

Нега ва нима важдан у пул топиб олиши керак, буни у билмас, бу ҳақда ўйламасди ҳам. Фақат пул топиб олишига қаттиқ ишонган ҳолда бошини қуйи солиб, оёқ остига синчков назар ташлаб борарди.

— Мана ҳозир... ҳозир топиб оламан,— деб пичирларди у, худди тушда алаҳсираган одамдек,— бошқалар топишади-ку ахир... Мана... ҳозир топаман... тагин бир неча қадам ташлайман, холос. Мана ҳозир... ҳо-



зир.— Шу вақт чиндан ҳам Аггей Фомичнинг йўл устида қорда ётган тўрт бурчакли кичкинагина қора нарсага дафъатан кўзи тушиб қолди. Бу мияси айнинган одамнинг хаёли бўлмай, ҳақиқат эди. Унинг сочлари тик бўлиб, севиниб кетганидан нафаси тиқилиб қолди... ўғрига ўхшаб, теварак-атрофга қараб олди-да, ҳалиги қорда қорайиб кўринган нарсага ўзини отди.

Аггей Фомичнинг қордан кўтариб қўлига олган нарсаи ҳақиқатда ҳамён эди. Бу ажойиб аҳвол — хаёлнинг ҳақиқатга айланиши дастлаб Аггей Фомични бир дамгача эсанкиратиб қўйган бўлса-да, аммо қўлида чинакам ҳамён ушлаб турганига қаноат ҳосил қилиб, титраб-қақшаб ҳамённи кўкрагига босди-ю, жон-жаҳди билан уйига қараб чопди...

Ярим чақиримлик йўлни чопиб ўтгач, бундай тез ҳаракатга кўникмаган Аггей Фомич биқини санчаётганини, томоғига қаттиқ бир нарса келиб тиқилганини, миясидаги қон томирлари лўқиллаб ураётганини сезди, у ўзини тўхтата олмас, бир лаҳза тўхтаб нафасини ростлаб олгудек бўлса, орқасидан биров қувалаб келаётгандек ва топиб олган бойлигини тортиб олаётгандек туюларди. Югуриб кетаётганда бошидаги шапкаси ҳам тушиб кетди. Эгилиб олмоқчи бўлди-ю, яна ўша заҳоти қўл силтаб ўз фикридан қайтди ва югуришда давом этди: «Бу шапканинг ўрнига минглаб шапка ола-миз!»— деб пичирларди терисига сигмай.


Аггей Фомичнинг даҳшат солиб, эшикни қаттиқ тақиллатишидан чўчиб уйғонган хотини, шам тутиб чиқиб эшикни очди. Болалар ҳам уйғонишиб кетишди ва ётоқларидан ҳайрат аралаш қўрқув билан оталарига қарашди. Чеҳраси оппоқ оқариб, қора терга тушган Аггей Фомич ўзини креслога ташлади, унинг ола-кула кўзлари чақнарди.

— Анечка! Болаларим!— деди у ҳирқироқ товуш билан ҳамёни силкитиб.— Мана бу ҳамёнда... гиж-гиж пул бор... Юз минг сўм... Қани, болаларим, янги уй олинлар. Аня... менга шампанскийни олиб кел. Биласизми? Тўрт юз минг сўм! Тўрт юз минг сўм-а! Уррр-а!— деб юборди.

Шу вақтда Аггей Фомич шундай бойки, унинг миллионлари олдада Голконданинг ҳам, Калифорниянинг

ҳам бутун бойлиги ип эшолмайди. Отхонасида олтмиш минг от, миллиону беш юз минг извош сақлайди. У ер куррасидаги ҳамма темир йўлларнинг, ҳатто ердан Юпитер юлдузига қадар қурилаётган янги темир йўлнинг ҳам директори. У шу қадар сахийки, ҳатто илтимос билан келган ҳар бир фақир-бечорага бир-икки миллионни бажонидил инъом қилиб юборади. У шафқатли, мўмин-қобил, хушмуомала одам, агар биров ичида эскириб ёғи чиққан уч сўмлик қоғоз пул, багаж квитанциялари ва газета эълонлари бўлган қимматбаҳо ҳамёнига қўл тегизса, Аггей Фомичнинг жони чиқиб кетади. Шунда у қутуриб, қўлига нимаики тушса, атрофдагиларга ирғитаверади. Аггей Фомичнинг болалари ва хотини уни жуда ссвадилар ва унга меҳрибонлик қиладилар. У ҳам болаларига худди шундай муомала қилади.

Ким билсин, балки шунақа телба-кезик одамлар, баъзан бизга — соғлом одамларга қараганда чексиз бахтиёрдирлар?



## МУНДАРИЖА

ЁҚУТ КЎЗЛИ БИЛАГУЗУК . . . . .	3
ТЕРГОВ . . . . .	57
ЖАЗО МАШИНАСИ . . . . .	72
ҲАЛОЛ ЁЛҒОНЧИЛИК . . . . .	84
МИЛЛИОНЕР . . . . .	97



К 93

**Куприн А. И.**

Ёқут кўзли билагузук. Ҳикоялар. 2-нашри. Таржимон Л. Олимов. Т., «Ёш гвардия», 1979. 108 б.

**Куприн А. И. Гранатовый браслет. Рассказы.**

ББК 84Р7  
Р2

На узбекском языке

**А. И. Куприн**

**ГРАНАТОВЫЙ БРАСЛЕТ**

**РАССКАЗЫ**

Издательство «Ёш гвардия»— Ташкент — 1979

Гослитиздатнинг 1957—1958 йилларда нашр этилган VI томлик асарлар тўпламидан таржима қилинган.

Редактор Э. Миробидов

Рассом Л. Богатова

Расмлар редактори Э. Валиев.

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 451

Босмахонага берилди 2/II-1979 й. Босишга рухсат этилди 6/VIII-1979 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 3,375. Шартли босма листи 5,67. Нашр листи 5,7. Тиражи 30.000. Шартнома № 16—77. Ваҳоси 50 т. Заказ № 801.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.